

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ  
ЎМУМТАСИ  
РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ»  
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ  
МАХШИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЕ  
ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ ИНСТИТУТИ

ШАРАФУДДИН РОҚИМИЙ

# ТАРИХИ ТОММ

ТОШКЕНТ — «МАЪНАВИЯТ» — 1998

Форсийдан ўзбек тилига таржима, лўғат ва проза муаллифлари:  
Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ ва Наим НОРҚУЛОВ  
Масъул муҳаррир: Неъмат АМИНОВ  
Илмий муҳаррир: Ҳамид ҲОМИДОВ

Китоб Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат Қўмитаси ҳомийлигида чоп этилди.

«Тарихи томм» маънавиятимизга оид асарлардан бўлиб, у ўтмишда яшаган, кўпчилик илм-адаб аҳлига маълум бўлмаган тарихий шахслар ва алломаларимиз ҳақида маълумотлар беради.

Китоб тарихчиларга, талаба ва ўқувчиларга, маънавият масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар ва тарихга қизиқувчи кепг оммага мўлжалланган.

Р 4702620204—5 — қатъий буюртма, 97  
М 25(04)—97

© Ўзбекистон Республикаси  
Фан ва Техника Давлат Қўмитаси, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази, «Маънавият» нәшриёти,

© Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти. Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ.

Амир Темур ва Темурийлар даври  
тарихимизнинг ажралмас қисмидир.

Ислоҳ ҚАРИМОВ.

## МУҚАДДИМА УРНИДА

Ўзбек халқи жуда бой қадимий маънавий бойликка эга. Ўтмишда халқимиз орасидан етишиб чиққан юв-лаб алломалар кишилик тафаккури тараққиётида ёрқин юлдузлар бўлишган. Аммо тарихий вазият тақозоси ўлароқ, 150 йиллик мустақиллик тузуми оқибатида биз уларнинг кўпчилигини ёддан чиқариб қўйган эдик. Аллоҳга мингбор шукурки, 1991 йилда эришган мустақиллик туфайли энди ўз маънавиятимизни, қадриятимизни, ҳақиқий тарихимизни тикламоқдамиз.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Қаримов «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзудаги халқаро конференция тезислари тўпламига ёзган сўзбошисида шундай дейди: «Амир Темурнинг таваллуд куни унинг Ватанида илк бор тантана қилинган. Бу қадим Мовароуннаҳр заминида юз бераётган улкан ўзгаришларнинг меваси Ўзбекистоннинг фақат мустақилликка эришганидангина иборат эмаслигини кўрсатади. Миллий анъаналар ва кўҳна маданиятимиз қайта юз оча боряпти. Улуғ аждодларимизни ёд эта бошладик. Уларнинг маънавий меросини ўзлаштиряпмиз («Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзудаги халқаро конференция тезислари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 3-бет).

Аждодларимиз ўтмишда яратган маданий бойлигимизнинг аксарияти ўзбек, форс ва араб тилларида араб алифбосида битилган бўлиб, давлат ва шахсий кутубхоналарда сақланиб келинмоқда. Аммо афсуски, кирилл алифбосига ўтиш муносабати билан қадимги қўлёзма асарларни ўқий оладиганлар сони кескин даражада камайиб, ўзбек халқи ўз ёзма маданий меросини ўқишдан маҳрум бўлиб қолди. Шунинг учун ўтмиш қўлёзма манбаларни кирилл ва лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувида чоп этиш шў куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Президент Ислоҳ Қаримов таъкидлаганидек, «Ўз тарихимизни ҳалол ва объектив баҳолаш бугун ёш давлатимиз учун сув билан ҳаводек зарур. Улуғ бир йўл

бошида турган эканмиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой мерос билан жаҳон гамалдуни эришган ютуқларни уйғунлаштиришнинг аҳамияти беқиёс даражада катта эканини тўла ҳис этамиз. Биз учун маданиятимиз, миллий анъаналаримизга суяпган ҳолда жаҳон маданияти бойликларини идрок этиш ва эгаллаш фавқулодда зарур» (Уша асар, 4-бет).

«Тарихи томи» маънавиятимизга оид ана шундай асарлардан бўлиб, у ўғмишда яшаган, кўпчилик илм адаб аҳлига маълум бўлмаган Амир Темур ва Темуррийлар даврига оид тарихий шахслар ва алломаларимиз ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Бу асар «Тарихи Роқимий», «Тарихи Роқим», «Таворихи Мир Сайид Шариф Роқим», «Тарихи Темур ва Оли Чингизи Мир Шариф Роқим», «Тарихи касира» номлари билан машҳур ва маълум. Лекин «Тарихи Роқимий», «Тарихи касира» номлари билан кўпроқ машҳурдир. Шунинг учун ҳам бухоролик тарихчи Мирзо Саллимбек (1848—1930) «Тарихи касира»ни Вазеҳнинг «Тухфатул-аҳбоб» таъкираси ҳошиясида форс тилида чон этади (Тошкент, Гулом Ҳасан Орифжонов босма-хонаси, 1913 йил). 1864—1865 йилларда Муҳаммад Юсуф ибн қози Ҳожамберди Хоразмий-Рожий «Таворихи кибор» номи билан ўзбек тилига таржима қилган. Таржиманинг ягона нусхаси Санкт-Петербургдаги кутубхонада сақланмоқда.

«Тарихи касира» («Тарихи Роқимий», «Тарихи томи») асарининг муаллифи ҳақида маълумотлар жуда оз. Айрим маълумотларга қараганда, унинг муаллифи Субҳонқулихон (1681—1702) даври олимларидан Мулло Шарафуддин Аълам ибн Нуриддин Охунд ибн Мулло Фарҳод ҳисобланади. У Мулло Боқижон вафотидан сўнг унинг ўрнига — Аълам калон мансабига тайинланган. Мулло Шарафуддин Андижон вилоятида туғилган бўлиб, ёшлигида онаси билан Самарқандга кўчиб келади. Балогатга етгач, онаси сингарини фозил киши бўлиб етишди, шоир, шеършунос ва фасоҳат соҳибини сифатида шуҳрат топади. Қози Муҳаммад Бадъ Самарқандий ўз таъкирасида унинг Роқим тахаллуси билан шеърлар етганлигини таъкидлайди. Манбаларда Роқим ҳақида ҳозирча бошқа маълумотлар учрамайди.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган «Тарихи томи» қўлёзмаси 1777 йили кўчирилган ва Ҳ. Н. Бобобеков-

нинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. Ушбу камёб нусха биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилмоқда. Асарни асл номи билан чоп этишимизга бир неча сабаб ва асос бор. Ибод Шоҳ Қўчак ибн Мулло Шоҳ Осиф Тошкандий тўплаб тартибга солган 69 та тарих «лафзан ва адад ила тарих этган». Бундай тартибда ёзилган асарлар эса «тарихи томм» деб аталади. 1913 йили чоп этилган «Тарихи касира» асарида 232 нафар шахслар, воқеа ва иншоотлар ҳақидаги тарихлар тартиби ва сони айрим ҳолларда бир-бирдан фарқ қилади. «Тарихи касира»да уларнинг сони кўп бўлишига қарамай, унга «Тарихи томм» асаридаги 10 тарих кирмаган. Масалаи, Мавлоно Муниддин Фароҳий, Мавлоно Фирғоний, Хожай Хованд, Мавлоно Зайниддин Абубакр Тайбодий, Мавлоно Содик, Ҳазрати Пирим Қосим Шайх, Қози Поянда Зоминий, Мавлоно Юсуф Қаробогий шулар жумласидандир.

Бу ноёб китобдан ҳаётини сабоқлар олиш мумкин. Унда Ватанимизнинг ўтмишига оид, Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда яшаб ўтган кўплаб олимлар, шоирлар, исломий аҳком пешволари, султон, амир ва бошқа амалдорлар, турли биноларнинг қурилиши, тарихий воқеаларнинг содир бўлиши ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Муаллиф у ёки бу шахс, тарихий воқеа ҳақида келтирган далилларнинг айримлари бошқа манбаларда учрамайди. Адибнинг насрий ва шеърини тасвирлари, ифода услуби ҳам мутлақо ўзига хос бўлиб, бошқа шу хилдаги асарларда кузатилмайд.

«Тарихи томм» асарини чоп этишга тайёрлаш жараёнида унинг матнини китобда зикр этилган тарихий шахсларнинг рамзий суратлари билан безашга қарор қилдик. Нозиктабъ мусаввирлар Зайниддин Фахриддинов ва Икромжон Шоабдуллоасвлар иложи борича кўплаб манбаларни ўрганиб чиқиб, суратларни ўз тасаввурлари бўйича чиқиб беришди. Хуллас, китоб китобхонларга манзур бўлади, деб умид қиламиз.

Ушбу асарни таржима қилиш, безаш ва чоп этишда моддий ва маънавий томондан ҳомийлик қилган Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат Қўмитасига ўз миннатдорчилигини билдирамиз.

Ҳ. БОБОБЕКОВ, Н. АМИНОВ, Н. НОРҚУЛОВ,  
Ҳ. ҲОМИДОВ.

## **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ!**

Арбоби дониш кўнгиллари ва асҳоби биниш хотирларига аниқ ва равшандирки, муаззам уламолар ва карамли фузалолар айём ҳодисаларини тарихларда назмлаъли ва наср жавоҳирлари билан кашф этганлар. Бу услуб билан фозилу фузалолар ганжинасида муҳтожлар юзига маъно эшикларини очганлар. Бу тарихлар хилма-хилдир. Унинг баъзиларида фақат ой ва йил ададини назмга солганлар. Бу тарихлар зарифлар наздида ортиқ таҳсин этилмайди. Баъзилар бу ишни шу тарзда адо этадиларки, лафзан ва адад ила тарих этганлар. Бундай тарих «тарихи томм» дейилади. У фозиллар наздида таҳсинга лойиқдир.

Чунончи, бу қораламалар роқими баъзида вафот тарихлари битган. Уларнинг гуруҳи одам номига ёки воқеъ бўлган ҳодиса ҳақида ёзилган. Бир нечалар унинг васфи, ё номи васфи, ё манзил номи, ё замон ва макон васфини ва кўплаб васфлар ва ҳоказолар келтирурлар. Гоҳида шундай бўладики, бир лафзни келтирадиларки, ўша тарих, таваллуд тарихи ва яна лафз ўша кишининг вафоти тарихи бўлади. Гоҳида шундай бир лафзни келтирадиларки, у умр муддатидан далолат беради. Таҳсинга лойиғи шулки, тарих тасмияда хотима топади. Ҳар бир тарих муаммо қоидаларида бўлиши мумкин. Лекин, вафот саналарида исқот тариқаси маъқул. Баъзида табдил ё таркиб, ёки баъзида тасмия йўли билан бўлади ва ҳоказо.

Бу «Таворихи касира» қораламаси роқими шу қоралама ихтиро қилинган ҳижрий санага асосланади. Шундайки, ҳар бири мазкур йўлларнинг қай бири билан адо этилса, назар этувчиларнинг назарига қўйгусидир. Би-манниҳи ва карамихи.

## **ҲАЗРАТИ ШАЙХ АЛОВУДДИН, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ТАРИХИ ЗИКРИДА**

Раббоний илмларининг олими, самадоний рамзларнинг кашф этувчиси, иршод марказининг доираси Абул

макорим Аловуд Давла вад-Дин Аҳмад ибн Муҳаммад ал—Янги Аловуддин Симноий номи билан маъруфдир. Асли Симнои мулкидан эрдилар. Ун беш ёшга тўлганларидан кейин ул авлиёлар султони, асфиё бурҳони нафси аммора бирла кураш майдонида жанг жадал қилиб, қатл ва жидол маърақасидан уни мунҳазм қилиб (яъни енгиб), ул таҳқиқ ишлари сипоҳсолори ул ҳақиқий подшоҳга мажзублик салтанатига мансуб бўлди. Ундан сўнг дунё ва ундаги ҳижоблар басират пардаси қаршисидан кўтарилиб ҳазрати Хизр алайҳис салом суҳбати шарафиди топдилар. Борлиқ зулумоти зolimларини босиб ўтиб, йўқлик ҳаёти чашмасига етишдилар. 720-саида Саккокия хонақоҳида 16 йил давомида 140 арбанини чилла ўтирдилар. 130 марта ҳар хил хилватларда бўлиб, умри шарифлари 77 йилу икки ой ва 14 кунга етганда ражаб ойининг 21-куни 736 санада вафот топиб, Суфиободда қутбул—ақтоб Хожа Имоуддин Абдулваҳҳоб хасирасида дафн этилдилар. Мавлоно Шоҳали Шабистоний қутбул—ақтоб тарихини қуйидагича назмга солганлар. Тарих:

Тарихи вафоти Шайхи аъзам,  
 Султони муҳаққиқони олам.  
 Марди ҳақ дин Алови давла,  
 Бар маснади худ ишашта хуррам.  
 Бисту якуми моҳи ражаб,  
 Анлар шаби жумъан мукаррам.  
 Аз ҳижрати хотам ун—набийийин,  
 Ҳафтдаҳ бигзашту сию шаш ҳам.  
 Бар бўйи висоли ёр жон дод,  
 Сад жони жаҳон фидон он дам.

(Мазмуни:

Шайхи олам вафоти тарихи,  
 Олам муҳаққиқлар султони.  
 Ҳақнинг бандаси, олий дину давлат,  
 Шодлик билан ўз тахтига ўлтирди.  
 Ражаб ойининг йигирма бирида,  
 Мукаррам жумъа оқшомида.  
 Пайгамбарлар сараси ҳижратидан,  
 Ун етти йил ўтти, яна ўттиз олти.  
 Ёри висолининг бўйига жон берди,  
 Жаҳоннинг юз жони шу дам фидоси.)

Кароматларни ўзида жам қилган ул зотнинг мусан-  
нуфотларидан «Қавотий ас-саботий» ва «Шарҳи ри-  
солайи зул-эйтибор», ва «Рисолайи фатҳ ул-мубин»  
дир. 737 йили (милодий 1337) жумодул-аал ойида  
субҳоний илоҳий денгизларга чўмувчи Ҳазрати Шайх  
Авҳадиддин Сифоҳоний, қабрлари нурли бўлсин, жумо-  
дул-аввал ойида балолар макони бўлган дунё олами-  
дан охират оламига юзландилар.

## **ИБН ЯМИНИ ҚИТЪАҒҲИ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Амир Маҳмуд ибн Яминуддин замон фозиллари ва  
даврон сараларидан эрди. Қитъалар назминни айтишда  
тўлиқ шуҳрати ва сўзсиз ўткир зеҳни соҳиби эди. Шунга  
эришдики, қитъалари байтлари гулбундан тоза ва хур-  
рам назм чаманида маъно гуллари ва мавзун мисрала-  
ридан сарвларгача бўлган дарахтлар хиёбони саҳифа  
саҳнида эрам боғи масоҳатидекдир. Мамдуҳи (мадҳ  
этувчиси) Амир Маҳмуд бўлиб, у сарбадорлар жамоа-  
сидандир. Аммо, ҳаёти назми қатъ бўлганда, 745 (ми-  
лодий 1344/1345) йилда ҳаёти мажмуасининг омонати-  
ни қазо девонига топширди. Ул фанда нодир зотнинг  
дафн бўлган жойи Фарюмаддир; ўз отасининг ёнида;  
бир парча ерда ҳар иккаласи осудадириллар. Бу икки  
қитъа табарруқона ул улуг зотдан сабт этилди. Қитъа:

Сихҳати амн ҳасту важҳи маош,  
Гар набошн шакур куфрон аст.  
Шукри инъоми мунъим ар накунн,  
Он на куфр, он ки маҳзи куфрон аст.  
Ҳаст куфрон фузун зи куфр аз он,  
Ки масно куфри куфрон аст.

(Мазмуни:

Тирикчиликдан мақсад соғлиғу, тинчинг,  
Шукур айтмасанг куфрон айтган бўласан.  
Мунъимга шукр инъоми қилмасанг,  
Бу кофирликнинг ўзгинасидир.  
Куфрондан куфр оғир гуноҳдир,  
Масно куфроннинг кофиридир).

Иқболро бақо набвад, дил бар он манеҳ,  
Умреки, дар ғурур гузори ҳабо бувад.



В-ар нест боварат зи ман инак ту худ бубин,  
Иқболро чу қалб кунн лобақо бувад.

(Мазмуни:

Иқболга кўнгил берма у вақтинчалнкдир,  
Ғурур билан ўтказган умринг беҳуда.  
Мабодо сўзларимга ишонмасанг, ўзинг кўргил, —  
Иқболни терсидан ўқисанг лобақо (бақосиз) бўлур.)

### **САДР УШ-ШАРИЪА АБДУЛЛА ИБН МАСЪУД ИБН ТОЖ УШ-ШАРИЪА ВАФОТИ ТАРИХИ**

Опасининг отаси Маҳмуд ибн Садр уш-Шариъа-дир. Ул фазилатлар манбаи «Виқоя» матнигаким, бобо-сига тегишли эди, бир шарҳ ёздики, у туфайли изоҳ-булоқлари ва муҳити гоятда ва ниҳоятда равшанлик касб этди, ва «Мухтасар» матнки, фасллар шохчалари-дан савоб жавоҳирларининг фитна «Хизонат ул-му-фаттин» очилди, муаллифларга тааллуқлари «Қудурий» бўлса ҳам унинг олдида беқадр, дин имомларининг таснифлари «Заҳира», «Мувжиз», «Мухтасар» матилари «Қифояи кофий», «Ниҳояи Вофий» бўлди.

Хулоса шуки, рўзгор саҳнасида ва бу кеча-кундуз-нинг «Ҳидоя» дафтарнда уммат имомларидан ва баланд ҳимматли уламосидан қол бидоясида ниҳоятти камолда ундан ўзга бу даражага ҳеч ким ета олмаган. Бу дунё-ни тарк эттиш руҳсати етганда қазо Муфтиси унинг ҳа-ёти маҳзарини «Валлоҳу ядъу ила дорус салом» тав-қеъи билан етказди. Баъзи фозиллар муносиб тарихлар ёздилар. Шу жумладан улардан бири рақам қилинди. Тарих:

Муъини дини Ҳақ Садр уш-шариъа,  
Ҳаққи он кошифи асрори илоҳи.  
Чу дар дор ул қарораш риҳлат уфтод,  
Шуда таърихи ў «дор ул-қарорин».

(Мазмуни:

Ҳақ динининг ёрдамчиси, Садр уш-Шариъа,  
Ҳақиқатан илоҳий сирларни кашф этувчидир.

У дор ул-қарор, яъни турар жойда ўлди, шунинг учун, Вафотининг тарихи «дор ул қарорий» бўлди.)

Санаси рақами сабт қилинди: 747/1346 йил. Файзли мазори Ироқ мулкидадир.

### **ХОЖА САЛМОН ВАФОТИ ТАРИХИ**

Хожа Салмон Соважий Сова (шаҳри) ақибридан-дир. Уша жойда фазилат топди. Илм гўйини донолик чавгон билан барчадан эгаллаб олди. Табиат гулистонидан ранго-ранг маъно гулларига шўх табиатли соҳиб фитратлар назарида юзлаб шўхликлар билан жилва берди. Ақлу заковати булоғида мавзун минералар сарвларига шоҳидлар қоматидек росттаълар кўзига жилвагар этди; махфий пардаларни очиб юборди. Сова вилоятдан ислом шаҳарларининг қибласи, мурод каъбаси ва ибодат қибласи бўлмиш Боғдогга йўл олади, у ерда Амир Шайх Ҳасан нўён ва Дилшод хотун аввал Султон Абусаиднинг муҳтарама хотини эди. Султон вафотидан сўнг Амир Шайх Ҳасан нўён уни ўз никоҳига киритган эди. Олам одамларининг чашму чироғи ва Шайх Ҳасан нўённинг кўз қароғи бўлган Султон Увайс илтифот назарини ул камолот мазҳаридан олмасди. У киши улуг ёшга етдилар. Умри шарифларни саксондан ошиб, тўқсонга етган эдики, қазо камони ўқига гирифтор бўлди. Санайи 769 ҳижрий (милодий 1368) йилда ҳаётининг назм қофияси мамот таржеъбанди раҳифига айланди. Маъно ганжи бўлган ул пок гавҳар жисми таркиббандни Боғдог вилоятида бир қитъайи хок остига дафн қилдилар.

### **ҲАЗРАТИ САЙИД АЛИИ ҲАМАДОНИЙ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИНИНГ ТАРИХИ**

Раббоний олам олими, маоний дорул мулкнинг эгаси Ҳазрати Амир Сайид Али Ҳамадоний, қуддиса сирруҳу, ибн Шаҳобуддин Муҳаммад ибн Юсуф ибн Шараф ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Абдулла Зоҳид ибн ал-Ҳусайн ал-Асғар ибн ал-Имом Зайнобуддин, разноллоҳу анҳум. Ул зотни Алийи Сони дер эдилар,

Шайх Шарафуддин Маҳмуд Абдулла ал-Маздақонийга продат қўлини берган эдилар. Аммо, Ҳазрати Саййиднинг аҳволи саҳифаси унинг хоксор тирикчилиги нақшдан зоҳир эди. Унинг кўнгли меҳрсифат ойясининг юзи «Масуволлоҳ!» жавҳаридан акс эта билмади. Нотика тили унинг камоли баркамоллиги тавсифида дол, мушқ аруси ҳусн лафз зеварида шоҳиди ҳолдир. Саййид Ҳамадон ҳодийси бўлиб, ўз пири Ҳазрати Шайх Шарафуддиндан илтижо қилдиларки, «Ҳамма рноя қилиши лозим бўлган фармон ҳақдир». Ҳазрати Шарафуддин Маҳмуд буюрдиларки, ҳазрати Ҳақ вожибул вужуди мутлақ фармони шулдир: Офтобдек атрофи оламни иссиқ юзлик қилгайсан, касаллик давомида талаб изидан чиқаргайсан. Муроднинг қўлини қуюндек талаб биёбони этагидан олмагайсан, токи илми яқин сирлари кашфиётлари Ҳаққул-яқиндан айнул-яқин маониясига етишгай. Илҳом интиқомли калом кутилгандан кейин, ул изловчи воҳиди мутлақ омула тарафдаги давони меҳртанбир мунир кўнгли онна зангидек кетказиб, уч навбат рубъи маскун аксарини сайр қилди. Лимуаллифа:

Гар дар манзилгоҳи дун азми сайр,  
Шуст зи оинаи дил нақши ғайр.  
Солики вораства ба ҳукми илоҳ,  
Жода сифат рўй инҳоди ба роҳ.

(Мазмуни:

Қуйи манзилгоҳда сайр азминн этса,  
Бегона нақшини дил ойясидаи ювгай.  
Тангри ҳукми билан озодлик йўлини тутди,  
Жода сифат юз қўюр йўлга.)

Шу саодатли йўлда бир мишг тўрт юз нафар валийнинг суҳбатига мушарраф бўлди. Сапайи 786 ҳижрий (милодий 1384) йилда унинг нурфутуҳ руҳи ҳумо қуши қуйи қароргоҳидан арш ошиёнаси сари учирилди. Тарихи «Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим»дир. Қўлоб вилоти Ҳатлон қарясида дафи этилгандилар. Ул камолотларини ўзида жам ила зот мусаллифотларидан «Шарҳи фусус ул-ҳикам», «Шарҳи қасидайн форизния», «Захират ул-мулук», «Асрор ул-нуқат», «Шарҳи асмоъ уллоҳ» ва бошқа кўллаб рисоалар ул киши таснифларидандир.

## **МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ НИШОПУРИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Маънавий ва сурий ғазалсаролар девонининг шоҳ-байти Мавлоно Лутфуллоҳ Нишопурий Жамшиднинг хоқон Соҳибқирон Амир Темур кўрагон замонда ўтган бўлиб, амирзода Мироншоҳнинг ҳам маддоҳи эди. Илмлар фанларида шундай эдики, маъно гўйини қалам чавғони билан замон сўз усталари майдони арсаидан суриб, ақронлари орасида воломисол ул зот фузало ва зурафо орасида муттафиқ эдилар. Нодиракор табълари аксар шеър айтишга майл этарди. Санайи 786 ҳижрий (милодий 1384) йилда ҳаётлари кемаси (йўқлик сари) ғарқоби фано бўлди. Ул фан нодирасининг дафн бўлган жойлари Нишопурийнинг пуршукуҳ тоғи тепасида, Имом Султон Ҳуросоний қадамгоҳига яқин йўл тепасидадир. Мазкур санада Шоҳ Шужоънинг вафоти Форс мулкида содир бўлди. Мазкур бўлганидек Ҳофиз Шерозийнинг лисонул ғайби унинг вафотиғача бу назми айтган. Тарих:

Раҳмони лойамут чун ин подшоҳро,  
Дид ончунон, ки кард амал хайрун ёлафут.  
Жонаш қарини раҳмати худ кард, токи буд-  
Тарихи ин муқотила раҳмони лоямут.

(Мазмуни:

Улим билмас Раҳмон ул подшоҳин,  
«Йўқ бўлмаслик хайрлидир» оятига амал қилишини  
кўрди.  
Унинг жонини ўз раҳматиға яқин этди,

Токи бу қотиллик тарихи «Раҳмонн лоямут» (786/  
1384) бўлди.) Унинг қабри Шероздадир.

## **ХОЖА ЖАЛОЛУДДИН ТУРОНШОҲ ВАФОТИ (ТАРИХИ)**

(Хожа Жалолуддин Туроншоҳ вафоти) санайи 787 ҳижрий (милодий 1385) йилдадир. Лисон ул-ғайб бу кишининг вафоти тарихи учун ёзганлар. Тарих:

Осафи аҳди замон жони жаҳон Туроншоҳ,  
Ки дар ин мазраъ жуз донаи хайрот накишт.  
Нофи ҳафта ба ду аз моҳи ражаб кофу алиф,  
Ки ба гулшан шуду гулхани пурдуди биҳишт.  
Чунки майлаш сӯи ҳақбинию ҳақгӯн буд,  
Солн тарихи вафоташ талаб аз «майли биҳишт».

(Мазмуни:

Замон Осафи бўлган жаҳон жони Туроншоҳ,  
Бу экинзорга хайр донасидан бошқасини экмади.  
Ҳафтанинг фойдаси ражаб ойида инкига кофу алиф  
бўлди,  
Гулшанда туриб яхши сертутун гулханга айланди.  
Чунки унинг ҳақбинлик ва ҳақгўйликка майли бор  
эди,  
Вафоти тарихини «майли биҳишт» (787) дан тила.)

### **ҲАЗРАТИ ХОЖАИ БУЗУРГХОЖА БАҲОВУДДИН ШОҲИ НАҚШБАНД, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ ЗИКРИ**

Ферузариғ тўққиз фалакнинг ягонаси, муқарнас анжом хожа Баҳоулҳақ вад-Дин Ҳазрати Шоҳ Нақшбанд, қуддиси сирруҳу. Ул ҳазратнинг номи Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийдир. Ул зот фарзандлик қабул назари Ҳазрати Хожа Бобойи Самосийдандир, тағри унинг сиррини муқаддас қилсин. Хожа Нақшбанд ҳар бир ғойиб борлиқ олам саҳифасида унинг ботиний назарида зоҳир ва ҳозир кўринди. Кўн мартабада бир бечоранинг мушкулини кароматли бармоқлари ишораси, одатдан ташқари бўлган ноҳуилари имоси билан жуда осон ҳал қиларди. Ул валийлик қутбининг фалағи, азалий сипеҳр авжининг қуёшининг қутблар орасида шундай мартабада эдики, сатҳис-само калиди деса бўларди. Камолн тарбиясини Ҳазрати қутбул-ақтоб Сайид Амир Кулолдан топди. Шундай тарбия топдики, ҳокий вужуди паймонасини азал корхонасида қорғанди. «Инполлоҳу халақа билбашари мин тирабини адимин» ояти каримаси шунга ишорадир. Ул қолибни ибодат лангарида, риёзат оташида ва мужоҳидат танури оловида пиширилди, токи Илоҳий маърифат шароби булогидан

татинган. Вужуди не́ри холис кумуши риезат курасида шундай тобландики, ҳақиқий ишлар асҳоблари наздида иқбол нақши зарби (нақшбанд) билан маскук этилгай. Чунонқи, Ҳазрати маҳдуми Мавлоно Абдураҳмон Жомий буюрадилар. Назм:

Сикка, ки дар Ярибу Батҳо заданд,  
Навбати охир ба Бухоро заданд.  
Аз хатти он сикка нашуд баҳраманд,  
Жуз дили бенақши шаҳи Нақшбанд.  
Он гуҳари пок на ҳар жо бувад,  
Маъдани ў хоки Бухоро бувад.

(Мазмуни:

Ярибу Батҳода сўқилган тангани,  
Охирги навбатда Бухорода зарб этдилар.  
Ул танга хаттидан баҳраманд бўлмади,  
Шоҳи Нақшбанднинг бенақш дилидан ўзга.  
Ул пок гавҳар ҳар ерда бўлавермайди,  
Унинг маъдани Бухоро тупроғидадир.

Санайи 791 ҳижрий (милодий 1389) йил эдики, ул фалаклар олами анжуманининг шамъи, ҳужраи хилват истовчиларининг чироғи тупроққа айланди. Оқибати маҳмуд бўлган ул зотнинг туғилган масканлари Қасри Орифон эди. Дафи этилган жойлари ҳам шу ер бўлди. Замон бандаларидан бири ул зот вафотига ушбу тарихни айтган. Тарих:

Рафт шоҳи нақшбандон хожан дунёву дин,  
Он, ки буди шоҳроҳи мулку миллат миллаташ.  
Маскану маъвои ў чун Қасри Орифон,  
«Қасри урфон» (791) з-он сабаб гардид соли рих-  
латаш.

(Мазмуни:

Кетти ул шоҳи Нақшбанд, дунё ва дин хожаси,  
Ул мулку миллат шоҳроҳи эди, миллати.  
Маскану маъвоси Қасри Орифон бўлгани учун,  
«Қасри урфон» бўлди унинг вафоти санаси.)

Шаҳардан бир милга яқин масофада жойлашгани сабабдан уни Қаббайи муаззамдек зиёрат қиладилар. Илоҳо, ҳаммага бу равза тавофини насиб этгин!

## ХОЖА ҲОФИЗ ШЕРОЗИИ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ЗИКРИДА

Намаки хони ҳақиқат Шероз Ҳофизни миҷози Форс шаҳридадир. Унинг хуш обу ҳавоси бор шаҳарни Ардашер ибн Таҳмураc бино қилгандир. Тарих асҳоби айтганларки, ҳар ким Шероз вилоятида бир йил яшагудек бўлса, маншат ишлари унга осон ўтгусидир. Бунинг сабаби унга маълум эмасди. Унинг исми шарифи Шамсиддин Муҳаммаддир. Уни лисон ул-ғайб, сирлар тарҷумони, деб таърифлаганлар. Дарҳақиқат, айтганларининг ҳаммаси гоинбликка кирди, унинг бешак раъйи пардасидан ҳол шоҳидини сирлар маҳрумлари назарига қол лисон пардасида юзлаб рангларда жилвагар этди. Маънолар ҳусуси лафзлар юзасидан шабнам сафосидаги гул мисол зоҳир ва пайдо. Лафз таркиббанди қалам қораламасида янги дурдек ҳувайдо. Обдор байтларидан ишо гулистони рангиндир. Савқли мисраларидан сўз усталари дастурхони тўкии ва ширинсухандир.

Шоҳ Шужоъ салтанати айёмида Шероз мулкида муфтизода эрдилар. Миҷгон қалами сиёҳидан ва ошиқлар дили сувайдосидан рўзгор саҳифасида маҳзарларнинг ҳар бирини қон билан ёзди. Катта оятлар тафсири юзасидан жамол мусҳафи ҳар соатда жиҳод миннатин қиларди. Ҳазрати Шамсулмиллат вад-Дин Ҳофиз Шерозий, ки ҳусн саҳифаси ривоятларига бойлиги унга хосдир. Имомлари ҳукмича ишқ унинг фармони тавқендан бош чиқармади. Динорий саҳиҳ фатволар муфтизода доғи дарду дирҳамини сийна хазинасида захира қиларди. Қофурий масалаларда дард малҳами амал қилмади. Вақтлар хулосаси давомини жамоли саҳифаси мутолаасининг ҳарфи, деб қабул қилди. Шоядки Ҳазрати Хожанинг бу матлаъи ҳусни ўша ҳусн матлаъи шаънига айтилди.

Матлаъ:

Нигори ман, ки ба мактаб нарафту хат панавишт,  
Ва гамза масъалаомузи сад мударрис шуд.

Аммо бу муфтизодан бебок имомлар сўзича пок ҳусни ҳаром шаробини ҳалол, деб ёзарди. Ёшлик даврининг ҳосилини продат юзасидан вақф хароботи пири билан қултумлаб ичарди. Илоҳий майхона сармасти лисо-

нул ғайбдир. Бир кунн ул масти хумор хуморхона-  
сида шароби ноб куббаларидан май ичарди. Ҳақиқат  
шоҳиди қоматини мажозий либос пардасида беркитар-  
ди. Уша фурсатда беҳабарларнинг баъзилари ишқ бо-  
даси нашъасини, бу сулук кайфиятини Шоҳ Шужоъга  
етқардилар. Соф тийпатли шоҳнинг ғазаби дарди бода  
сингари қайнарди. Дайр эшигига келиб қарробани Ҳо-  
физ ёнида, пиёлани шоҳид қўлида кўрди ва бу мисрани  
ўқиди. Мисраъ:

Ҳофиз қарробакаш шуд, муфти — пиёланўш.  
(Ҳофиз қуювчи, муфти ичувчи бўлибди).

Сирлар таржимони бадиҳа тарзида жавоб берди.

Мисраъ:

Дард бар подшоҳи хатобахшу журмпўш.  
(Бу хатони кечирувчи ва айбни ёпувчи подшоҳга  
дард бўлди.)

Шоҳ Шужоъ музтариб бўлди. Бироз кун ўтгач муф-  
тизода мажоз шароби хумори бош огриғини ҳақиқий  
бода саржўши сандали билан дафъ қиларди. Риндлар-  
нинг сарҳалқалигидан Илоҳий шаробхоиа сармастига  
айланди. Ҳазрати Хожайи машҳур санайи 791 ҳижрий  
(милодий 1389) йилда дунёи фоний саройидан имом-  
ларнинг боқий жаннати боғига риҳлат қилди. Баҳор  
хосиятли Шероз вилоятида Мусалло гулзориди дафи  
қилинди. Илоҳо, Ҳақ марҳамати райҳони ройиҳасидан  
унинг мутабаррик мутаххар марқадн мунаввараси муат-  
тар бўлгай. Бир азиз ул зот вафотлари тарихини шун-  
дай деган.

Тарих:

Чароғи аҳли маъни хожа Ҳофиз,  
Ки шамъе буд аз нури тажаллий.  
Чу дар хоки Мусалло кард манзил,  
Бижу тарихаш аз «хоки Мусалло».

(Мазмуни:

Хожа Ҳофиз маъно аҳли чарогидир,  
Нури тажаллийдан бир шамъ эди.



Хоки Мусаллодан манзил қилгани учун,  
Тарихини «Хоки Мусалло» (791) дан изла).

Мавлоно Муҳаммад Муаммонӣ, ки Султон Бобур ибн Бойсунғур мирзонинг садри эрди, Ҳазрати Хожа файзосор мазори устида иморат қурдирди.

## ХОЖА КАМОЛ ХУЖАНДИЙ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ЗИКРИДА

Хожа Камолиддин Хўжандий, Шайхи Хўжанд унинг мавлуди (туғилган жойи) тарзида ёзилган. Шу ернинг бузургзодаларидан эрдилар. «Суварӣ ақолим» китобида Хўжандни «оламнинг келинчаги» деб таърифлаган. Мазкур зот ҳол аҳлидан бўлганларидан камолот ҳосил қилиш учун илми қолни эгалладилар. Исфаҳон вилоятида Камолиддин Исмоил ибн Абдураззоқ борларки, қасида айтишда фасоҳат гўйини балоғат майдонда сўз арсаи суворийлари жангидан олиб чиққанлар. Чунинч, шундай деганлар. Қитъа:


Ду Камоланд дар жаҳон машҳур,  
Он яке зу Исфаҳон, дигар зи Хўжанд.  
Он яке дар газал буд бемисл,  
В-он дигар дар қасида бемонанд.

(Мазмун:

Жаҳонда машҳур икки Камол бор,  
Бирӣ Исфаҳондан, яна бирӣ Хўжанддан.  
Ул бирӣ газалда бемисол эрди,  
Бошқаси қасидада беҳамтодир.)

Аммо Тўқтамиш лашкари Табриз вилояти қасидга келган бир пайтда Ҳазрат Шайх ўша ерда эдилар. Вилоят фатҳ этилгандан кейин Ҳазрат Шайхни Тўқтамишхоннинг қазо-жараён фармонига кўра Дашти Қипчоққа Сарой шаҳрига олиб кетганлар. Ул жойларнинг обу ҳавоси гоята яхши эди, Ҳазрати Шайх табъига жуда хуш келди. Ўша ҳолда бу матлаъ ул ҳазратнинг хушид каби табълари уфқидан тулуъ қилди.

Матлаъ:



Агар Сарой ҳамин аст, дилбарони саройи,  
Биёр бода, ки форуғ шавам зи ҳар ду саройи.

(Мазмуни:

Агар Сарой шаҳри шу бўлса, сарой дилбарлари!  
Менга бода келтиринглар, ки ҳар икки олам ташви-  
шидан форуғ бўлай.)

Тўрт йилдан кейин шайх Табриз вилоятига жўнади-  
лар. Султон Ҳусайн ибн Султон Увайс ибн Шайх Ҳасан  
Нуён Табриз вилоятида хонақоҳи Надири Ҳазрати  
Шайхни қурдики, у хизматкорлар каъбаси ва зоҳид-  
лар қибласидир. Бу иморатнинг пештоқи ниёз аҳли-  
нинг меҳробидир; дарвозалари файз эшигидек аҳли  
диллар учун ҳаминша очиқ.

Лумуаллифа:

Чи маъбади каъбаи хосон даргоҳ,  
Бувад қандилаш аз дилҳо огоҳ,  
Зи девори дараш равшан шавад роз,  
Бувад ҳар хишти ў оннаи пардоз.  
Агар бошад бадинсон файзгустар,  
Бувад бо масжиди Ақсо баробар.

(Мазмуни:

Даргоҳи хослар каъбасининг маъбади,  
Қандили огоҳ диллардан ясалгандир.  
Девору эшикларидан роз равшанлашади,  
Ҳар хишти пардоз ойнаси бўлур.  
Агар у шу даражада файзли бўлса,  
Масжиди Ақсо билан баробар бўлур.)

Олий мартабали Султон мулкларининг кўпини ўша  
хонақоҳга вақф қилди.

Ҳазрати Шайх амирзода Мироншоҳ давлати ва сал-  
танати давригача ҳаёт эдилар. Санайи 793 ҳижрий  
(милодий 1391) йилда қазо котиби ул зот ҳаёти дево-  
ни матлаъни мамот мақтанга киритиб қўйди. Фо-  
зилларнинг баъзи бирлари Шайх вафоти тарихини  
шундай баён қилгандир. Тарих:

Бар мўжиби тақдири ҳақ ҳукми Илоҳ,  
Бар вуфқи қазойи осмон ногоҳ.  
Шуд Шайх аз ин жаҳон сўи жишон,  
Тарих ҳамин, ки «тайнбуллоҳ сироҳ».

(Мазмуни:

Ҳақ тақдири мўжибига кўра ҳукми Илоҳ,  
Қазои осмонийга мувофиқ ногоҳ.  
Шайх бу жаҳондан жаннат сари йўл олди,  
Тарих шулки: «Тайнбуллоҳ суроҳ» (793).)

Табризнинг Сурхоб мавзеидаги Авлиё Қўҳда ул зот мадфундирлар. Нурларга тўла қабри лавҳига бу матлаъни рақам қилганлар. Матлаъ:

Қамол аз Қаъба рафти бар дарн дўст,  
Ҳазорат офарин мардона рафти.

(Мазмуни:

Қамол қаъбадан дўст эшигига кетдинг,  
Сенга мишг офарин, мардона кетдинг.)

Табриз вилояти мардларга бой. Ҳисори бағоят мустаҳкам. Улуғ истеҳкоми шу даражада эдики, Чингизхон фитнаси даврида унга бирор офат етмади. Ҳавосининг мўътадиллиги шундайки, агар бирор бемор бу вилоятга ногоҳ келиб қолгудек бўлса фараҳбахш насимдан Исоинг дамини топгай. «Алал-фаворизу маъра-зун марзи» ташқари чиққай. Шунинг учун уни Табриз деб атайдилар.

### **АЛЛОМАИИ ТАФТАЗОНИЙ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Субҳоний меҳрибончиликлар махсуси, Тангри ипоятларининг бағоят баҳраманди, Возиҳул баёнот Қуръон оятларининг муфассири, набавий ҳадислар муҳаддиси; лафзу маънии саъдул-милла вад-Дин аллома Тафтазоний илмлар денгизи мавжларидирки, жаҳолат водийси саробининг саргардон лабташналари унинг илм зулоли жўйборидан серобга айланурлар. Ё томчилардирки, лаъллар мисол қатраларидан афзаллар соҳилидаги садафлар сийнасиридир. Доини Қулзумини ноёб маъни-

лар гавҳарларидан лабрез айлади. Балки илм Ямани-  
нинг дарахти шўъласидан бир нишондирки, қийинчи-  
ликлар зулмати водийсининг адашган кемачиларига  
ҳидоят рўшнолигини бергай. Назм:

Қаъбаи асҳоби дониш;  
Қиблаи арбоби дин.  
Носирн шаръи наби,  
Султони иқлимн яқин.

(Мазмуни:

Дониш саҳобалари қаъбаси,  
Дин арбобларининг қибласи  
Пайгамбар шариатининг ёрдамчиси,  
Овлиёлар иқлимннинг султони.)

Агарчи ул фазлу афзалликлар шажари, донишу ка-  
мол самарн тўртинчи иқлимда жойлашган Ироқ заминин  
обу ҳавосидан нашъу намо топган бўлса ҳам рубъи  
маскундан нборат етти иқлим талабалари унинг фазил-  
латлари саясидан баҳраманд, унинг мақоли самараси-  
дан шод ва комрондурлар. Ул зоти олийнинг таваллуд-  
лари санайн 722 ҳижрий (милодий 1322) йилдадир. Ун  
олти яшарликларида санайн 738 ҳижрий шаъбон (мило-  
дий 1338 йил март) ойда Фаршюнд вилоятида Занжо-  
ний китобиға шарҳ ёздилар. «Шарҳи талхисул-мафотиҳ»-  
ни санайн 752 ҳижрий сафар (милодий 1351 йил апрель)  
ойнда Ҳирот вилоятида ёздилар. «Китоби эҳзор»ни  
санан 752 ҳижрийда Гиждувои вилоятида ёздилар.  
«Шарҳи рисолаи Шамсия»ни санан 753 ҳижрий жумо-  
диюл-охир (милодий 1352 йил июль) ойда Жом ви-  
лоятида ёздилар. «Шарҳи танқиҳ» асарини санан 757  
ҳижрий зулқаъда (милодий 1356 йил ноябрь) ойда Тур-  
кистон вилоятида ёзиб тамомладилар. «Шарҳи ақо-  
йд» асарини санайн 775 ҳижрий шаъбон (милодий  
1374 йил январь-февраль) ойда ёздилар. «Рисолаи ка-  
бират-ул-иршод дар илми наҳв»ни санайн 778 ҳижрий  
(милодий 1376) йилда Хоразм вилоятида ёздилар. «Ма-  
қосиди ул-калом» ва «Шарҳи мақосид» асарларини са-  
найн 784 ҳижрий зулқаъда (милодий 1383 йил январ)  
ойнда Самарқанд вилоятида ёзиб тамомладилар. «Та-  
ҳайб ул-калом» ва «Мифтоҳул улум» учинчи қисм  
шарҳи китобларини санайн 786 ҳижрий (милодий 1384)

йилда Самарқанд вилоятида ёздилар. «Шарҳ дар таълифи фатовиул-ҳанафия»ни санайн 786 ҳижрий зулқада (милодий 1384 йил декабрь—1385 йил январь) оинда Ҳирот шаҳрида ёздилар. «Шарҳи мифтоҳул-фиқҳи шофиъий»ни санайн 790 ҳижрий (милодий 1388) йилда ёздилар. «Шарҳи талҳиз-и жомеъи ҳанафий»ни санайн 791 ҳижрий (милодий 1389) йилда Сараҳс вилоятида ёздилар. «Шарҳи Кашшоф»ни санайн 792 ҳижрий рабиъул-охир (милодий 1390 йил март) оинда Самарқанд вилоятида ёздилар.

Хусусан, китоб таснифида мукаммал эдилар. Муъжаз иборалар, маъно мухтасарлигида беҳамтолиги кўриниб турарди. Бошқаси мухтасар бўлиб, унда талҳиз ва изоҳи мазмунли ва лўнда айлаб, возеҳ оҳангда оташ истибори равшандир. Лойиҳ далиллар билан далилланган ташбеҳотлари шоҳид. Бадеъ маънилар фаеҳ лафзлар либоси билан мужалло, манбаъни баён этишнинг латифлиги балоғат қисвати идишидан томаётган ёмғирдир.

Фасоҳат қулфини тил қалиди билан очарди. Боблар тизими ироқи баён изоҳи воитасила очиларди. Шунингдек, имом Умар Насафийнинг матнига, ки эътиқодлилар учун дур эрди, бир шарҳ ёздики аҳли ислом учун вожибдур. Унинг масъалаларидан ҳар бир масъалани арбоби яқин маорифи диния, саҳифаларининг ҳар бири зийрақлар учун нурул-яқиндир. Мазкур зот Хуросон мулкида, Сараҳс вилоятида бир олий мадраса бино қилдиларки, фикрат муҳандиси тасаввур каманди билан унинг пештоқи теңасига ета олмасди. Хаёлнинг тезучар қуши қанотининг қуввати суръати билан унинг бир ошнёнасига парвоз қилолмасди. У мадраса ҳазрати шайх Абулфазл Ҳасанининг нурга тўлиқ мазори ёнидадур. Ул зот кибор ақибларининг афзали, рўзгор машойиҳи эрдилар. Қасирул-баракот машҳур асарлари номи ул бинойи олий китобаларида «Қаннақши фи ҳажара»дек сабт этилгандир.

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон салтанати даври ва давлати рўзгоринда ифода маснадида эди. Кўплаб истеъдодли сўз усталари, мумтоз фозиллар унинг ироқи шамъи партавидан дониш чироғини ёққанлар. Кўп ғаввослар маънолар дурлари ва сўз лаълларини унинг хаёли хазинасидан йиғиб олгандилар. Ул инсонлар афзали ҳаёти даврининг китоблари ноёнига етганда ва умри замонлари рисоалари тугатилганда унсурий олам

чаҳортоқ мадрасаси мударрисн, кўк гумбазининг ул ягона муаллими гайб ва шаҳодат оламининг олий ҳукми билан жаннатул маъвонинг олий саҳнида Идрис мажлиси дарсига тайинланди. Унинг мужаррад жасадиники руҳий эди, иззату икром билан Самарқанд вилоятидан Сараҳс вилояти томон нақл қилдилар. Ул зоти олий фарзанди аржуманди мавлоно Муҳаммад, раҳматуллоҳи алайҳ, эҳтимоми билан барпо этилган ва ўша мадрасан олий ёнида бўлган гўрхонада тупроққа қўйдилар. Байт:

Ҳама сол бипўянд гуфту шунд.  
Низ з-у бадои дам ки, бояд бурнд.

(Мазмуни:

Ҳар йил гап-сўз кетидан қувадилар,  
Яна ундан ўша дамдаёқ олиш лозим.)

Бу воқеа санайи 794 ҳижрий (милодий 1392) йилда рўй берди. Баъзи фозиллар тарихлар битганлар. Шуллардан бири ушбудир. Тарих:

Офтоби шаръ Саъдиддин Тафтазон бирафт,  
Оби чашм ояд чу сел балғуллоҳи рижоҳ.  
Ақдро пурсидам аз тарихи соли рижлаташ,  
Гуфт тарихаш як кам «тайибуллоҳи сурах» (793).

(Мазмуни:

Шариат офтоби Саъдиддин Тафтазон кетди,  
Қўз ёши селдек оқар умиди Аллоҳдин.  
Ақлдан сўрадим вафоти йили тарихин,  
Унинг тарихини деди: «тойибуллоҳдин бири кам».)

### **СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ҚУРАГОННИНГ МОЎЛИКИ КОМГОР ҲУКМИ БИЛАН УТРОР ҚАСАБАСИДА ВАФОТИ ТАРИХИ**

Бу ҳангома таъзиятномасининг қора либосли қалами шундай навҳасаролик қилурки, Соҳибқирон анча вақт олий мақом Самарқанд тахтида иззату иқболли ўлтириб, айшу ишрат ва комронлигу фароғатда умр

ўтказди. Шу фурсатда хирад муганнийси гўши жон пардасида бу тарона қонунида наво қилди. Журъат муставфийси унинг хотири ойнаси саҳифасида жилланди. Давлат муншийси нусрат зафарли унинг байроғи, шуққасига ушбу байтларни нақш қилди. Қитъа:

Худойигоно-Эзид туро фиристодааст,  
Ки чор ҳадди жаҳон аз-они туст, рав, биситон.  
Гувоҳи даъвии мулкат забони шамшераст,  
Барон даъвии худ ин гувоҳ мегузарон.

(Мазмун:

Худойигон-Эзид сени юборган,  
Жаҳоннинг тўрт ҳадди сенкидир, бор олгин.  
Мулк даъво қилсанг шамшер тили гувоҳингдир,  
Узинг учун унинг гувоҳлигини ишга сол.)

Оқиллар жумҳури, аҳли фаросат ва зако мажмунга яқинлигидан муқаррар мушаххас, мубайян ва мубраҳандирки мулк пойдор, сиёсат бемадер ўлмас. Шамшер дастаси дастёрлигисиз подшоҳ пойдор бўлмас. Шундай чоқди Соҳибқирон олий ҳиммати, Хитой мамлақати тасхирига бел боғлади. Ғайрат суръатпаймоси този отига ўлтириб баҳодирлик юзасидан сиёсат тигини белига боғлаб, ўша тарафга йўлга чиқди. Азамат ва жалол вақтида нззат ва иқбол пешхонасини ўша томонга тортдилар. Вақт ва маконларни кесиб ўтгандан кейин Турон сарҳадида, Туркистон эъмолидан эрди, қисқа вақт тўхтадилар. Ушанда Соҳибқирон таъби мизожи дуруст эрди. Ҳарорат султони тани мамлақатини истило қилди. Ҳарорат латиф жисмида зуҳур этди. Соҳибқирон таъбида касаллик рўй берди. Тўхташга қарор бердилар. Ҳаётини муддати замони тугаган эди. Иззат ва салтанатининг жаҳонтоб офтоби ботиш сарҳадига етган эди. Санайи 807 ҳижрий йил шаъбон ойининг 17 сида сешанба куни шом пайти (милодий 1405 йил 18 февраль куни) дунси фоний дорулмуқлини тарк этди. Олий ва охират мақомотида хайрли ва ҳамишалликка сокин бўлди. Ҳа, рўзигор одати ва сипеҳр тариқаси нопойдордир. Хуршидпайкар ялов ҳар субҳидам бир том устида барпо бўлади; бахту давлат тангаси ҳар кун бирор киши номидан зарб бўлади; Саодат хут-

баси ҳар ҳафта бир соҳибэҳтиром номига ўқилади. «Ва талакул-аййаму тададилҳа байнан-нас» бир неча кунга олам ҳалли ва тугуилари тизгинини ўз иқтидорли қўлига донолиги туфайли топширади. Қисқа бир фурсатда яна ундан олиб, бошқасига беради. Байт:

Дил дар жаҳон мабанд, ки касро аз ин арӯс,  
Жуз оби чашму хуни жигар дарканор нест.

(Мазмуни:

Дуниёга кўнгили бермагил, ки бу келинчак,  
Ҳеч кимнинг бағрини кўз ёшу жигар қонидан бўлак  
нарса билан тўлдирмаган.)

Ул зоти муборак наъшини пойтахт Самарқандга келтириб, ўзи эътиқод ва ихлос қўйган Ҳазрати Саййид Барака, қуддиса сирруҳу, учун қурдирган мутабаррук гумбазда, онҳазрат ёнига тупроққа топширдилар. Ул ҳамида сифатлар соҳибининг ҳаёти муддати етмиш икки йилу икки ой 8 кун бўлди. Соҳибқирон давронида на-шъу намо тошган ҳидоят сийратли базурлар ва дин-парвар уламо, фазилатгустар фозиллардан Ҳазрати Амир Саййид Али Ҳамадоний, уламодан Амир Саййид Шариф Журжоний, мавлоно Саъиддин Тафтазоний, шоирлардан мавлоно Бисотий Самарқандий, Хожа Ис-мат Бухорий, мавлоно Лутфулло Нишопурийлар ҳар бир фузало ва зурафо Соҳибқирон вафотига тарихлар ёздилар. Жумладан, қуйидагилар сабт этилди. Тарих:

Шаҳаншоҳеки маъвояш биҳишти жовидон омад,  
Видоъи шаҳриёре кард тарихаш ҳамон омад.

(Мазмуни:

Маъвоси биҳишти жовидон бўлган шоҳаншоҳ,  
«Видоъи шаҳриёрий» (807/1405) эди-ю, тарихи шу  
бўлди.)

Шаҳриёр тарихи ва тасвири яна қуйидагича айтил-ган. Тарих:

Султон Темур, ки чархро дили хун кард,  
В-аз хуни адув рӯи замин гулгун кард.



Дар ҳафтдаҳи шаъбон сӯи алпйин тохт,  
Филҳол зи ризвон сари по беруи кард.

(Мазмуни:

Султон Темур чарх дилни қон қилди,  
Душман қонидан рӯйи заминни гулгун қилди.  
Шаъбоннинг ўн еттисида жаннатга жўнади,  
Шу заҳоти бошу оёғини ризвондан чиқарди (807).)

Яна бири шундай ёзган. Тарих:

Султон Темур, ки мисли ў шоҳ набуд,  
Дар ҳафтсаду панж омад ба вужуд.  
Дар ҳафтсаду ҳафтоду як кард хуруж,  
Дар ҳаштсаду ҳафт кард олам надруд.

(Мазмуни:

Султон Темурдек шоҳ бўлмаган,  
Етти юзу ўттиз бешда туғулди (1334/35).  
Етти юз етмиш бирда хуруж қилди (1369/70).  
Саккиз юзу еттида оламдан кўз юмди (1405).)

Тарих:

Ба соли ҳаштсаду ҳафту даҳ аз моҳи шаъбон,  
Намози шом сешанба бахиттайи Утрор.

(Мазмуни:

Саккиз юз еттичи санада шаъбоннинг ўн еттисида,  
Намозишом сешанба куни Утрор ноҳиясида).

«Утрор» (807) яна тарих бўлди.

Аср фозилларидан Мавлоно Муҳаммад Зоҳид Со-  
ҳибқирон вафоти тарихини таъмия иборати билан назм  
қилган. Тарих:

Темур Кўрагон зи наҳли шоҳи бар дод,  
Дар охири умр жон ба чашми тар дод.  
Зоҳид пайи тарихи вафоташ омад,  
Бигрифт сару пои қазоро сар дод.

(Мазмуни:

Темур Кўрагон шоҳлик нахлидан ҳосил берди,  
Умри охирида кўз ёш тўкиб жон берди.  
Вафоти тарихини айтиш учун Зоҳид келди,  
Қазо оёқ қўлини тутиб, умри тугади.)

«Сару пон қазоро гирифт», яъни исқот этиб, «Зоҳид» сари худро» «зе» бериб «қазо» — «қоф» — «алифа» + «зе» = 901 — 100 — 1 + 7 = 807).

Яна бири шундай ёзган. Тарих:

«Сари зулф овард бар рух ниҳод» ва бу ҳам таъмия либосида очилади, маълумдир.

Соҳибқирон бо шавкат истиқбол билан ўттиз олти йил подшоҳлик қилди. Шу муддатда Хитой сарҳадларидан узоқ Ҳиндгача, Ҳинд қасабаларидан Фаранг ноҳияларигача олди. Маданият соҳибни бўлган бир қанча Султонни ўз тасарруфига олган бўлишига қарамай Офоқ сарвари, виқорли обрумандларни лутф билан, қаҳр воситаси билан ўзига бўйсундирди. Ҳар камолнинг заволи ҳам муқаррарлигидек, шаъбон ойининг ўн еттинчисида кечаси Утрор хиттасида ҳазрати кирдигорга етишди. Соҳибқироннинг эр авлодидан вафот вақтида ўттиз олти нафарни ҳаёт эди. Соҳибқироннинг муқаррам қизларидан исмат нардасида бўлган ва уқоб лиҳофидаги мағрур ўн етти нафарни мавжуд эди. Ҳолати баёнида жилд-жилд китоб ва таснифотлар ёзилди. Шу жумладан «Тарихи Темурий» деб юритиладиган «Зафарнома»дир, ки муаррихларнинг энг фасоҳатбаёни жаноби Шарафуддин Али Йаздий қаламига мансубдир. Ибораторойлик камолида поёнига етказди. Мавлоно Абдулло Ҳотифийнинг «Темурнома»си назм водийсида сўз додини берган.

### **ҲАЗРАТ АМИР САЙИД ШАРИФ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Маънолар сипеҳрининг қутби, Раббоний отифатларнинг хос кишиси, инсон болаларининг хулосаси сайидус-содот ҳазрати Сайид Шариф Журжоний, қадда-

са сирраҳу, «Суварул-ақолим»да ёзилшича Журжон Табаристон яқинидаги машҳур вилоятдир ва тўртинчи иқлимдандир. Унинг Мозандаронга тобъ бўлганини ёзадилар. Журжон шаҳрини шундай муҳлатда бино қиладиларки, ул қудсий жаннат боғи жўйборининг сарви ва ул дўстлик гулзорининг пурсамар дарахти шул шаҳарда нашъу намо топганлар. Астрободга қарашли қарялардан Тоғунда йўқлик пардасидан вужуд оламининг илм уйига қадам қўйдилар. Санайи 709 ҳижрий (милодий 1309/10) йилда Шоҳ Шужоъ ибн Музаффар ул зотнинг аҳволдан огоҳ бўлдилар ва таъзим маросими, такрим лавозимини бажо келтирдилар. Шероздаги ўзларининг дорушифоси мударрислигига мушарраф этдилар. Дарҳақиқат нажобатпаноҳ мунаввар замири лавҳул-маҳфузи илоҳий сирлар кутубхонасидир. Илҳомназир таъсирли сафо хотири саҳифаси хаёл ганжинаси битмас-туганмас воридотлари бирла музайяндир. Пурфайз сўзлари раббоний калималар лаъл шодаларидаги маҳзун, бекийна сийпаси сандиги ҳазрати рисолатпаноҳий ҳадислари зоҳирий жавоҳирларидан тўлугдир. Назм:

Каъбан асҳоби доғиш, қиблаи арбоби дин,  
Носири шаръи наби, султони иқлими яқин.

(Мазмуни:

Асҳоби доғиш каъбаси, арбоби дин қибласи,  
Пайғамбар шаръатининг ёрдамчиси, авлиёлар иқлимининг султони.)

Хуршид манзилли мувофиқ толеъларидан ҳар дақиқлик онга саҳифасидек тоза ва мусаффо доғиши шамсияси шуълаларидан шарқ тулуъларидек ҳар мубҳам очиқ ва равшандур. Саййидлик офтобнинг нури унинг ҳоли чеҳрасидан ярқироқ, нажобат, асолат нурининг шуъласи камоли уфқидан намоён, дейдилар. Ул жанобини жавон ва дилраболикка мансуб кўрғашларки жон боғи жаннатлар гулзорида бундайини сарвқад ўсмаган; дилжўйлик чаманида ва хушхўйлик гулистонида ундайини гунчадаҳон очилмагандир. Бундайини хўбликларга қарамай ул ҳусн матлаъи «Шамсия» шарҳини мутолаа қиларди. Ул зот жамоли толеъининг ҳошиясидан ҳам кўз узмасди. Ҳар лаҳза назари баҳсидан

унга дақиқ нуқталар дерди. Шунингдек, бу мавзун дарс доирасида хироми бор эрдик, жон чаманининг унингдек ниҳоли битмаган. Қудрат боғбони ҳар чанд хатти сабзаси рангини ҳануз орази гулстоннинг соҳаси канорига тўпламаган эди. Бовужуди дурруссана замон аҳли баҳорда шуҳрат топди. Ул раънонинг таъни ва фитрати расолигидан унинг сарв қадди баланд бўлганди. Гоҳида ҳазрати саййиднинг эътиқодий бўйи ва илтифоти насми орази гулзори сари эсарди. Маҳбублиги боғи рашки ва машуқлик ғайратидан гунчадек дилтанглик ва лола билан ҳамранглик қиларди.

Бир кунда бир неча йўл дуч келарди. Дарга таътил берди. Ҳижрон дақиқалари чўзилавергандан кейин, дарс ҳалқаси оғуши содда рухсори сафҳаси каноридек хатти райҳони ҳошнясидан холи бўлди. Он ҳазрат шарҳи ҳол учун савол лабини очдилар. Эҳмол кайфиятидан нома жўнатилди. Ул машуқи ҳозир жавоб ёздики оламтоб офтобнинг карами баҳор сари юзланди. Баҳор келса келурмиз! Ҳазрати саййид ўз жавобида бу байтди битдилар. Байт:

Баҳор бе гули рўи туам чи кор ояд,  
Маро як омаданат беҳ, ки сад баҳор ояд.

(Мазмуни:

Сенинг гул юзингиз баҳорнинг не кераги бор,  
Менга сенинг бир келганинг юз баҳордан афзалроқдир.)

Бу руқъа гулбаргини боди сабодек снгил учувчи қосид билан жўнатдилар. У нома сумбули қораламаси бўйидан огоҳлик тошиб хандон гунчадек дилидан танглик ариди. Гул каби сабр пироханига снғмасдан ул сарви расо ҳазрат сари жўнади. Оз фурсатда аср фозилларидан бирига бўлиб, даҳр комилига айланди. Ул жаноб Соҳибқирон Амир Темур Қўрагон салтанати замоннда Мовароуннаҳрга келиб, Соҳибқирон суҳбатларида бўлиб, Ҳазрати мавлоно Саъдуддин билан мажлислар ўтказди. Умри шарифи етмиш олти йил давом этди. Ҳаёт масофатининг муддати ўтиб бўлгач, санайи 816 ҳижрий (милодий 1413) йилда аъмоли котибни ҳаёти расоласини рўзгор саҳифасига «тамнат-ул-китоб» рақами билан битди. Ул зотнинг файзли мазори Шероз

вилоятидадир. Замон фозиллари ул киши вафотига тарихлар битганлар.

Жумладан қуйидагиси сабт этилди. Тарих:

Шуд ба ақрони муслим он сарвар,  
«Сарвари қари» гашт таърихан.

(Мазмуни:

Ул сарвар мусулмонларга яқин бўлди,  
Унинг таърихи «сарвари қари» бўлди. (816).)

### **ҲАЗРАТИ ХОЖАИИ МУҲАММАД ПОРСО, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ЗИКРИДА**

Уламолар мурожаатгоҳи, фақиҳларнинг пушту папоҳи, авлиёлар муқтадоси, шамсулмиллат вад-Дин Хожа Муҳаммад Порсо номи билан маъруф Муҳаммад ал-Ҳофиз ал-Бухорий дейилади. Унинг тоати домани, ибодати саждагоҳи беғубор ва покдир. Унинг сийнаси оннаси агёрлар губорида софрокдир. У Хожайи Порсо лақаби билан машҳурдир. Шоҳруҳ Мирзо салтанати замонида Фохиран Бухоро вилоятида тоат саждагоҳини ёйиб, авлиёлар тариқини равшан ҳидоятга айлаштирди. Матонат йўли роҳнаймоларини сироти мутақим даражасига етказди. Ўзи ҳазрати ҳаққа бандлик сулуқини ва вожибул-вужуди мутлаққа убудият тариқини шу даражага етказдики, вужуди жузвлари қайиқларини зоҳиран ва ботинан ҳақ нурлари денгизга гарқ этди. Мосуваллоҳини жон дили майдони саҳнидан, руҳу равони фазосидан хасу тикандек супуриб четга прғитди. Чунончи, ўткир кўзининг шуъалари нимагаки тушса, оннасида Аллоҳ чеҳрасидан бўлак ҳеч нарса мулоҳаза ва мушоҳада қилинмасди. Байт:

Буда дилаш ғарқан баҳри вужуд,  
Маҳв дар оннан соф шуҳуд.

(Мазмуни:

Унинг дили вужуд баҳрига ғарқ эди,  
Соф оинада шоҳидлар маҳвдир.)

Ҳазрати Илоҳий чексиз денгизи теранлигига қарамай, уламон киром ва фузалои аном барчаси малики аллом каломи тафсирларидан талаб қилурлар. Умнатларнинг хоси машҳури Расули акрам ҳадисларидан, фозиллар мақоли дастурхонидаи луқмае олурлар.

Ҳол шоҳиди ва бу мақол далили «Фаслулхитоб» китобидурки ул жаноби касир-ул-баракот мусаннифотларидандир, ки фаслларидан ҳар бири мутафаккирлар учун тилснм калидидир. Бобларининг ҳар бири ўткир зеҳнлилар назарида ёрқин чирогдек равшан ва мунаввардир. Унинг саҳифалари қораламаси авлиёлар ва толиблар кўнгиллари лавҳига равшанлик бахш этади. Сатрларининг ҳар бири дин миллати йўли солиқлари учун рўшнолик белгисидир. Имомлар фахрининг ёши улгайиб санайи 822 ҳижрий (милодий 1419) йилда «Иржии ила раббука зиятан марзия» хитоби олийси жон қулогига етишди. Ул ҳазратининг мунаввар қабри Мадинайн Шарифдир. Зоди Аллоҳи Шарафан.

Фозиллардан бири ул зот вафоти тарихини шул тарзда битибдир.

Тарих:

Муҳаммад ал-Ҳофиз Имоми Фохира,  
Қон ба самъи қавлул ҳақ фиҳи.  
Солат ли таърихи фавта манҳи,  
Фа қоли фасли хитоби «ишораи фиҳи».

(Мазмуни:

Муҳаммад Ҳофиз Фохира (Бухоро) имомни,  
У ҳақ сўзини эшитган.  
Вафоти тарихи йилини сўрсанг,  
Эшит хитоб ўрнидир «ишораи фиҳи» (822).)

## ҲАЗРАТИ ШОҲ ҚОСИМ АНВОР, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ

Қутбул-аброр, ғавсул-ахёр ҳазрати Шоҳ Қосим Анвор, онҳазратининг асл номи Муъинуддин Али бўлган. Илоҳий шаробнинг ул сармасти Табризнинг Сароб қарясидандир. Уч яшарлик чоқларида, ки гўдаклик олами фасли баҳорининг аввалидир, дил гунчалари

илоҳий бегойиб инояти қурқинчидан гул очиб, жаннат боғининг ниҳоли гулбунини камолот даражасига етказдилар. Риёзат мартабаси шундай даражага етказилган эдики, гўдаклик айёми оламида илми ладуний ҳосил қилинган эди. Чунончи, ўзлари бу ҳақда қуйидаги икки байтда ишорат қилганлар. Байт:

Маро илми азал дар сийна доданд,  
Ажаб илме, вале дарсе надоданд.  
Маро сесола ҳоле гашт маълум,  
Ки шайх чилларо дилраси надоданд.

(Мазмуни:

Менга, илми азали сийнамга солганлар,  
Ажаб, илми дарсийни бермаганлар.  
Уч яшарангимда шундай бир ҳол маълум бўлди.  
Ки шайх чиллани дилимга яқинлаштирамаган.)

Шоҳруҳ Мирзо салтанати айёмида ул ҳидоятпаноҳ сулуқининг мустақим солиқлари шоҳроҳининг карвонбошиси эдилар. Санайи 837 йили рабиул-охир ойн аввали (милодий 1433 йил ноябрь ойн охири)да ул ҳазрат илоҳий беистиқомат сароин йўлини ул солиқ тарк этдилар. Таважжуҳ юзларини мақсуд ва манзил ҳисобланмиш дорулохиратга бурдилар. Ҳазрати Шоҳ Қосим Анворнинг мазори фойзосорлари Жом вилоятининг Харжирд қарясидадир. Тарих:

Чароғи маҳфили ақтоби Қосими Анвор,  
Сафон ботини ў Ҳақ зи нури пок сиришт.  
Қасе, ки лавҳи сифоташ ба чашми ақл овард,  
Саводи сафҳан онна аст сурати зншт.  
Ба гўш хотифи ғайб аз забони ризвон гуфт,  
Ҳисоби соли вафоташ «ба ҳури ийн биҳишт».

(Мазмуни:

Қосим Анвор қутблар маҳфили чарогидир,  
Ботини сафолиги Ҳақнинг поксирришт нуридандир.  
Унинг сифатлари лавҳини ақл кўзи олдиға келтирган киши,  
Ёмон суратини ойина юзи саводи деб билади.  
Ҳотифи ғайб қулоғига ризвон тилидан деди:

Вафоти йили ҳисобини «ба ҳурн ийи биҳишт» (837).

Тарих:

Қосим Анвор он қутби замон,  
Дар сипеҳри маърифат буд офтоб.  
Роҳи уқбо қадам зи фарқ кард,  
Иржиъ дар гӯши ӯ то шуд хитоб.  
Буд чун дилҳо хароб аз риҳлаташ,  
Гашт аз он таърихи фавташ «дил хароб».

(Мазмуни:

Қосим Анвор қутби замондир,  
Маърифат осмонида офтоб эди.  
Охират йўлида бошидан қадам қилди,  
Қулоғига «Иржиъ» хитоби келгунча.  
Унинг ўлиmidан диллар хароб бўлди,  
Шунинг учун вафоти тарихи «дил хароб» (837)  
бўлди.)

### МАВЛОНО ҲАСАН ҚУБРАВИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Ҳазрати Мустафо шариаги йўлининг солиқи, Набавий суннат сажжодасининг молиқи Ҳазрати Мавлоно Ҳасан Қубравий Хоразмий шайхлар кибори ва авлиё Ҳазрати Шайх Нажмуддин Кубронинг тўнғич фарзандларидан ва Хожа Абдулвафо Хоразмийнинг муридларидандир. Хожа Абулвафонинг баланд мартабалилиги шундаки, Ҳазрати Мавлавий Румий, қуддиса сирруҳу, «Маснавин маънавий» китобида мазкур зотнинг туғилишидан юз йил аввал бузургликларидан хабар бергандирлар. Чунончи, у киши шундай ёзган эдилар. Маснавий:


Пештар оташтар ой, Булвафо,  
Аз ману мо бигзар зудтар биё.

(Мазмуни:

Эй Булвафо, олдинроқ оташроқ,  
Мену биздан ўтгил, тезроқ келгил.)








РАТИ САЙ







И ХАЖАН



А. П. ГОРЬКИЙ



СОХИБК... МИР Т...



РАТИ ХОЖАНИ МУХАММАД ПОРСО



Ҳазрати Хожа Абулвафо, қуддиса сирруҳу, вужуд саҳнига келганларидан кейин ўшал маъно сиррини олимларга ошкор этганлар:

Як байт зи гуфтаҳои он Шоҳ маро,  
Беҳтар зи ҳазор равзаи боғу саро.  
Он шоҳ, ки сад сол зи мавлудам пеш,  
Гуфтааст маро, ки Булвафо пештар о!

(Мазмуни:

Ул Шоҳ таснифларидан бир байтда,  
Минглаб жаннат боғу саройларидан яхшироқ.  
Туғилишимдан юз йил олдин ул шоҳ.  
Менга деганларки, «Булвафо, тезроқ кел!».)

Аmmo ҳазрати Мавлоно Ҳусайн, қуддиса сирруҳу, хошокдек ёниб кетдилар. Ул зотнинг Ҳазрати Махдуми Мавлоно Жалолуддин Румий «Маснавийи маънавий»-сига ёзган шаҳри мавжуддирки ҳеч ким у кишидек шарҳи ва баёни уҳдасидан чиқа олмадилар. Ҳаёти қофиласининг бу бевафо саройдан жунаш вақти етганда санайи 739 ҳижрий (милодий 1485/86) йилда тупроқ хужрасининг хилватгузини бўлди. Рубоий:

Онҳо, ки муҳити фазлу одоб шуданд,  
Дар ҳалли дақиқа шамъи асҳоб шуданд.  
Раҳ з-ин шаби торик бизаданд ба рӯз,  
Гуфтанд фасонаҳоу дар хоб шуданд. (839).

(Мазмуни:

Фазлу одоб муҳити бўлганлар,  
Дақиқани ҳал этишда саҳобалар шамъи бўлдилар.  
Бу қоронғу кечада кундузга йўл очдилар,  
Афсоналар айтдилару уйқуга кетдилар.)

## ПАҲЛАВОН КОТИБИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Паҳлавон Қотибий, ки сўз майдони саҳнида хат найзаси қалам билан ҳар тараф жавлон уриб, маъно чўқ қиси суворийфарсоларини қофия имоси билан танг қилиб фаросат отининг яккатозлари фасоҳат ва қисмат

жавлонгоҳида унинг гардига ҳам ета олмасдилар. Ба-  
лоғат чаҳорсуйининг қўл олувчилари унинг даъвогар-  
лик камонини торта олмасдилар. Ул одамлар сараси-  
нинг шуҳратли номи Муҳаммаддир.

Унинг туғилган жойи Туршиз вилоятидир. Ширвон  
вилоятига келиб Маликзода Иброҳим Ширвоншоҳийга  
мадҳлар ёзди. Мавлоно Абдулалининг «Қитоби ақол-  
ма»сида айтилишича, Ширвон Бобул-абвоб яқинидаги  
ноҳиятдир, ки уни Анўширвони одил қурдиргандилар.  
Ул ернинг ажойиботларидан бири шуки, шаҳарнинг  
бир гўшасидан кундузи бир чеҳра кўтарилади; кечаси  
эса олов. У Тур тогидек жилоланиб туради. Мусофир-  
лар ўша жойда ўчоқсимон чуқурчалар қазиб қозонни  
шу чуқурчага қўядилар. Бир зумда оловсиз таом пи-  
шади. Бобул-абвоб Баҳри Ҳазар соҳилидадир. Тошдан  
иморат қургандир. Унинг девори уч фарсах. Кенглиги  
400 фарсах бўлиб, дарвозалари темирдан. Ул зот фаз-  
лу ҳунарни касб этишлари чоғида ситамкор фалак ул  
ноёб гавҳарнинг амонат ҳаётларига беҳисоб қасд қил-  
ди. Оммавий касалликлар Хуросон мулклари атрофига  
ёйилди. Бу ҳол санайи 839 ҳижрий (милодий 1435—  
1436) йилда содир бўлди, Астробод шаҳрида ҳаёти  
назмининг шерозасини ечиб юборди. Хавоси мухаммас  
(беш сезги: ҳид, маза, кўриш, ҳис қилиш, эшитиш)  
жузвлари руқилари ўлимга радиф бўлди. Фозиллар-  
нинг баъзиси мавлоно вафоти тарихини шундай назм  
қилдилар:

Аё, касе, ки дар ин хокдоне расид он,  
Ки Котибист, ки дар ин хок ҳамчу ганж ниҳон.  
Бидон зи мисраи охири ҳисоби таърихани,  
Намонд Котибию монд номи у ба жаҳон (839).

(Мазмуни:

Бу манзилга етган киши, билгил,  
Бу тупроқда ганж ниҳон бўлган.  
Тарих ҳисобини охирги мисрадан изла,  
Котибий қолмади, жаҳонда номи қолди.)

У жони узилаётган пайтда мана бу қитъани иншо  
қилган. Қитъа:

Эи оташи қаҳри вабо гардид то к-онҳо хароб,  
Астрободеки хокаш буд хушбўтар эи мушк.  
В-андар ў аз пиру барно ҳеч кас боқи намонд,  
Оташ андар беша чун уфтод на тар монад на хушк.

(Мазмуни:

Вабо қаҳри оташидан шунча нарса хароб бўлди,  
Астробод хоки мушкдан хушбўйроқ эди.  
Унда қарию ёшдан ҳеч ким қолмади,  
Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнар экан.)

Мавлоно Қотибий мазори Астробод вилоятидадир. Унинг мусаннафотларидан «Ҳикматул-айн»; ғазаллар «Девон»и, қасидалар ва қитъалар ва қатор бошқа асарлар нусхалари матни қолган. Жумладан, «Мажмаъул-баҳрайн», «Даҳ боб», «Баҳром ва Гуландом» ва ҳоказо.

### **УЛУҒБЕК МИРЗО ЗИКРИ, МАДРАСАЙИ ОЛИЙ БИНОСИ ТАРИХИ ҲАМДА ВАФОТИГАЧА БУЛГАН ВОҚЕАЛАР ТАСВИРИ**

Улуғбек Мирзо ибн Шоҳрух Мирзо ибн Амир Темур Қўрагоннинг Муҳаммад Тарағай деган номи бор. У Султония қалъасида санайи 796 ҳижрий жумодиул-аввалнинг 19 -сида якшанба кунин (милодий 1394 йил 22 мартда) таваллуд топди. Айтишларича, Афлотун донишинини Фаридун шавкати билан бир жойга жамлаб, Нуширавон адолатини унинг адолат палласига қўйганда бир арпа донасича бўлур. Субҳоний хотамликни унинг ҳиммати назари саҳо ва эҳсон ҳисобида кўрмади. Қуръони мажид ва Фурқони ҳамид унинг дили лавҳул-малфузида етти қироат бирла жо бажо ва мунаққаш бўлганди. Санайи 812 ҳижрий (милодий 1409) йилда Мовароуннаҳрда Самарқанд тахтидан ложувард сипеҳр саририга анжум хусравп ўлтиргандек жой олди. Самарқанд бешинчи иқлимдадир.

Аҳли таворих фикрича, Самарқандни Қайқовус ибн Қайқубод бино қилган. Кейин у вайрон бўлган. Уни Малики Табъ қайта қурган. У ҳам вайрон бўлгандан кейин Искандар мустаҳкамлаб қурган. Олий иморатлар

бино қилди. «Тухфатул-гаройиб» соҳибининг ёзишича, Самарқанд атрофида бир тоғ бўлиб, унда чашма бўлган. Езда унинг суви муздек бўлади. Қишда эса шу даражада иссиқ бўладики, қўл солганда куйдиради. Санайи 828 ҳижрий (милодий 1425) йилда Улуғбек Мирзо Самарқандда мадраса иморатини бино қилди, ки ақл муҳандиси унинг юксаклиги кайфиятига етолмасди. Фикрат муҳосиби илми масоҳат қондаси юзасидан унинг сатҳлар ва жасомат чопқир отининг огоҳи бўла олмасди. Ҳайҳот, унинг шукуҳ тоғи фалонлар биниси устухонбандидан осойиш олганди! Азаматнишон баланд пештоқи вазминликда Ер курсисини титратарди.

Лимуаллифа:

Чи арш поян мақомеки дар тамошоюн,  
Ба ниман роҳ бимонд пазари тамом аз кор.

(Мазмуни:

Арш унинг тамошосида турганча,  
Ярим йўлда, кўзлари қотиб қолди.)

Пештоқнинг қоши зумуррад чарх саҳнидаги қавен фараҳдан нишонидир. Офтоб рашкни келтирган шамсалари ложувардий сипеҳр юзидаги хуршидга тикилган кўзлардир.

Лимуаллифа:

Ба шаммзаш зари Хуршид ҳар чи мебонист,  
Ҳамон қадар фалаки ложувард бурда ба кор.

(Мазмуни:

Унинг озгинаси ҳар ҳолда Офтоб зарлари,  
Ложувард фалак шу қадар уни истифода этган).

Олий даражали шарафаларини қудрат меъмори Қайвон айвоининг муқарнаскорлигини бир дастур бўйича басталаган. Зарингор қошиларини Қазоннинг гулдаст наққоши азалий фалак юлдузлари билан тарҳини чеккан. Тўрт олий гумбазни моҳир ҳукамо унсурлари сонига мослаб ҳайъатгарликда тўрт жиҳатда оч-

ган. Рангин тўрт гулдастаси ложувард ва қумушдан хатти мустақим сингарини тўрт томони мутаносиб — қонин барпо этган.

Бу олий мадрасанинг биноси икки қаватлидир. Ҳар бир равоқда ҳужра—ошиёнаси, ҳужрада икки дарча икки баланд ҳиммат талаба учун; балки икки шаҳбоз вақт нанжағирайини ишга солиб маъноларини ўз зарбадстликларини билан осонгина сайд эта олурлар. Ёки шикорий сайёдлар мисоли таҳсилнинг бепоён водийсида ваҳший матлаб илмларини имо камаидин билан ўзларига ром қилурлар. Санайин 1113 ҳижрий (милодий 1701) йилгача бўлган фурсатда ул анқо овловчилардан одамлар орасида номидан бўлак ҳеч нарса боқий қолмади. Бугунги кунда хоналарда яшаётган талабалардан ошиёнаси равоқларда бўлган вайронаталаб бойқушлардан бўлак ҳеч ким қолмаган. Аҳоли жамоасидан ҳеч бир кишининг шум бойқуш уясида бўлак иқомат макони йўқ. Мударрис бузурғларидан тўрт гумбази олиндан бўлак нарса қолмаган. Улар ҳам яланғоч бошларини кўтариб турибдилар. Санайин 832 ҳижрий (милодий 1429) йилда Самарқандда садду баст деганлар. Аввал бошлаб расад иморатини қурдилар. Марҳум аллома Қозивола Румий ва мавлоноий олами ваҳид Гийёсиддин Жамшид, ишоний мушкулотлар қалималари жомеъи Мавлоно Муъини Муъини Кошоний ва Мавлоно Салоҳиддин Мусавийлар мадади билан у ишга тушди. Расадхона амали асносида булар ҳар бирининг ҳаёти юлдузи тўлини ойдек хусуф пардасида қолди. Дарҳол олам салтанатнапоҳи ҳукму ҳайъат илмларида айни олимни муҳаққақ ва мулаққиқ Мавлоно Али Қушчилар ҳамкорлигида охирига етказдилар. Бу охириги расад бўлди. Чунинчи, Хулакухон салтанати даврида Хожа Насриддин Тусий билан Мавлоно Нажмуддин Али Котибий «Зижи Жомий»ни ёздилар ва Мароғада расад боғладилар. Шундан кейин ҳеч бир киши расад боғлаёлмади. Улуғбек Мирзо санайин 841 ҳижрий (милодий 1437) йилда энж рақамларини кашф қилдилар. Аммо, унинг ҳаёти рўзимаси охирлашганда ва толеъи юлдузи истиқомат авжидан ерга инганда санайин 853 ҳижрий рамазон ойининг саккизинчи кунини (милодий 1449 йил 25 октябр)да қазо қаҳрамони султон Абдуллатиф ноби Улуғбек Мирзонинг ношукӯр амирларидан Аббос қўли билан шаҳодат қизил гулини ҳидлатди ва у ҳазрат жаннат боғининг гулзорини сарни йўл олди.

Фозиллар тарихлар ёздилар. Қуйидагилар шу жумтадандир.

Тарих:

Улуғбек баҳри улуми ҳукам,  
Ки дини Набиरो аз-у буд пушт.  
Зи Аббос шаҳди шаҳодат чашид,  
Аз он гашт тарих: «Аббос кушт».

(Мазмуни:

Улуғбек ҳикмат намининг денгизидир,  
У пайғамбар динининг таянчи эди.  
У Аббос қўлидан шаҳодат шаҳдини ичди.  
Шунинг учун унинг тарихи: «Аббос кушт» (853)  
бўлди).

Бошқа бири шундай ёзган: Тарих:

Султони фалакқадр Улуғбек рашид,  
Дар ҳаштўми моҳи рамазон гашт шаҳид.  
Он шаб, ки шаҳид шуд, қиёмат бар хост,  
Тарих ҳамин, ки «Шаб қиёмат» гардид.

(Мазмуни:

Фалак қадрли Султон Улуғбек рашид,  
Рамазон ойининг саккизида шаҳид бўлди.  
Шаҳид бўлган кечаси қиёмат қўбти.  
Тарихи ҳам шу «Шаб қиёмат» (835) бўлди.)

Бошқаси шундай ёзди. Тарих:

Шоҳи мағфур Улуғбек алайҳирраҳма,  
Он, ки худро ба сўи каъбаи мақсуд расонд.  
Рост, дар сомини моҳи рамазон гашт шаҳид,  
Халқро мотами ў бар сари оташ биншонд.  
Агар эй дил, зи ту тарихи вафоғаш пурсанд,  
Гўй: «Эй беҳабарон, дар ў Улуғбек намонд». (1063—  
210 853).

(Мазмуни:

Мағфират этилган шоҳ Улуғбек, алайҳирраҳма,

У, ки ўзини Каъбайн мақсудга етказди.  
Рост, у рамазон ойн саккизида шаҳид бўлди,  
Унинг мотамаи халқни оташ атрофига ўтқазди.  
Эй дил, сендан вафоти тарихини сўрасалар,  
Дегин: «Эй беҳабарлар, унда Улуғбек қолмади».)

Ҳар гоҳ Улуғбек исмидан «вдар»ни исқот қилинса,  
қаринасига (ёнига) қолмади бўлади. Бу исқот одати-  
дир. Сапайи 853 ҳижрий (милодий 1449) йил ҳосил  
бўлади.

Улуғбек Мирзонинг икки ўғли бор эди: Султон  
Абдуллатиф ва Султон Абдулазиз. Абдулазизга бўлган  
меҳрибончилиги ва эъзози юзасидан ундан катта фар-  
занди Абдуллатифни отанинг белутифлиги туфайли ҳасад  
ва бухл шайтони инсоф кўчасидан чиқарди, қинғир  
ва нотўғри йўлга бошлади. Ҳатто ўз отасига боғий ва  
ёғийлик қилишгача борди. Ҳовлиқиш ва камоли та-  
ҳайюридан муҳораба қасдини қилиб, оқибатул-амр  
фарзанди фармони билан охирда отасига Аббос шаҳо-  
дат шарбатини ичирди. Олти ой ўтгандан кейин раби-  
ул-аввал ойида ажал хунхори ва қазонинг бераҳм жал-  
лоди ўз навбатида ундан интиқом олди, Бобо Ҳусайн  
томонидан ўлдирилдики, у Улуғбек Мирзонинг муло-  
зимларидан эди. Мисра:

Ҳар он шарбаг, ки нўшони бинўши.

(Мазмуни:

Ким ки шарбат ичирса, ўзи ҳам ичади).

Мирзо Абдуллатифнинг бошини бир неча кунга чав-  
гон обруйидаги гўй мисол Улуғбек Мирзо мадрасаси  
пештоқиға осиб қўйдилар. Қисқаси, дунё экинзорига  
нима эксанг шунини ўрурсан. Чунончи, Фурқони ҳамид  
ва Қуръони мажид шундай маъни нотикидирки: «Лиҳо  
касбу алайҳа муктасибат».

Зарифлардан бири Султон Абдуллатиф вафоти та-  
рихига шундай деган. Тарих:

Абдуллатиф Хусрави Жамшидфар, ки буд,  
Дар силки бандагонаш Фаридуну Зардушт.  
Бисту шашўми зи моҳи рабнъ наҳуст буд,  
Иқбол з-ў рамид бад ў-бахт кард пушт.  
Бобо Ҳусайн кушт шаби жумъааш тиф,

Тарихи ин навис, ки «Бобо Ҳусайн кушт» (854/1450).

(Мазмуни:

Абдуллатиф Жамшид ҳашаматли подшоҳ эди,  
Одамлари силкида Фаридуну Зардӯшт эди.  
Рабиул-аввалнинг йигирма олтиси эди,  
Иқбол ундан қочиб, бахт уни тарк этди.  
Бобо Ҳусайн ўлдирди жумъа оқшом тиф била,  
Тарихини битгил, ки «Бобо Ҳусайн кушт».)

Мирзо Абдуллатифдан ҳаётда беш ўғил ёдгор қолди: Мирзо Абдурразоқ. Бу 17 яшарлигида Султон Абусаид ҳукми билан ҳалокат заҳрини ичди. Мирзо Аҳмад, у ўн олти ёшида Абусаид Султон фармонига мувофиқ бу жаҳондан ўтказилди. Маҳмуд Мирзо. Мирзо Жукий узоқ муддат Султон Абусаид билан муҳолифат қилди. Охирул-амр қочиш юзини дорулқарор (Самарқанд) сари бурди. Муҳаммад Боқир Мирзо. У гўдаклигида тупроқ бешигида ором топди.

## АМИР ШОҲИЙ САБЗАВОРИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Амир Шоҳий Сабзаворийнинг асл исми Оқмалик ибн Жамолиддин бўлиб, Ферузқўздандир. Обо ва ажлоди сарбадор амирларидан эди. Ул зот Бойсунғур Мирзо ибн Шоҳрух Мирзо маддоҳи эдилар. Чунончи, бу рубойни шохзода Бойсунғур Мирзо марсиясига ўта пурғудоз этиб ёзган. Марсия:

Дар мотами ту даҳр баче шеван кард,  
Лола ҳама хуни дида дар доман кард.  
Гул жайби қабои арғувон бидарид,  
Қумри намади сиёҳ бар гардан кард.

(Мазмуни:

Сенинг мотамингда даҳр кўп қайғурди,  
Лола кўзидан этагига қон тўкди.  
Гул қипқизил ёқасини йиртди,  
Қумри қора намадни бўйнига илди.)



Аммо Хожа Шамсуддин Муҳаммад Аргувон хон Абоқохон ибн Ҳулоқхоннинг истиқлолли вазири эди. У йигирма етти йил унинг отаси, бобоси ва амакиси вазирлигини қилди. Тухмат билан шаҳодат даражасига етказилди. Унинг номига мантиқ фани бўйича «Рисола-йи Шамсия» тасниф этилган эди. Ироқу форс маликуш шуароси бўлган Муҳаммад Ҳамгар Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг энг яқинларидан эди. У Хожа Шамсиддин Муҳаммад марсиясига яхши рубоий ёзган. Кейинги давр шоирлари бир огиздан акобир марсиясига ўтмиш шоирларидан ҳеч ким бундайини рубоийини ёза олмаган, деганлар.

Марсия:

Дар мотами Шамс аз шафақ хун бичакид,  
Моҳчеҳра як банд зи ҳар гесӯ барид.  
Шаб жома сиёҳ кард дар мотами субҳ,  
Бар зад нафаси сард, гирибон бидарид.

(Мазмуни:

Шамс мотамида шафақдан қон томарди,  
Моҳчеҳра ҳар гесусидан бир банд юларди.  
Туй қора либосда суҳб мотамида,  
Совуқ нафас олиб, ёқа чоқ этарди.)

Мир Шоҳийнинг ҳикоя қилишларича, мажлисида бир номдор султон даврида Мавлоно Аҳлийнинг олдидан ўтқазиб қўядилар. Буни Мавлоно таъбияга оғир олиб, адабий мажлиси охирида енгил туриб, бадиха тарзида бу қитъани ўша жойда ижод қилдилар. Қитъа:

Шоҳо, мадор чархи фалак дар ҳазор сол,  
Чун мани ягона нанмоёд ба сад ҳунар.  
Гар зери дасти ҳар касу нокас нишинем,  
Ияжо латифаест, бидонам ман инқадар.  
Баҳри паст мажлиси ту дар баҳри беҳилоф,  
Луълуъ ба зер бошаду хошок ба забар.

(Мазмуни:

Шоҳим, сиз чархи фалак меҳварисиз минг йилга,  
Ягона мен юз ҳунари билан кўзга кўринмайман.

Ҳар касу нокас қўли остида қўйсак,  
Бу ерда бир латифа бордирки, билурман.  
Пастлар учун мажлисинг беҳилоф денгиздир,  
Гавҳар остда қолур, хашак эса юзда.)

Ул зот Бобур Мирзо салтанатни айёмида ҳаёт эди,  
ёши етмишдан юксак маҳоратли эди. Астробод шаҳрида санайи  
857 ҳижрий (милодий 1453) йили унинг ҳаёти девони  
назми пароканда бўлди. Наъшини Сабзаворга келтир-  
дилар. Шайх Озарий унинг ҳамасрларидан эди.

### **МАВЛОНО ШАРАФУДДИН АЛИ ЯЗДИИ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Мавлоно Шарафуддин Али Яздий илми зоҳир ва  
илми ботинда юксак маҳоратли эди ва ҳеч сўзсиз давр  
ягонаси эди. Хусусан, ҳайъат илмида шундай эрдилар.  
ки илоҳий файз офтобининг нури партави унинг сийна-  
си устурлоби лавҳидан тобон дили, ҳайъатининг расад-  
бандида фалаклар моҳиятлари аҳволи равшан ва на-  
моёндыр. Хотирани саҳифасида ранж рақамлари дастёр-  
сиздир; зоҳир назарида қалам рақами марқум ва тақ-  
вим шакллари ҳар қандайга мафҳум ва маълумдыр.  
Байт:

Партави офтоби файзи футуҳ,  
Аз устурлоби сина гашт вузуъ.

(Мазмуни:

Файзли офтоби нури,  
Сийна устурлобидида намоён.)

Ул зотнинг касирул-баракот мусаннафотлари кўп-  
дыр. Масалан, «Қанзул-мурод», «Ҳулали мутарраза»,  
«Ҳақойиқ ут-таҳомил», «Муваддин», «Шарҳи қасидаи  
бурда», «Девони ғазалиёт» ва саноксиз қасидалари бор.  
Санайи 858 ҳижрий (милодий 1454) йилда унинг ҳаёти  
тўлини ойна камолот сипеҳри авжинида эди.

Улим булутни уни мунхасиф этди. Унинг мунаввар  
марқади дорулибод Язддадур. Мазкур санала, 858 (ми-  
лодий 1454) йилда Мирзо Бобур ибн Бойсунғур Мирзо  
ибн Шоҳрух Баҳодир ва Султон Абусаид ибн Мирзо

Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ ўртасида фирдавмонанд Самарқанд вилоятида қутбул-ақтоб ҳазрати Хожа Аҳрор, қуддиса сирруҳу, ризочилиги билан сулҳ битими тузилди.

## **ҲАЗРАТИ МАВЛОНО САЪДУДДИН КОШГАРИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Қутбул-ақтоб, ғавсул асҳоб, саъдул-милла вад-Дин Мавлоно Саъдуддин, қуддиса сирруҳу, аслида Кошгар вилоятидандирлар. Суратий ва маънавий камолот касбини Хуросон мамлакатида ҳосил қилганлар. Бузурглик васфларининг шохидини шундан яхшироқ билса бўлурки, Ҳазрати маҳдумий Мавлоно Абдурахмон Жомий, қуддиса сирруҳу, талаб қўлини ул ҳазрат домани покларига, продат бошларини ул зот ҳалқайи фатроқларига урганлар. Санайн 859 ҳижрий жумодус соний ойининг чаҳоршанба куни (милодий 1455 йилнинг 21 май куни) фоний дунёдан боқий саройга риҳлат қилдилар. Фойизул-анвор мазорлари Ҳирот шаҳридадир.

## **ШАЙХ ОЗАРИЙ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Ҳазрати Шайх Озарийнинг асл номи Ҳамза ибн Абдулмалик ат-Тусий ал-Байҳақийдир. Ҳазрат шайхнинг оталари сарбадорлар жамоасидан эдилар. Ул зот зоҳирий илмлар бирла ораста, ботиний илмлар зеварлари бирла пироста эдилар; дину миллат илми далилларининг отаси; авлиёлик ва кашфи ҳақиқатлари аҳкомлари бўйича олим; илоҳий маърифат чироғи ул зот қалби меҳробида мунаввар; чексиз илоҳий раҳматлар жавоҳирлари ул зот дили ганжинида тўплангандир. Ул зот мушкин ҳидли қаламлар шакарнисоридир. Ҳазрати шайхнинг фасиҳ нутқлари гўё сирлар жавоҳири ғазал девони, бир неча рисоласидир. Назму насрларидан «Жавоҳир ул-асрор», «Саъйус-сафо», «Туғройи Хумоюн», «Ажойиб ул-ғаройиб» ва ҳоказолардир. Шайхнинг вафоти санайн 866 ҳижрий (милодий 1462) йилда Султон Муҳаммад ибн Бойсунғур салтанати замонида содир бўлди. Файзбахш мазорлари Исфаройи қасабасидадир. Саксон йил умр кўрдилар. Хожа Аҳмад

Муставфий «Тарихи гузида»да ҳазрати шайх вафотлари тарихини айтганлар. Тарих:

Дарег аз орзӯи шайхи замона,  
Ки мисбоҳи вужудаш гашт безав.  
Чароғи дил ба мисбоҳи ҳаёташ,  
Ба анвоъи ҳақоӣиқ дошт партав.  
Чу ӯ мованди хусрав буд дар шеър,  
Аз он тарихи фавташ гашт «Хусрав».

(Мазмуни:

Замона шайхи орзуларидан дариг,  
Вужуди чироғи нурсизланди.  
Дил чироғи ҳаётининг мисбоҳига,  
Турли ҳақоӣиқлардан нур инарди.  
Шеъринятда хусравмонанд бўлгани учун,  
Вафоти тарихи «Хусрав» (866) бўлди.)

Санайн 869 ҳижрий (милодӣи 1464/65) йил Султон Хусайн Мирзоини Хуросон мамлакатига келиб Султон Абусанд ибн Султон Маҳмуд билан жанг қилган йилдир. Санайн 872 ҳижрий сафар ойи (милодӣи 1467 йил сентябри)да Ироқ мамлакати фатҳ бўлди. Парвардигор ҳукми билан Султон Саид кўрагон қўлида ўн олти йил комёблик тонди. Мирзо Абдулла ибн Иброҳим Султон ибн Мирзо Шоҳруҳдан сўнг Мовароуннаҳр тахтига ўлтирдди. У салтанат одобини Мирзо Улугбекдан касб қилган эди. У билан Мирзо Бобур ўрталарида кўшича инзолар рўй бериб турди.

## ХОЖА АБУ НАСР ПОРСО ВАФОТИ ТАРИХИ

Авлиёлар қутби, тақводорлар ғавси Носириддин Хожа Абу Наср Порсо, қуддиса сирруҳу, иродат қўлини иршоднаоҳи, ҳидоят дастгоҳ, ҳақоӣиқ огоҳ, ҳар мушкулнинг мушкулкушойидирлар. Ҳазрати Хожа Баҳовуддин шоҳи Нақшбанд, қуддиса сирруҳу, пок домонига уриб, бу олийжоҳ сулуки йўлидан итоат қадамини ташқари қўймади. Ўзи эса ҳидоят мартабасини Оллоҳ йўли толиблари билан биргаликда инҳоясига етказдилар. Зулқайда ойида Ҳазрати Хожа бандлик юзасидан Ҳақ лаъватига «Лаббайк!» ижобатини дедилар.

Фозилларнинг баъзиси ул зот вафоти тарихини шундай ёзганлар. Тарих:

Хожан аъзам Абу Наср он, ки шуд,  
Такиягоҳаш маснади дорн бақо.  
Сирри ӯ чун бо Худо пайваста шуд,  
3-ин сабаб тарих шуд «Сирри Худо».

(Мазмуни:

Хожайн аъзам Абу Насрнинг  
Такиягоҳи дорн бақо маснади бўлди.  
Унинг сирри Худога пайваста бўлгач,  
Шу сабабдан тарихи «Сирри Худо» (865/1461)  
бўлди.)

Баракага тўлиқ, чуқур кароматлар маъданидир.  
Ҳазрати бузургворнинг пурнур мозори Балх вилоятида-  
дур.

### **ХОЖА АҲРОР, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИҲИ**

Илоҳий сирлар маорифининг орифи, Аллоҳ йўли (Сабилуллоҳ) масолиқлари солиқи, бештибоҳ валийлик фалагининг қутби, ҳидоятнавоҳ, ҳақонқ огоҳ Аҳрор Хожа Убайдуллоҳ, қуддиса сирруҳу. Онҳазратнинг продат қўли Мавлоно Яъқуб, қуддиса сирруҳу, тарбият услуби мукаммал ва комил пок доманларида эди.

Ҳазрати мавлононинг ихлос қуши ниёз юзасидан Ҳазрати Шоҳи Нақшбанд, қуддиса сирруҳу, баланд, ҳиммат, гардуи парвоз шоҳбози сайдида эди. Аммо, ҳазрати хожанинг бовужуди шоҳаншоҳлик асоси, беқилёс подшоҳлик истеъдоди туфайли ҳиммат қадами ул фақирга фахрдир, ки рисолатпапоҳлик ҳадиси мазмунига кўра фақр мустақим йўлидан ташқари қўймади. Ҳақбин дийдасини Аллоҳ жамоли тажаллиётдан ўзга дунё асбобларига очмади. Ул ҳазратнинг ҳарчаид мол-мулки кўп, муборак хотирлари зироат ишига таважжуҳ кўргузди. Унинг маҳсулини мискину фуқарога сарфлар эдилар. Зироатдан охираат йўли озуқасини жамладилар. Чунончи, Ҳазрати Маҳдумий Мавлоно Абдурахмон Жомий, қуддиса сирруҳу, онҳазрат шаънига шундай ёзганлар. Байт:

Ҳазорон мазраъ дар зери киштаст.  
Ки аз ӯ рафтани роҳи беҳишт аст.

(Мазмуни:

Экинлар минглаб экинзорни эгаллаган,  
Ундан жаннат йўлига тушмоқ мумкин.)

Экинзор экинларининг моҳияти «дунё охираат экин-зор»дир. Онҳазрат истагандилар, ори Аллоҳ аҳли сулуки тариқаси Ҳақ муҳаббати йўлида ва бандаликда ва мутлоқ вожибул-вужуд иродаси таалуқотни қатъ қилмоқ этиборида Мосуводан ва ҳиммат кўзини ёпмоқдир. Дунёдан ва мофиҳодан ва бу санадул-аброр маҳсус маротиблари саййидул-ахёр ҳазрати Хожа Аҳрордир, қуддиса сирруҳу. Ҳамиша олий нусрат подшоҳлар, рифъат дастгоҳ сипоҳилар иродат бошларини ул Аллоҳ даргоҳининг мақбули гардун мартабали оstonасига қўюрлар; унинг латифу шариф, пурфайз руҳидан мадад тилайдилар. Олимлар ва фозиллар, бошқа табақалар онҳазрат зеҳнияти тоза муаттар боғи риёзи, ки Илоҳий раҳмат баҳри жўйбори ва сўзсиз маъфирати дарёсидан сарсабздир. Чаман-чаман мурод гулларини ул зотга эътиқод гулбунидан терурлар; пур самара ихлос дарахтидан мақсад мевасини топулар.

Лимуаллифа:

То равзаи Хожа мазҳари анвора  
Манзилгоҳи қутби мажман аброра  
Ҳуррият ҳар ду кави ҳосил гардад,  
Он кас, ки ғуломи Хожа Аҳрор аст.

(Мазмуни:

Хожа равзаси пурлар мазҳари экан,  
Қутб манзилгоҳи аброрлар мажмаъидир.  
Ҳар икки олам ҳуррияти ҳосил бўлур,  
Кимки Хожа Аҳрор ғуломидир.)

Хуллас, бу ҳечмадон, қосирбаён, алканзабон Роқим қалами нима ҳам ёзаоларди ва нима деёларди. Ул авлиёлар султони, муинулфуқаро, шарҳи аҳволи, афъолдан бир сатр ёзаоларми? Қачонки ул писонлар қутби ҳазрати маҳдумий Жомий, қуддиса сирруҳу, ул зот таф-

сипли ҳолидан ўзларининг «Тухфат ул-Аҳрор» китобида марҳамат қилгандирларки, маснавий:

З-ў ба жаҳон навбати шаҳаншоҳи,  
Кавкабаи фақри Убайдуллоҳи.  
Рӯи замин к-аш на сар на бун даст,  
Дар назариш чун рӯи як нохун аст.  
Як рӯи нохун, ки ба даст оядаш,  
Кай ба раҳи фақр шикаст оядаш.  
Он, ки ҳуррияти фақр оғадаст,  
Хожа Аҳрори Убайдуллоҳаст.

(Мазмуни:

Жаҳонда шаҳаншоҳлик навбати ундан,  
Убайдуллоҳий фақр порлоқлиги.  
Ер юзи, ки на боши на адоғи бор,  
Унинг назарида тиршоқ юзичалиқдир.  
Бир нохун юзаси унинг қўлида.  
Қачон фақр йўлида шикаст тедир.  
У фақр ҳурриятидан огоҳдир,  
Хожа Аҳрор Убайдуллоҳдир.)

Риёзий илмларнинг энг билмдонини Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қозини, қуддиса сирруҳу, ҳам «Силсилатул-орифин» китобида ул бурҳон ул-восилин, саййидул-муқаррибининг шарҳи нечук бўлишини ҳуққадек тасвирлаб бердилар. Шунингдек ул саййидлар буюғи Ҳазрати Мир Абдулаввал, қуддиса сирруҳу, ўз мажмуъаларида ул Ҳазрати Эшоннинг ҳаёти даврини ибтидосидан интиҳосигача шарҳи баёнини таскин қаламила рақам қилганлар. Мавлоно Ҳусайн Воизнинг аржуманд фарзанди жаноби Мавлоно Ҳусайн Фахриддин Али ўзларининг «Рашаҳот» китобларида ул кашфлар ва кароматлар маъдани, фавқулодда одатлар соҳиби мақомотларидан томчилар келтирганлар. Ҳазрати Эшон улӯғ ёшга кирдилар; риҳлат вақти етишганда санайи 895 ҳижрий йили ойнинг шанба кечаси (милодий 1490 йили) Самарқанд вилояти қаряларидан Камонгарон қарясида бу пурмалол дунёдан кўз юмдилар. Ҳазрати Эшоннинг муборак наъшларини ул ердан Ҳазрати Қафшир маҳалласига келтириб, ул пок жисми тупроқ хонаси хилватгузини қилдилар. Қибору номдор авлиёлар, таълифшиор, тасниф иқтидор уламолардан бир қанчаси ул зот-

нинг файзбахш мазорлари энди файзосор бўлдилар.  
 Шу жумладан, бу гумном Роқим аждоди киромларидан  
 вилоятнашоҳ, ҳақойиқогоҳ, ҳазрати Аллоҳ мақбули бе-  
 шубҳа аъломул-уламо ҳазрати Мавлоно Исматуллоҳ  
 ибн Мавлоно Маҳмуд ибн Мавлоно Неъматуллоҳ бўл-  
 са, иккинчиси, Раббоний Камол муфасссир, Ҳазрати  
 Набавий ҳадисларининг лафзу маоний билан ҳимоя-  
 чиси Мавлоно Маҳмуд ибн Мавлоно Абдулалӣ Гело-  
 ний, Булар Роқимнинг боболаридир. Яна муҳаққиқлар  
 султони ва мудаққиқлар бурҳони ҳазрати мавлоно Исо-  
 муддиннинг мунаввар қабрлари ҳам шу ердадир. Бош-  
 қа дин уламолари, авлиёллик йўли ҳодийлари қабрлари  
 ҳам Ҳазрати Эшонинг табаррук мазорларидадур. Нур-  
 га тўлиқ бу мазордан шаҳаргача бўлган масофа бир  
 милга яқиндир. Шу масофада хиёбон жойлашган. Зиё-  
 рат қилувчиар эътиқодидек хуррамликда жаннат боғи  
 монанддир. Лимуаллифа:

Турфа хиёбонки дарахтони ў,  
 Мебурд аз тўбон худд обрў.  
 Ҳар тапа биганшта зи чатри саҳоб,  
 Панжа зада бар самари офтоб.  
 Он, ки гузашт аз фалаки ҳафтўмин,  
 Решан ў шуд рағи гови замин.  
 Сидра буд шохчан пасти ў,  
 То чи бувад шохи забардасти ў.  
 Нисбати ҳар як ба бузурги тамом,  
 Гом ниҳоди на бурун аз мақом.  
 Жумла сарафканда зи рўи ниёз,  
 Гашта сафоро чу қиёми намоз.  
 Сарвқабоени бақо иттисоф,  
 Хурда зи сарчашмаи хазир оби соф.  
 Ҳар шажари ҳаст кунун бе шакке,  
 Аз шажари водии Аймаи яке.  
 Шохи дарахтонаш зи наздику дур,  
 Соиди Мусост тажалли зухур.  
 Ҳар як аз ин нахл ҳидоятсамар,  
 Медиҳад аз муршиди солик хабар.  
 Аҳли сулук аз ду тараф раҳнамун,  
 То наравад ҳеч кас аз раҳ бурун.  
 Ин ҳама хуби на обу ҳавост,  
 Файзи мазори шарифи авлиёст.  
 Сайиди қутбу санади атқиё,  
 Қаъбаи матлабасари муддао.



Онки зи асрори замири Илоҳаст,  
Ҳодии дини Хожа Убайдуллоҳ аст.  
Зойири ин равзаи худд иштибоҳ,  
Меравад аз сояи Тубо ба роҳ.  
Ҳар, ки дар ин роҳ на ба сар зуд рафт,  
Дер ба сари маъзилли мақсуд рафт.  
В-онгоҳ дар ниҷо аз сар бидид,  
Рӯй дар оннан мақсуд дид.  
Ғрабам аз дутф зи маҳ то ба меҳ,  
Ба ҳама тавфиқ зиёрат бидеҳ.

(Мазмуни:

Турфа хиёбонки, унда дарахтлар,  
Жашнат Тубосидан обрӯ олулар.  
Ҳар бири ҳадини булут чодирдан ўтказиб,  
Офтоб самарига панжа урдилар.  
Еттинчи фалакдан ўтган кишининг,  
Решаси ер ҳўкизи учун томир бўлди.  
Сидра ушинг настки шохчаси,  
Забардаст шохлари шима бўларди.  
Ҳар бири йиркликда қилгани инебатин,  
Мақомигидан нари қадам қўя олмайсан.  
Ниёз юзасидан барчанинг боши қўйи,  
Намоз қилмидек сафга тизилишган.  
Сарв қабосини кийганлар боқийдирлар,  
Яшил сарчашмалардан тоза сув ичиб.  
Бугун ҳар бир дарахт бешак.  
Аймаи водийиен дарахтидек эди.  
Дарахт шохлари узоғу яқиндан,  
Мусо биллагидир файз таратишда.  
Бу инҳоллар ҳидоят ҳосилин беради,  
Мушинди солиқдан хабар беради.  
Сулук аҳли икки тарафдан йўл кўрсатувчи,  
Токи ҳеч ким йўлдан чиқмасин.  
Бу яхшиликлар обу ҳаводан эмас,  
Муқаддас авлиё мазори файзидир.  
Қутб саййиди, муттақийлар санади,  
Муддао асарн талаб каъбасидир.  
Оллоҳ замири сирларидан огоҳ,  
Дини ҳодийиен Хожа Убайдуллоҳдир.  
Иштибоҳли жаннат боғи зиёратчиси,  
Тубо соясидаи йўлга тушади.  
Қимки бу йўлдан боши билан юрмаса,

Мақсад манзилга кечроқ боради.  
Шунда бу ерда бошдан кўрур,  
Мақсад оннасида юзини кўрур.  
Ё Раббим ердан осмонгача,  
Тавфиқ билан зиёрат бергин.)

Замон фозилларининг аксари Ҳазрати Эшон, қуд-  
диси сирруҳу, вафотларига марсия ва тарихлар битди-  
лар. Улардан баъзиси қуйидагилардир. Тарих:

Ба ҳаштсаду наваду панж дар шаби шанба,  
Ки буд рафта чу аз фавти Аҳмади мурсал.  
Кашид хожан дунёву дин Убайдуллоҳ,  
Шароби софи айни жиннон зи жоми ажал.

(Мазмуни:

895 санада, шанба кечаси,  
Пайғамбар вафотидан ўтганди.  
Дунё ва дин хожаси Убайдуллоҳ,  
Ажал жомидан жаннатнинг соф шаробини ичди.)

Амири кабир, соҳиби тадбир Амир Алишер Ҳазрати  
Эшон вафоти тарихига шундай деганлар: Тарих:

Хожан хожангон хожа Убайдуллоҳ,  
Муршиди солиқони роҳи яқин.  
Шуд ба хулди барин, ки аз фавташ,  
Соли таърих гашт: «Хулди барин».

(Мазмуни:

Хожалар хожаси хожа Убайдуллоҳ,  
Авлиёлар йўли солиқларнинг муршиди.  
Вафот этиши билан жаннатга тушди,  
Шундан вафоти тарихи: «Хулди барин» (895) бўлди.)

Бошқаси:

Зи соли риҳлат хожа чу хостам тарих,  
Нидо расидки бар ку мақом боди биҳишт.

(Мазмун:

Хожа вафотига тарих изласам,  
Ниндо келдики қаерда: «боди биҳишт» (895).

Яна бири деган:

Гуфт пири ақл аз илҳоми ғайб,  
«Муршиди ориф» ба таърихи вафот.

(Мазмун:

Ақл пири ғайб илҳомидан,  
Вафоти тарихига деди: «Муршиди ориф» (895).

Яна: Баҳри соли фавт қутби он замон,  
Шуд «Дуоин хайр» (895) таърихи тамом.

(Мазмун:

Ул замон қутби вафоти йилнга,  
Тарихи: «Дуоин хайр» бўлди, деди.)

Яна: Ҳотифи ғайб баҳри соли таърихаш,

Гуфт бар ку намонд муршиди роҳ (895).

(Мазмун:

Ғайб ҳотифи тарих санашни,  
Деди: «Қаерда муршид йўли тугади?»)

### **ХАЛҚЛАР САРАСИ ҲАЗРАТИ МАВЛОНОИИ ЖОМ ТАВАЛЛУДИ ТАРИХИ ЗИКРИ ВА УЛ ХАЙРУЛ-АНОМ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Олижаноб, олийнасаб, қудсий маоб, қутблар қутби, улуғлар мурожаатгоҳи ҳазрати мавлоноии Жом, ул сирлар хазинаси, асарлар маъданининг бузургвор оталари Аҳмад ибн Муҳаммад Даштӣдир. Дашт Сифоҳон вилоятига тобъ қарялардандир. Эшонининг волидалари Имом Муҳаммад Шайбоний авлодларидандир. Ҳазрати Махдумийнинг асл лақаблари Имоиддин, машҳур лақаблари Нуриддин, Шухратли номлари Абдурахмон.

Айтишларинча, ул зотнинг волидан шарифлари замон ҳодисалари ва даврон инқилоби туфайли Исфаҳондан Хуросон мулки тарафга кўчганлар. Жом вилояти Харжирд қасабасида Ҳазрати Зиндафилли Аҳмади Жом турбати яқинидан мақом тутганлар. Кейин шу ерда оила қурганлар. Ҳазрати Махдумий Мавлавий санайи 817 ҳижрий шаъбон ойининг йингирма учунчи кечаси (1414 йил 7 ноябрида) йўқлик олаmidан вужуд илмо-бодига қадам қўйдилар. Қитъа:

Ба соли ҳаштсаду ҳафтдаҳ зи ҳижрати набавий,  
Ки з-ў зи Макка башурби сари авқоти жалол.  
Зи авжи қуллан парвоз гоҳ азми қадам,  
Бад ин ҳазиз ҳавосаст кард то пару бол.

(Мазмуни:

Санайи 817 ҳижрийда,  
У туфайли Маккадан тангри тилаган вақтда.  
Парвоз авжидан, гоҳ қадам азmidан,  
Шу лазиз ҳавода пару бол чиқарди.)

Таваллуд ва яшаш жойи Жом бўлгани муносабати билан ул зот Жомий таҳаллус қилганлар. Чунинчи, ўзлари бу маънида баён қоши билан ишорат қилганлар. Қитъа:

Мавлудам Жом рашҳан қаламам,  
Нашъан Жоми шайхул-исломист.  
Ложарам дар жаридан ашъор,  
Ба ду маъни таҳаллусам Жомист.

(Мазмуни:

Тугилган жойим Жом қаламим қатраларин,  
Шайхулислом жоми нашъасидир.  
Ложарам ашъор дафтариди,  
Икки маънида таҳаллусим Жомийдир.)

Бироз вақт ўтгач олам ул жаноб фазилатлари шамъи нури, ул камолот иктисоб камолининг чироғи равшанликларидан офтоб машъали ёруғидек мунаввар ва тобон бўлди. «Нафаҳотул — унс»дан риёзий илмлар боғи

ва бошқа саҳифалар риёзатасос нафасларига ҳазратнинг назоҳат ва назҳат баҳш этди. Табъ очувчи «Баҳористон»дан, назм «Бўстон»и ва наср «Гулистон»и хуррамлик ва тароват топди. Ҳа, касирул-баракот мусаннафотларини агар осмон олами памозхонлари «Сабҳатул-аброр»дек қўлдан-қўлга айлангирсалар сазовордир. Ё аъло Мулло (Тангри) муқарриблари «Тухфат ул-аҳрор»дек кафтларига кўтарсалар раводир. Ул зот Султон Абусаид Мирзо Кўрагон салтанати замонида газаллар «Девони»ни тартиб бериш ва баъзи рисоаларини таълиф этишга муваффақ бўлдилар. Қолган асарлари Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро давлати айёмида таҳрир топди.

Амири кабир, соҳиби тадбир Мир Алишерким жаҳон халқлари сарвари, олам аҳлининг муроди эрди, ул жанобнинг мутеъи ва муриди эдилар. Бу итоат ва продатдан балки сарафрозлик топгандилар. Ҳамиша тобеълик ҳошиясини жон елкасига ва продат камандини эътироф гарданига илиб юрардилар. Ҳазрати Маҳдумий ҳам дўстлик қоидасини ва муҳаббат шаронтини ул муқаррабул ҳазратга нисбатан бажо келтирардилар. Шундай ҳам бўлганки, баъзи табаррук таълифотларини ул зот (Алишер Навоий) шавкатли номи ва севимли исмига ёзганлар. Мавлавий 81 йил ҳаёт соқийси қўлидан тириклик шарбатини ичдилар. Кейин «ва сақоҳум раббихум шаробан таҳуран» зумраси сафига дохил бўлдилар.

Чунончи, «жом»га муродиф бўлган «каъс» сўзи ҳарфлари ададидан маълум ва мафҳум бўлур. 81 йиллик умрлари муддатида 44 жилд китоб тасниф этдилар. Шу китоблар «каъс»га муродиф ҳисобланади. «Жом» сўзи ҳарфлари ададига ҳам мувофиқдир. Китоблар ва турли масалаларга бағишланган рисоаларнинг номи қуйидаги тартибдадир: «Тафсири каломулло» фотиҳадан то «Фаайа фарҳабун» оятигача, «Шавоҳидун-нубувват», «Нафаҳотул-унс», «Мақсадул-фусус», «Рисолаи тариқайи суфийя», «Шарҳи миот», «Шарҳи нусуси лавомеъ», «Шарҳи абёти форизия», «Шарҳи рубонёт», «Лавоийх», «Шарҳи матни Мавлонойи Рум», «Шарҳи матни Амир Хусрав Деҳлавий», «Шарҳи ҳадиси Абузар Уқайлий», «Шарҳи суҳанони хожа Муҳаммад Порсо», «Таржумайи арбаин», «Маноқибн Ҳазрати Мавлавий Румий», «Маноқибн хожа Абдулла Ансорий», «Рисолаи таҳқиқи мазҳабн суфийя», «Рисола

дар исботи вужуд», «Рисолаи дар суоли Ҳиндустон», «Рисолаи дар ло илоҳи иллолоҳ», «Рисолаи дар маносики ҳаж», «Ҳафт авранг» қуйидаги тартибда: «Силсилатуз-заҳаб», «Саломон ва Ибсол», «Тухфатул-аҳ-рор», «Сабҳатул-аброр», «Юсуф ва Зулайҳа», «Лайли ва Мажнун», «Хирадномаи Искандарий», «Девони аввал», «Девони сони», «Девони солис», «Баҳористон». «Рисолаи кабир дар муаммо», «Рисолаи мутавассит дар муаммо», «Рисолаи сағир дар муаммо», «Рисолаи манзума дар муаммо», «Рисолаи аруз», «Рисолаи кофия», «Рисолаи мусиқи», «Мушшоот», «Шарҳи мулло бар кофия», «Шарҳи мифтоҳ ул-ғайб», Қасирул-баракот вақтларининг аксарини ҳаминша таълиф ва таснифда ўтказардилар. Ҳазрати зулжалолга ҳаминша ибодат билан машғул бўлишларига қарамай вақтларини бекор ўтказмасдилар.

Санайи 898 ҳижрий муборак муҳаррам ойининг 18 да жумъа куни пурфутуҳ руҳларининг қуши қолиб қасидан парвоз этиб, Сидратул-мунтаҳо шохсорига ошён ва маъво қилди. Маҳдумнинг муборак наъшларини Ҳиротга элтиб, Мавлоно Саъдуддин Кошғарий, ки Ҳазрати Мўйини ул зотга нисбат берадилар, суфаларига дафи қилдилар. Амири кабир Мир Алишер он ҳазрат марсиясида таркиббанди гарро назм силкига чекдилар. Унинг матлаъи ушбудир. Матлаъ:

Ҳар дам аз анжум аз чарх жафон дигар аст,  
Ҳар дам аз анжуми ў доғи балои дигар аст.

(Мазмуни:

Ҳар дам юлдузлар, чархдан ўзгача жафодир.  
Ҳар дам унинг юлдузларидан ўзга ало доғи.)

Бу марсияни Мавлоно Дарвеш Равғангар ҳазрати Маҳдумий марсиясига ёзган. Марсия:

Ии гардиши сишеҳр, ки ғам шуд чу дарди Жом,  
Бар руҳи поки Ҳазрати Жомий кунанд салом.

(Мазмуни:

Бу фалак гардиши Жом дардидек оғир бўлди,  
Ҳазрати Жомий руҳи покига салом айтур.)

Абдол шоирлардан, соҳибн ҳол донишмандларидан бўлган Мавлоно Абдураҳмон ўз хотири садафидан бу тарих гавҳарини чиқариб, назм риштасига тиздилар ва тингловчлар қулоғига тақдилар. Тарих:

Жомий, ки буд монли жаннат, муқим шуд,  
Фи равзатин макраматин арзҳо ус-самоъ.  
Қилки қазо навишт равон бар дари биҳишт,  
Таъриха ва ман дахлату кона омина.

(Мазмуни:

Жомий мойнли жаннат эди — эришди,  
Қарам равзаси арзи самога етди.  
Қазо қалами биҳишт дарвозасига ёзди:  
«Тариха ва ман дахлату кона омина».)

Мавлоно Ҳисомий одамлар сараси вафотига тарих ёзган. Тарих:

Жомий, ки Офтоби сипеҳри камол буд,  
Тасниф карда буд зи ҳар илм беҳасиб.  
Рафт аз миён монд миёну сухан дар он,  
Тарихи фавти хештан «ашъори дилфиреб».

(Мазмуни:

Жомий камолот фалагининг офтоби эди,  
Беҳисоб илмлардан таснифлар қилди.  
Орадан кетди, лекин сухан орасида қолди,  
Вафоти тарихи: «ашъори дилфиреб» (898) бўлди.)

Амири кабир Мир Алишер ул муборак зот вафоти тарихига шундай деганлар. Тарих:

Гавҳари кони ҳақиқат, дурри баҳри маърифат,  
Қ-ў ба Ҳақ восил шуду дар дил намудаш мосувоҳ.  
Қошифи сирри Илоҳи буд бешак з-он сабаб,  
Гашт тарихи вафоташ: «кашфи асрори Илоҳ».

(Мазмуни:

Ҳақиқат конининг гавҳари, маърифат денгизи,  
У Ҳаққа пайванд бўлди, дилда мосувоси қолди.

Илоҳий сирлар қошифи эди, шу сабаб:  
Вафоти тарихи «кашфи асрори Илоҳ» (898) бўлди.)

Фозиллардан яна бири шундай деган:

Ғавси офоқ ҳазрати Жомӣ,  
Қона маколатул-варӣ наворо.  
Инои ёфт аз диёри фано.  
Қард дар қиблан бақо зи раво.  
Солу моҳи вафоти рӯзаш буд,  
Ҳаждаҳуми рӯзи моҳи Ошуро.

(Мазмуни:

Ҳазрати Жомий ер юзи ғавси,  
Фано диёринга йўл топди.  
Бақо қибласини раво билди,  
Вафоти йили, ойн ва кун.  
Ошуро ойининг ўн саккизинчиси эди.

Қутблар қутби Ҳазрати Хожа Аҳрорининг, қуддиса  
сирруҳу, тўнғич ўғиллари Ҳазрати Хожа Муҳаммад Яҳё  
шундай деганлар. Тарих:

Қудван асҳоби дониш мавлави Жомий ки буд,  
Муқтадон аҳли назм, жомеъи фазлу ҳунар.  
Дил гирифт аз меҳнати обоу жаҳонаш лоҷарам,  
Рахт баста қард сўи равзаи ризвон сафар.  
Ончунон дар мотамаш аҳли Хуросон сўхтанд,  
Дар пайи таърихи ў: «Дуд аз Хуросон шуд бадар!»  
(912—14 = 898).

(Мазмуни:

Дониш асҳобининг раҳбари, мавлавий Жомий,  
Назм аҳли пешвоси, фазлу ҳунар хони.  
Жаҳон оталари меҳнати дил олди,  
Юқини бойлаб ризвон боғи сари сафар қилди.  
Унинг мотамида Хуросон аҳли куйди,  
Тарихини изладим: «Дуд Хуросондан чиқди!»)

Унинг шуъласи ёнида, ки у ўта равшандир. «Дуд»  
лафзи ўн тўрт рақамини беради. Ҳар гоҳ Хуросондан  
ташқарига чиқарилади: саккиз юзу тўқсон саккиз, яъни  
талаб қилинган сон боқий қолади.



Ул зотнинг олий ҳимматлари доимо жамоат бинолари учун сарф-харажат қилиш бўлган. Чунончи, Ҳирот қалъасининг ичида олий мадраса бино қилдилар. Ҳирот хиёбонида мадраса ва хонақоҳ, яна Жом вилоятида масжиди жомеъ қурганлар. Ўз мулкларининг кўпини Хиёбон мадрасасига вақф қилган эдилар. Ул зот мақбаралари ёнидадир. Ул мавлолар зубдаси олий мазорлари пештоқи абруйи тепасида шамса ўрнида китоба расмида ушбу матлаъ чекилмишдир. Байт:

Жомий ниҳода чашм ба тоқи мазорн хеш,  
Яъни ба тоқи абруйи ў мойлам ҳануз.

(Мазмуни:

Жомий ўз мазорн нештоқига кўз тикар,  
Яъни унинг қоши тоқига дойим мойилман ҳануз.)

## **МАВЛОНО ШАМСИДДИН ВАФОТИ ТАРИХИ**

Санаи 901 ҳижрий рабшол-аввал ойда (милодий 1495 йил ноябри) Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад вафот этди. У Султон Ҳусайн Мирзо замони фозилларидан бўлиб, Мавлонозода номи билан машҳур бўлган Мавлоно Усмондир. У Ҳирот вилоятидаги Султония мадрасасининг мударрисидир. Қози Ихтиёрдин Ҳасан унинг вафоти тарихига ушбуни назм қилган. Тарих:

Алломаи хиттаи Самарқанд, к-он олим омили ма-  
лакхўй,  
Аз дори фано ба олами қудс зад хаймаву тофт аз  
жаҳон рўй.  
Тарихи вафоташ, эй хирадманд,  
Аз «доишманди муштаҳид» жўй.

(Мазмуни:

Самарқанд шаҳри алломаси, у малак хислатли олимдир,  
Фано уйидан қудс оламида чодир тикдию жаҳондан  
юз ўгирди.  
Унинг вафоти тарихини, эй хирадманд, машҳур до-  
ишманддан сўра.)

Санайи 902 ҳижрий рабиус-соний оий (милодий 1496 йил декабри)да Султон Абу Язид ибн Муҳаммад ибн Музаффар вафот этди. У ҳам Султон Ҳусайн Мирзонинг эътиמודли кишиларидан эди.

Санайи 903 ҳижрий зулқаъда оийнинг иккинчи куни (милодий 1498 йил 22 июнь куни) Амир Ховандшоҳ вафот этади. У «Равзатус-сафо» мусаннифидир.

### **МАВЛОНО ШАМСИДДИН МУҲАММАД РУҲИЙ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Мавлоно Муҳаммад Руҳий, қуддиса сиррухунинг номи мубораки Шамсиддин Муҳаммаддир. Пешвои аҳли замон, олам аҳлининг муқтадоси эди. Ҳамиша ўтмиш толиблари ул ростлар қибласига етишарди. Саодатли ботинидан саодат нурларини иқтибос этарди, кўп му-родларни ҳосил этарди. Санайи 904 ҳижрий муборак рамазон оийнинг авваллари (милодий 1499 йил апрели ўрталари)да бетоб бўлиб, 16 рамазонда шанба куни (27 апрелда) жисмоний олам билан видолашиб, пур-футуҳ руҳи мужаррадлар оламига кўчди. Муборак жа-садини Хирот ийдгоҳига элтиб Мавлоно Саъдуддин Кошгарий, қуддиса сирруҳу, қабри ёнига дафн қил-дилар. Бир неча кун ўтгач баъзи муридлари ўша жой-дан ўтаётиб ул дафн этилган ганчани қазиб олиб, Го-зургоҳда Ҳазрати Ҳақ таоло муқарриби Хожа Абдул-лоҳ Ансорий, қуддиса сирруҳу, мазори ёнига тупроққа тоширдилар. Султон Иброҳим, ўғли Мавлоно Муҳам-мад вафоти куни, оий, йилнинг бир мисрада зоҳир этди-лар. Бундай тарих хили боятда маъқулдир. Тарих:

Он бир, ки сари ишқи ўро,  
Аз айни шухуд буд машҳуд.  
Мансуб ба руҳ дар ҳақиқат,  
У ба нисбат ҳар ду кави мақсуд.  
Шуд сўйи жинои гашт (904) тарих,  
Шанба, ки зи савми шонздаҳ буд.

(Мазмуни:

Ул бир, ки унинг ишқини,  
Айни шоҳидлардан эди кўзга ташланган.  
Ҳақиқатда руҳга мансуб эди,

У ҳар икки мақсад дунёсига нисбатан.  
«Жаннатлар сари кетти» бўлди тарихи,  
Шанба кунн, рамазоннинг ўн олтинчисида.)

Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад вафотига ёзилган та-  
рихнинг яна бири қуйидагича. Тарих:

Шайхи руҳий, ки зи истиҳқоқ,  
Зубдан орифони рӯи замин.  
Қард парвоз аз нишмани хок,  
Руҳи покаш ба авжи алийин.  
«Муршиди аср» буд таърихаш,  
Зи иттифоқоти даҳр гашт ҳамин.

(Мазмуни:

Шайхи руҳий дейилишга ҳақли эди,  
Ер юзи орифлари сараси.  
Ер манзилидан парвоз қилди,  
Унинг руҳи поки осмон авжига.  
Тарихи «Муршиди аср» (904) бўлди,  
Даҳр бир оғиздан шунга келишди.)

Бошқа бири ушбу тарихни назм қилган. Тарих:

Оҳ, қудван нақшбандиён ку?  
Аз дили ҳама ғайри нақш ба зуд.  
Ҳам тарки калом гўшан фақр,  
Дар олами фақр бар фалак суд.  
Руҳе, ки ба қабр дар фано гашт,  
З-ў нисбати исми расми мафқуд.  
Мустағрақи баҳри нести лек,  
Аз базми шухуд гашта машҳуд.  
З-ин танги қафас намуд парвоз,  
Руҳаш ба фазон қуде олуд.  
У муршиди аср буд аз он шуд,  
Тарихи вафоташ ончи ў шуд.

(Мазмуни:

Оҳ, нақшбандийлар сарвари қани?  
Барчанинг дилидан ғайри нафслар арди.

Ҳам фақр бурчагидаги тарки калом,  
Фақр оламида баҳра фалаки устида.  
Қабрда, фанога айланган руҳ,  
Ундан йўқолган исму расм.  
Лекин йўқлик денгизида ғарқ,  
Шоҳидлар базмидан кўриб билгани.  
Бу тор қафасдан парвоз айлади,  
Қудсий фазога руҳи унинг.  
У аср муршиди эди, шундан,  
Вафоти тарихи «ончи ў» бўлди.)

Санайин 904 ҳижрий (милодий 1498/99) йил эди.  
Амири кабир, хирадманди соҳибтадбир Мир Алишер  
Ҳирот вилоятида бир масжид бино қилди. Ҳақиқатда  
ҳам файз таъсир ердаги маъбад орифлар сийнаси сат-  
ҳидек равшан ва мусаффо, қурилиши қондаларининг  
мустаҳкамлиги содиқлар эътиқоди қулдек пойни бар-  
жо қўйган; минбарининг курсибанди арши азимдан бир  
печа поя баландроқдир. Меҳробининг сурати сажда  
аҳли абруси ишорати билан таъзим рукуъида.

Чи масжид қиблаи арбоби ҳожот,  
Ибодатхон аҳли харқи одат.  
Чу байтуллоҳ аз рӯи иродат,  
Ниҳода халқ ҳар сў рӯ ба тоат.  
Футуҳ аз мабдаъ файёзи омаст,  
Ки ҳар дарвозааш бобус-саломаст.  
Зи рӯи файзи рифъат ҳамчу минбар,  
Зи масжидҳост чанди поя бартар.  
Агар ин сангин бино аз обу хокаст,  
Зи ҳасрат хонаи шайтон хароб аст.

(Мазмуни:

Масжид эмас, ҳожат арбобининг қибласидир,  
Хориқи одат аҳлининг ибодатлари.  
Иродат юзидан Байтуллоҳдекдир,  
Халқ ҳар тарафдан келиб тоатга юз қўюр.  
Файз келтирувчи омма мурожаатгоҳи,  
Ҳар дарвозаси саломатлик эшигидир.  
Олий файз юзасидан минбардек,  
Масжидлардан бир печа баланд поялар.

Бу тош бино сув ила хокдан бўлса-да,  
Ҳасратдан шайтон уйн харобдур.)

Эҳтимом юзасидан Мавлоно Дарвешали, ки ул зот-нинг мавлоларидан эди, бу олий масжидга лойиқ тарих битди. Тарих:

Тарихи имораташ агар меҳоҳи,  
Арқоми аносраст сифри афлок.

(Мазмуни:

Иморати тарихини истасанг,  
Фалаклар бўшлиғи унсурлар рақамдир.)

Талмиҳ қондасига кўра «афлок» сўзи рақами тўққиз ва рақамларни тартиби тариқи билан мулоҳаза қилинади. Ночор 904 рақами келиб чиқадики бу айни мақсаддир.

## АМИРИ ҚАБИР МИР АЛИШЕР ТАРИХИ

Суханоройлик иқлимнинг султони Низомуддин Амир Алишер, ки тахаллуси Навоӣдир, Султон Ҳусайн Мирзо салтанати даврида вазирлик мансабидан амирлик мартабасига етган эди. Аммо вазирлик ишларида шу даражада маҳоратга эга эдики, собит тадбири билан давлат оинаси юзидан кудурат зангини аритди. Ақли ва тажрибага бойлигидан Аторуд дабири ундан сабоқ устига сабоқ оларди. Қитъа:

Ҳарирн килкаш дар кашфи мушкулоти жаҳон,  
Чунонки нағман Довуд дар адон Забур.  
На дар ҳадиқан фикраш вазида боди ғалат,  
На дар саҳфан иззаш ишшаста гарди футур.

(Мазмуни:

Қаламнинг ҳарирн жаҳон мушкулларини кашф этишда,  
Шу даражада, ки Довуд нағмасидек Забур хатмида  
Фикрининг гулзорида ғалатлик шамолн эмаган,  
Иззати саҳифасига футур чанги ўлтирган эмас.)

Шайх Низомий Ганжавий «Хамса»сига туркийда жавоб ёзди. Қуйидаги икки байт ўша «Хамса»дадир, ки Шайх Низомий «Махзанул-асрор»и унда назарда тутилган. Маснавий:

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,  
Қўлдаса Хусрав билла Жомий қўлум.  
Каҳфи бақо нчра олар бўлса гум,  
Ман ҳам ўлай робуҳум калбуҳум.

«Мажолисун-нафойис» номи билан юритиладиган тазкиратуш-шуароси ҳам бор. Девон тузганлар. Бир неча рисола ҳам ёзганлар, ки шуҳрат топгандир. Аммо санайи 906 ҳижрий мушарраф барот ойининг авваллари (милодий 1501 йил март ойи бошлари)да унинг ҳаёти рўзномасини фарди ботил сингари кеча ва кундуз дафтаридан чиқариб ташлади; унинг аъмоли варақлари ва афъоли рақамлари жузвларини «Иннамо ҳисобҳум инда рабихум» девонгоҳига элтиди. Амири Кабирнинг валодатлари санайи 844 ҳижрий (милодий 1441) йилда. Ул зотнинг қабри ўзлари бино қилган Масжиди жомеъ ёпидадир.

Ҳирот доруссалтанасида замон фозилларининг ҳар бири лойиқ тарихлар битдилар. Шу жумладаи Аминий таҳаллусли Султон Иброҳим бу тарихни битган. Тарих:

Мири динпарвар Алишер он, ки буд,  
Ақлу дониш, мулку миллатро паноҳ.  
Дар ҳидоят ҳодии роҳи Худо,  
Дар вилоят волни дини Илоҳ.  
Оқибат з-ин тангно омад батанг,  
Шуд сўи Фирдавс бошад иззу жоҳ.  
Дар жинон жустанд аз таърихи ў,  
Гуфт равопаш вилоят интибоҳ.

(Мазмуни:

Динпарвар Мир Алишер,  
Ақлу дониш, мулку миллат паноҳи эди.  
Ҳидоятда рост йўл ҳодийси эди,  
Вилоятда (валлийликда) дини Илоҳ воллийси.  
Оқибатда бу тор дунёдаи ҳоли батанг бўлди,  
Жаннат боғи сари иззат ва ҳурматда жунади.  
Жаннат боғларидан унинг тарихини изладилар,  
Унинг боғи деди: «вилоят интибоҳ» (906).)

Муҳаммад Шоҳ ибн Ховандшоҳ бошқа бир тарих битганлар. Тарих:

Жаноби амири ҳидоятпаноҳ,  
Ки зоҳир аз ў ғашт осори раҳмат.  
Шуд аз хор-зори жаҳон сўи боге,  
Ки он жо шугуфтаст гулзори раҳмат.  
Чу нозил шуд анвори раҳмат ба рухаш,  
Бижў соли фавташ аз анвори раҳмат.

(Мазмуни:

Жаноби ҳидоятпаноҳ амир,  
Ундаи раҳмат асарлари зоҳир бўлди.  
Жаҳон хору зорлигидаи боғ сари жунади,  
Ул жойда раҳмат гулзори очилган эди.  
Рўҳиға раҳмат нури нозил бўлди,  
Вафотлари йиллини «анвори раҳмат» (906) идан изла.)

Фозиллардан яна бири шундай назм деган. Тарих:

Мири хуршидсифат Мир Алишер, ки ў,  
Рахт бар баст аз ин зовияи пурмеҳнат.  
Соли тарихи вай аз манзили ў пурсидам,  
Омад овози фирдавс, ки: «Жаннат, жаннат!»

(Мазмуни:

Мири хуршидсифат Мир Алишер,  
Бу азобли дунёдан кўчини тугди.  
Унинг манзилидаи вафот тарихини сўрасам,  
Жаннат боғидан овоз келди, ки: «Жаннат, жаннат!»  
(906).

Яна бири шундай битадн. Тарих:

Буд Қайхусрав дар иқлими сухан,  
Ғашт аз он таърихи у Қайхусрави.

(Мазмуни:

Сўз иқлимида Қайхусров эди,  
Шундан унинг вафоти тарихи: «Қайхусравий» (906)  
бўлди.)

## МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН ДАВВОНИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Азаматлик авжи буржининг нур сочувчиси, фазлу афзал осмонининг офтоби, донишу камол фалагининг офтоби, иқбол осмонининг пурнур куёши алломайи Даввоний Мавлоно Жалол санайи 830 ҳижрий (милодий 1427) йили йўқлик мулкининг жаҳолатободидан шаҳар доруллимига вужуд ва зуҳур этди. Чунончи, ул уламо чашму чароғи, фузало нури дийдаси бир кўз нури ўғил кўрди. Тарих:

Тарихи зуҳури он ягона.  
Шуд қурратул-айн дар замона.

(Мазмуни:

У ягона зуҳурининг тарихи.  
Замонада «қурратул-айн» бўлди.)

Ул камолот мажмаъи, муниус-саодатининг ҳаётни муддати етмиш саккиз йил бўлди. Ул айёмда талабада ул икбир хосиятли суҳбатидан тўла баҳрамандлик ҳосил бўларди; ҳар бирининг вужуди мисл риёзати курасидан олий навли холис олтиндек бўлиб чиқарди.

Ул одамлар алломасининг мусаннафотлари кенг шуҳрат тонди. Аммо, ҳаётининг дафтари жузвлари хотимага етгач, санайи 909 ҳижрий (милодий 1503/1504) йилда умри китобининг варақлари шерозаси бўшадди. Айни шу санада Жамшид мартабали, анжум сипоҳли подшоҳ, хоқони соҳибқирон Шайбони Муҳаммадхон Самарқанд вилоятини гасарруф этиб жўнаш жиловини уммул-билод Балх сари бурган эдилар. Андак саъй ва беқиёс ҳиммат кўргузилгандан кейин фатҳу зафар байроғи кўк чархи узра порлади. Узбекларнинг қора удуми ғорату торождан сўнг ул маъмура ва обод жой андак фурсатда ғазаб оташи ва шамшир тобидан қора тупроқ билан баробар қилинди. Мулкни фано шамолга топширдилар. Ўша асрда ул ўлка донишмандларидан бири бир муносиб тарих битган.

Муҳаммадхон чу аз Омуйя бигзашт,  
Шароби айши аҳли Балх шуд талх.





ХАЗРАТИ ШОҲ ҚОСИМ АНВОР



МАВЛОНО ҲАСАН ҚУБРАВИЙ



ПАХЛАВОН КОТИБИ





МАВЛОНО ШАРАФУДДИН АЛИ ЯЗДИЙ



КОША АХ



ХАЗРАТИ МАВЛОНО АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ



АМИР КАБИР      ШИРКАВ ОЙ



Тамоми шаҳр вайрон гашт аз жанг,  
Аз он тарих шуд вайронни Балх.

(Мазмуни:

Муҳаммадхон Омударёдан ўтиши билан,  
Балх аҳолисининг айш шароби талх бўлди.  
Жанг натижасида бутун шаҳар вайрон бўлди,  
Шунинг учун тарихи: «вайронийи Балх» бўлди.)

Айтишларича Балх вилояти тўртинчи иқлимда жойлашган. Аксар муаррихларнинг таъкидича, Балх шаҳрини аввалги бинно, баъзилари муқаддима дейдилар. Баъзилар қадимги Бобилни дейдилар.

### МАВЛОНО МУИНИДДИН ФАРОҲИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Мавлоно Муиниддин ал-Фароҳий ҳақойиқ нурулари хазинаси, турли дақойиқлар румузининг огоҳи бўлиб, султоннишон, Жамшид мартабали шоҳ Искандар фармон Султон ибн Мирзо Мансур ибн Бойқаро кўрагон давлати замонда аҳоли орасида эъзозли киши эди. Сўз поясининг баландлик мартабасини иқбол меърожига етказди. У некахлоқ зотининг таълифу таснифлари жуда кўндир. Шулардан китоблар жамъи бўлиб, «Сийяр» номи билан машҳур. У олти рукидан иборат. Биринчи руки ҳазрати Раббул-оламин таҳмидотидан иборат. Иккинчи руки ҳазрати Саййидул-мурсалин, пайгамбарларнинг сўнгиси мўъжизаларидан. Қолган рукилар ҳазрати анбиё ва расули акрамул-ул-акрамайи ва дин асҳобининг, ризвоноллоҳу алайҳим ажмаъийн, ажойиб ва гаройиб воқеалари тўғрисидадир. Бу китоб ул рўзи машҳар сарвари ишорати билан ёзилган эди. Алҳақ, унинг латиф лафзлари келини камолот жилвагоҳида миғлаб таҳсинлар ва шариф маънилари шоҳиди сабабидир. Ҳарфлари салмоғи таҳсинга лойиқдир. Иборатлари гайбий воридотлар ва истиоралари киритилгани билан шубҳасиз пардали экаплигидандир. Ҳар бир фасли орифлар қалби бобларини очувчи, ҳар бир боби содиқлар сирлари китобининг бир фаслидир; байтларининг рукилари каъбайи мақсад, лафзлари саводи мастур «Равзатул-аҳбоб»дан олинган варақлар

боғининг ҳажарул — асвадидир; ҳақойиқда саҳифалари «Ҳадиқатул-асҳоб»дир.

Аммо, ул нексийратнинг умри китоби тамом бўлиб, ҳаёти, дафтари хотимасига етганда санайи 909 ҳижрий (милодий 1503/1504) йили аъмол котиби ўз қаламини унинг аҳволи жаридасидан тарк этди; ҳаёти рўзномаси хотималанди. Наъши Ҳазрати Хожа Абдулла Ансорий, қуддиса сирруҳу, фойизул-анвор мозорига дафн этилди. Фозилларнинг баъзиси Мавлоно вафоти-га таърих айтганлар. Тарих:

Дариғо, аз он қутби некўсияр,  
Ки огоҳ буди з-сирри ҳақойиқ.  
Ба зоҳир, ба ботин чи ҳолу қол,  
Зи ақрону амсол мумтоз фойиқ.  
Ба иршоди афзалу тақво ягона,  
Ба таъзиму такриму тамҳиди лойиқ.  
Иморати фаҳме, ки аз рӯи дониш,  
Ё бувад осон румузи дақойиқ.  
Муъини халойиқ, чу мебуд, гардид,  
Ва тарихи фавташ: «Муъини халойиқ».

(Мазмуни:

Дариғо, ки ул қутби нексийрат,  
Ҳақойиқ сирридан огоҳ эди.  
Зоҳиру ботинда, ҳолу қолда ҳам,  
Яқинну тенгқурларидан мумтоз эди.  
Ягона тақвога фозиллар иршодига,  
Таъзиму такримда, лойиқ мадҳ айтарди.  
Дониш юзасидан фаҳмлагани ишорати,  
Ёки дақойиқ рамзлари унга осон эди.  
Халқ ишончи эди, энди, шундай бўлиб қолди.  
Вафоти тарихи: «Муъини халойиқ» (909) бўлди.)

Мазкур (909 ҳижрий — 1503—1504 милодий) санада Султон Ҳусайн Мирзойи Бойқаро салтанати айёмида мавлоно Қамолиддин Воизнинг шавкатли фарзанди Мавлоно Фаҳриддин Али «Рашаҳот» номли фойизил-баракот китобини, ки қалам томчилари туфайли гавҳар сочувчи уммонга—дарёга айланди, таълифига, ўзи шу китобига тарих назм қилди. Тарих:

Омад рашаҳоти мо касирул-баракот,  
Чун оби ҳазари мунфажир аз оби ҳаёт.

Ёбанд муҳосибон на санжида сифот,  
Тарих тамомаст аз ҳуруфи рашаҳот.

(Мазмунн:

Томчиларимиз касирул-баракот бўлди,  
Оби ҳаётдан чиққан сувдек.  
Ҳисобчи муҳосиблар топулар.

Тамомат тарихини «Рашаҳот» (909) ҳарфларидан.)

Мавлоно Фахриддиннинг таълиф этган асарлари кўпдир. Назму насрлардан «Маҳмуд ва Аёз» манзума-сидир. Ул фан нодирасининг дафн этилган жойи Ўба вилоятдир.

## МАВЛОНО ҲУСАЙН ВАФОТИ ТАРИХИ

Мавлоно Камолиддин Хусайн ибн Али ал-Воиз ал-мутахаллис ба Қошифий сўз қадрининг пояйн мин-барини гардун авжига етказди. Маоний шоҳидларига лафзлар матоси оҳорли хилъатларини кийгизди. Суҳбатдошлар маҳфилнинг чароғи, меҳроб қандили шамъининг мақоли овози фалаклар гумбазига садо берди. Ҳол галабасидан дил мосуводан ариди. Ул хайрул-воизни ҳама вақт насихат дурлари, панду маъвиза жавоҳирлари билан хирадманд сомеълар қулоғини безатиб келди. Уламоий киром, фузалойи зулэхтиром, балки барча одамлар кўпинча ул зотнинг икбир хосиятли мажлисларига етишини орзусида эдилар. Ул мазҳари биниш илми дониш ва ишшода бемисл эди. Бошқа илмларда ҳам шу хилда тенгсиз эди. Унинг фойизул-баракот асарларидан «Жавоҳирут-тафсир», «Мавоҳиби алайҳи», «Равзатӯш-шуҳадо», «Анвори Суҳайлий» ва «Махзанул-ишшо», «Ахлоқи Муҳсиний» ва «Ихтиёрот» эди. «Тафсир» ва «Мавоҳиби алайҳ» китобларининг ёзилиш тарихини унинг тўнғич ва аржуманд ўғли Мавлоно Фахриддин Али мушкин ҳидли қалами билан рақам қилган. Тарих:

То хомаам ин нома ба иқбол навншт,

Иқболи сухан бо юмнул-фол навишт.  
Гуфтам маҳу солу рӯзи тарихи хеш,  
Филҳол дуввӯм зи шаҳри шаввол навишт.

(Мазмуни:

Қаламим бу номани иқбол билан ёзгунча,  
Сўз иқболи яхши фол билан ёзди.  
Ойу йили кунининг тарихини ёздим.  
Дарҳол шаввол ойининг иккиси, деб ёзди.)

Бу тарих 809 дир. Насиҳат гавҳарлари билан тўла, ҳар сафҳаси ҳикмат жавоҳири билан йўғирилган сафина ҳисобланмиш «Анвори Суҳайлий» китоби санайи 905 ҳижрий (милодий 1500) йили ёзиб тугалланди. Иборатлари ҳусни маъно лаъллари билан мубайян, калималари чеҳраси таҳсин зевари билан музайян бўлган «Ахлоқи Муҳсиний» китобининг ёзиб тугаллангани тарихини мусаннифнинг ўзи ёзганди.

Тарих:

Бо хома гуфтам: эй, кн зи сар сохта қадам,  
Дар мақдами ту чашми сухан ёфт равшани.  
«Ахлоқи Муҳсини» батамом навишта шуд,  
Тарихиҳум навис: «Ахлоқи Муҳсини».

(Мазмуни:

Қаламга дедим, эй боши билан қадам босган,  
Қадамингдан сўз дидаси равшанлик топди.  
«Ахлоқи Муҳсиний» ёзиб тамомланди,  
Унинг тарихини «Ахлоқи Муҳсиний» ёзгин.)

Хуллас, ул сухандони нодиранинг аҳд этилган ажал муқтазоси етиб, санайи 910 ҳижрий рабиюлаввал ойининг охирлари (милодий 1504 йил сентябрь ойи бошлари) да изҳор лабига хомушлик муҳрини босди ва охира оламини манзил этди. Тарих:

Носиҳи халқ буд дар ҳама ҳол,  
«Носиҳул халқ» гашт тарихаш.

(Мазмуни:

Барча ҳолларда халқ насиҳатчиси эди,

Вафоти тарихи: «Носихи халқ» (910) бўлди.)

Наъши Ҳирот вилоятида дафн этилган. Балоғатосор-шеърларидан ушбу матлаъни табаррук ва ёдгор тарзида келтирилди. Матлаъ:

Сабзхато зи мушки тар ғолня бар суман мазан,  
Сумбули тободаро бар гули настаран мазан.

(Мазмуни:

Эй сабзхат, суманга мушки тардан ғолня урма,  
Этилган сумбулни настаран гулига урма.)

### **МАВЛОНО АБДУҒАФУР ВАҒОТИ ТАРИХИ**

Мавлоно Абдуғафур Мавлоно Жомийнинг етук шо-гирдларидан, эътиборли муришларидан эди. Камолот мазҳари бўлган бу зотга Мавлоно доимий илтифот на-зари билан қарар эдилар, қалблар миръоти файз муас-сир хотир сафҳалари нурлари партавидан шухрат тои-ган эди. Ул ақойид хулосасининг сўзсиз ўз ақидалари ҳам мавжуд эди. Токи ул ҳазрат хизмати сулуки йўли-дан бир лаҳза бўлса ҳам четга чиқмагайлар. Ул соҳиб-илм ишоратларидан илм қонунни усули шубҳаларини кўрашиб қўлга олдилар. Хусусан илми арабиятда ул зот ёнида обрўда эдилар, ки ҳеч ким ул одамлар сара-си мўжаз каломида лом-ним деяолмасди. Ул зотнинг касирул-баракот таснифлари кўндир; жумладан ўз мах-думлари «шарҳи»га ҳошия ёзган эдилар, ки халқ ора-сида катта шухрат тоинди. «Нафаҳотул-унс» тақми-ласи ҳам шул зот қаламига мансуб. Аммо, ваъда қилин-ган вақт келганда, санайи 912 ҳижрий (милодий 1506—1507) йилда Суруш «Хувал-Ғафур»ини дили қулогига етказди ва руҳ улфати шерозасини таи китобхонасидаи олиб кетди. Илм жавоҳирига тўла сийна сандиғини туп-роқ дорул-ҳужраси хазинасига тоширди. Мавлононинг вафоти тарихини баъзи фозиллар шундай ёзганлар. Тарих:

Чу шуд Абдулғафур з-он комили аср,

Ба уқбо гарқан дарён урфон.

Ту хоҳи рўзу моҳу соли фавташ,

Бигў: якшанбаву панжум зи шаъбон (912).

(Мазмуни:

Ул аср комилидан Абдулғафур ҳосил бўлгач,  
Охиратда урфон дарёсига гарқ бўлди.  
Вафоти йили, оий ва кунини истасанг,  
Дегил шаъбоннинг бешинчиси, якшанбада.)

Бу тарихда кун, ой ва йилни «яқин» қилдилар. Бу аҳли тарих бадийаларидандир.

### **МАВЛОНО ФАСИҲИДДИН ВАФОТИ ТАРИХИ.**

Уша даврда жаноби мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Ҳирот вилоятида улуғ насаблик ва ҳасабда замон аҳли мумтози эди. Риёзий ва ҳукмий илму фанларида даврон фозилларининг саромади эди. Жаноб хазрати султоннинг муқарраби Амири кабир, сойибтадбир Мир Алишер Навоий шоён эътибор бўлган кўплаб китобларини Мавлоно Фасиҳиддин шоғирдлигида мутолаа қилганлар. Шундан баҳраманглик ҳосил қилганлар.

Жаноб Фасиҳиддин санайи 919 ҳижрий (милодий 1513) йилда «каломулмавт боби кулли нафси дохилҳо» мазмунича муқаддас руҳи танининг тўрт руқли хонасини тарк этди. Таважжуҳ юзини охират доруссаломи сари бурди. Мавлоно Фасиҳиддиннинг балоғат таъби суви натижаларидан «Ҳашияи Ҳидоя», «Ҳикмат», «Ҳошияи тазкира», «Шарҳи арбаин», «Шарҳи миъат омил», «Ҳошияи мухтасар» ва бошқалардир. Бу мусаннифотлар фозиллар орасида машҳурдир, талабалар улар мутолаасидан масрурдирлар.

### **МАВЛОНО РИЁЗИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Мавлоно Риёзий Зовадандир. Зова Хуросон вилоятининг бир қасабасидир. Ул зоти олийжоҳ, подшоҳ анжум Султон Ҳусайн Мирзо салтанати айёмида шу қасабаси қозилиги билан қариндошлари орасида имтиёзга эга эди. Узининг адолат маҳкамасида низоларни дафъ этувчи ҳукми билан тўрт унсур орасидан кўтарилди. Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан сўнг бир неча вақт шоҳ Исмоил хизматида бўлди ва фозиллар қа-

торида катта эътибор топди. Шоҳ Исмоил амри билан замон фатҳлари тарихини у назм силкига тизиши лозим эди. Қитоб муқаддимаси ҳали ёзиб тугалланмаган ҳам эди, ки ҳаётдан дафтари шерозаси ўз-ўзидан сўкилди, турмуши варақлари санайи 921 ҳижрий (милодий 1515) йилда фано шамолида совурилди. Бу мақтаъ унинг девонидандирки ҳўб воқеъ бўлубдур. Мақтаъ:

Рафт бечора Риёзи, ба таманно рахт,  
Бурд меҳру маҳ рухсори ту кўзаш пур нур.

(Мазмуни:

Бечора Риёзий кетди, кўчининг умидида,  
Ойю, қуёшдек юзинг, кўзинг нурга тўлуғ.)

Ул зотинг ёши саксонга яқинлашган эди. Ушбу байт ўша «Тарихи футуҳот» маснавийсидандир, ки тоғ таърифидадир. Маснавий:

Уқобаш зи жади фалак бурда ком,  
Палангаш зи хуни малак хўрда шом.  
Фалак монанди сабзаи пиромунаш,  
Шафақ дашти аз лола доманаш.

(Мазмуни:

Унинг бургути фалак эҳкисидан насиба оларди,  
Қоплони малак қонидан шомлик қиларди.  
Фалакдек атрофи сабззордир,  
Шафақ даштидек этаги лолаларга тўла.)

## МАВЛОНО БИНОИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Мавлоно Биноийнинг асл тугилган жойи Ҳирот вилоятидир. Отасини Усто Муҳаммад Сабз дейишган. Меъмор бўлгани учун Биноий таҳаллус қилди. Ўзи яна сўз қасри руқналарининг моҳир устои эди. Қудрат қўли фалак корхонаси рангини тўкмагай, ундай бунёд асосли бинони бирор киши кўрмагай. Фитрат муҳандиси тўққиз тоқлик фалак остида муқарнас яшашда бундайн маъно қондаларидаги устодликни ҳеч ким эшитмаган. Лафз жузвлари устухонбандини унингдек чолоклик

билан қўёлмасди. Байтлар қондаси асосининг гулдас-тини ҳеч ким унингдек дастур била боғламаган. Замо-насининг фозиллар зумрасида Султон Ҳусайн Мирзо Қўрагон суҳбатига доиман бўларди. Ҳирот вилоятидан Мовароуннаҳр сари жўнади ва Самарқанд подшоҳи Султонали Мирзо ибн Султон Мирзо хизматида бўлди. Бу ерда Шайбоний Муҳаммадхон ибн Будоғ Султон-нинг ўша юртга истилосигача турди. Шайбоний уни Мовароуннаҳр маликуш-шуароси мансаби билан сараф-роз этди. Бир дафъа Шайбонийхон ҳамроҳлигида Са-марқанддан Хуросон мулки сари жўнади. Яна амирлар туфайли ул зотдан норози бўлиб зарурат юзасидан Мовароуннаҳрга қайтдилар ва Қарши вилоятини ихти-ёр қилдилар. Шоҳ Исмоил хуруж қилиб, Шайбони Му-ҳаммадхон шаҳодатидан сўнг Хуросон мамлакатини бўйсундирди. Узининг вазири аъзами Нажми Сонийни Мовароуннаҳрга жўнатди. Биринчи бўлиб Нажми Со-ний Қарши вилоятини истило қилди. Баъзиларнинг ёзи-шича, вилоятда қатлиом этишга фармон берганда маз-кур санада ўша қазо парчами қаҳрамонининг қатли оми пайтида Биноий ҳаётининг қасри вайрон бўлди. Баъзиларнинг ёзишича, санайи 932 ҳижрий (милодий 1526) йили ўлим сарсари Биноийнинг унсури тўрт де-вор жисмини қора тупроқ ила баробар қилди.

## ХОЖА АБДУЛЛА МАРВАРИД ВАФОТИ ЗИКРИДА

Хожа Шамсиддин Абдулла Марваридки маънолар денгизи гавҳарининг ғаввоси ва Хожа Муҳаммад Қир-моний садафнинг дурларидандир; гоҳида унинг фикрий даҳоси ва андеша шеър баён матлаблар лаъллари ва мақсадлар жавоҳирини тоза саҳифага қададики, фасл жавҳарийлари ва ақл хўрдабаёнлари юзлаб рангли қуроқлар билан жилва бердилар. Гоҳида унинг табъи ғаввоси маънолар иззат дурларини обдор шеърлар баҳрларидан мисоли дурри максундек изҳор соҳилига чиқарур эрди. Ингитлик айёмида Жамшид мартабали анжум сипоҳ, раиятпаноҳ подшоҳ Султон Ҳусайн Мир-зо Бойқаро мулозаматида садрлик мансабига сарафроз бўлмиш эди. Ул иззу жоҳ, иззатталаб султон салтана-ти охиригача шу мансабда турди. Султон мастлик кўч-кўрангини охираат дорулмулки сари элтгач, ул зот «Аш-шарти офату валҳумули раҳату» мазмунига амал қи-



либ, гўшанишинликни ихтиёр этди. Шоҳ Исмоил Хурсонни забт этган вақтда хожани бедараклик кунжидан фасллар садрига чиқардилар. Аҳволи чеҳрасига қабул рақамини чекдилар. Санайи 922 ҳижрий (милодий 1516) йилда унинг ҳаёти назмининг шерозаси баҳс силсиласидан сочилиб, ҳаёти девонининг варақлари банди-бандидан узилди. У Ҳирот вилоятида дафн этилди. Ул зот табъи натижаларидаи ғазаллар девони ва қасидаларидир. Бошқа бир китоби «Мунис ул-аҳбоб» деб аталади. Ушбу рубоий ўша китобдандир. Рубоий:

Ё раб, ки маро суҳбати жон бе ту мабод,  
В-аз ҳастии ман ному нишон бе ту мабод.  
Анжони замона як замон бе ту мабод,  
Кўтоҳ кунам саҳни жаҳон бе ту мабод.

(Мазмуни:

Ё раб, жон суҳбати сенсиз ўтмагай,  
Борлиғимдан ному нишон сенсиз қолмагай.  
Бир дам ҳам замона сенсиз тинчимагай,  
Қисқаси жаҳон саҳни сенсиз қолмагай.)

Унинг «Муншоот» китоби бугунги кунда иборатларининг хушлиги билан қалам аҳли орасида шухратга эга. Яна «Таърихи Шаҳаншоҳий»си ҳам барчага мақбулдир. Ушбу байт ўша китобдандирки жанг таърифида айтилган. Маснавий:

Ба фарқи ялон тигро ҳамдаме,  
Чу мадди алиф бар сари одаме.

(Мазмуни:

Одам бошига алиф қўндиргандек,  
Ботирлар фарқига тигни ҳамдам этди.)

Ул зотнинг бошқа таснифотларидан «Хусрав ва Ширин»дир. Бу бир неча байт ўша китобдандир. Маснавий:

Жамолаш мусҳафи асрори сухун,  
Нахустин ҳарф бар вай сураи нун.  
Чи бошад ўсма дар он абруи санг,  
Буррон аз гунаҳ қавси қузаҳ данг.

Ду чашми ў зи масти фитнаангез,  
Ба каф дорад зи мижгон ханжари тез.

(Мазмуни:

Унинг жамоли сўзлар сирлари мусҳафи—  
«Нун» сураси унинг устидаги биринчи ҳарф.  
Ул тошкесар қошдаги усма қавси қузаҳ  
Мастликдан икки кўзи фитна қўзғайди.  
Қўлида мижгонидан ўткир ханжари бор.)

### ХОЖА ОСАФИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Хожа Осафий Хуросон мулкининг вазирзодалари-  
дандир. Отаси Хожа Наъимуддин Неъматуллоҳ Султон  
Абусаъид ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳнинг  
вазири эди. У Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг  
вазири Мавлоно Абдулалининг фарзанди эди. Ул зот  
шунинг учун Осафий тахаллус қилган эдики, у латофат  
ва позиктаъбликда ягона, зеҳни ўткирлик ва идрокда  
тенгсиз эди. Фозиллар кўзининг мардуми, идрок си-  
пехрининг нартави. Унинг назми лафзлари жавоҳир  
шодасидек ташқарида мунтазам ва равшан, насри ибо-  
ратлари лаъллари шўхликда Тойир насри бирла ҳам-  
парвоз, яқгулшан, Маснавий бўстонида мисра сарвла-  
ридан маънолар шоҳидларининг чехрасини очди. Фа-  
зал гулистонида тоза мазмунлардан беандоза ранго-  
ранг гуллар кўргузди. Унинг табъи равон зилолидан  
чаҳорчаман нозукликда ва очилган гулзори олти жи-  
ҳатдан етти иқлимда баланд овозалик мақомидадир.  
Ул андалиб қафаси навосига ҳаёт баҳорининг мамот,  
хазони сарсари етиб, барот ойининг иккинчи куни (ва-  
фот этди.)

### УМИД ШОИРНИНГ ВАФОТИ ТАРИХИ

Мулло Умидий шиъа султонларининг маддоҳи эди.  
Туғилган жойи Техроннинг бир қасабасидир. Або ва  
аждоди шу вилоят пешволаридан эди. Унинг исми  
Масъуд. Умидий унинг тахаллусидир. Аммо Техрон Рей  
вилоят аъмолидандир. Айтишларича, Рей қадимги ша-  
ҳардир. У Форс булуги бўлиб Хуросоннинг мустаҳкам

қалъаларидандир. Тарих асҳоби дейдиларки, бир неча бор бу шаҳарни қатли ом қилишган, zilзиладан вайрон бўлган. Яна қуришган. Абу Жаъфар Далқий ҳукумати замонида шаҳар биринчи бор бино этилган. Умидий Шоҳ Таҳмос давлати замонидан Шоҳ Исмоил салтанати айёмигача Хуросон мамлакатида маликуш-шураролик мансабида сарафроз ва яқинлари орасида мумтоз эди. Фазилат бобида у марсия, тўртинчи иқлимда тенгқурлари орасида сайёралар подшоҳидир. Ул фалак рутбаликнинг дониши баландлиги шу даражададирки Жожарм ойи Анворийни нодонлик чоҳи қаърига ташлаган эди. Ҳалоқийки файз нурларини ул камол осмони хуршидидан олган эди, шаҳарларда яккаланиб қолди. Қасидалари матлаъи қораламаси субҳи анвар оқлигидек. Ҳар мисраси саодатли юлдузлар қиронига баробар. Матлаъи ҳусни офтобдирки, шараф уйида чароқлаган. Ҳазалининг шоҳбайти маъно гавҳарларини лафз садафи қўйида парваришларди. Ул зот Эрон султон ва амирлари мадҳида ўн саккиз қасида ёзганлар. Уларни ўн саккиз минг олам дейишади. Унинг мамдуҳларидан бири Нажми Сонийдирки, унинг мадҳида биринчи бўлиб қасида ёзган. Бу байт ўша қасидадандир. Байт:

Нажми Сони, ки набошад ба ду кавнаш сони,  
В-ар бувад сонияш Аллоҳи таолоҳи аълам.

(Мазмуни:

Нажми Соний икки оламда соний эмас,  
Бўлганда ҳам ундан Аллоҳ билимдонроқ.)

Зафарли Ироқ ва Хуросон лашкари Шоҳ Исмоил амри билан Қарши водийсини саҳрога айлантирганда Нажми Соний ул беҳисоб лашкарнинг сардори эди. Уша маҳшардек фурсатда хони Соҳибқирон, Хуршид ақрон Убайдуллоҳоннинг зафарли аскарлари Нажми Сонийга яқинлашди. Муҳораба асносида ул сайёраин Зузанабки шиъа шайтонлари лашкари эрди, қазо лочини ўзининг ўтқир ўқлари билан осмон мартабасидан безътиборлик тупроғига ташлади.

Умидий шу ҳодисадан етти йил ўтгандан кейин сана-йи 925 ҳижрий (милодий 1519) йилда ҳаёти қасидасининг туморини мамот харитасига хатм этдилар. Ул зот

қатлини нурбахшиён жамоасига нисбат берадилар.  
Одамлар афзали мавлоно Номий Теҳроний бу қитъани  
Умидий вафотига ёзганлар. Тарих:

Нодирул-аср Умидий мазлум,  
Ки бано ҳақ шаҳид шуд ногоҳ.  
Шаб ба хоби ман омад фармуда.  
Қ-эй зи ҳоли даруни ман огоҳ.

(Мазмуни:

Аср нодирн Умидий мазлум,  
Ноҳақ ногоҳ шаҳид бўлди.  
Тушумда у менга келиб, деди,  
Эй, менинг кўнглим ҳолидан огоҳ бўл.)

Баҳри тарихи қатли ман бинавис,  
Оҳ аз ноҳақи ман, оҳ! (925)

(Мазмуни:

Менинг қатлим тарихини ёз,  
Оҳ ноҳақ қонимдан, оҳ!)  
Хуросон мулкида дафн этилган.

## МАВЛОНО ФИҒОНИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Мавлоно Фиғонийнинг туғилган жойи Шероз вилоятидир. Ул зот сўз устодидир. Шунинг учун у барча фазлу ҳунар ва саккоклик санъатини юксаклик даражасида эгаллади. Назм фанида шеър матлаълари офтоб тифидек жаҳон халқига равшан ва ломеъ. Обдор мисраълари шамширдек, душман тилини кесувчи. Байтларининг ҳусни рўйининг худду нохундек ислоҳ этиб тарошлаган. Дахл этувчи қаламтароши баён тили ҳар тез фаҳмлиқ хомасини тарошлайди.

Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан сўнг Ироқ мулкига тушиб қолди. Уша айёмда шонрлар илтижоси билан мавлонони қақиртирган эдилар. Ҳаёти охирида Шох Исмоил мулозаматига Хуросонга келади ва Бовард вилоятида яшай бошлайди. Аммо бодайн ноб бадмастлиги ва шаробга ғоятда ҳарис эди. Майхоналарда уни Пирн Харобот, деб атаганлар. Бовард вилоятидан Маш-

ҳади муқаддас вилоятига келади ва санайи 925 ҳижрий (милодий 1519) йилда ажал соқийси қўлидан «кулли нафсин зонқатул-мавт» журъасини сипқорди. Уша жойда дафн этилган. Лимуаллифа:

Паймонаи софи марг бошад ҳама дард,  
Ғофил манишин, ки дам бадам хоҳи кард.  
Чун рӯзи ҳаёти шом шуда бояд рафт,  
Монанди чароғи субҳ мебояд мард.

(Мазмуни:

Дард ўлимнинг соф наймонасидир,  
Ғафлатда ўлтирма, дам бадам ичгил.  
Ҳаёт кунинг шом бўлди, кетми керак,  
Тонг чироғидек мард бўлмоқ керак.)

### **ХОЖА АБДУЛЛА ҲОТИФИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Хожа Абдулланинг туғилган жойлари Жом вилоятидир. Ул зот раъйлари шаксиз пардали бўлганидан Ҳотифий деб аташган, камолот зевари бирла ораста, фазлу афзалликлар зевари бирла пироста эди. Фасоҳат баён, балоғат лисонлик билан сифатланган эдилар. Замон фозиллари ва даврон зарифларининг ҳар бири ул зот ҳузурнда ўз ожизу камчиликларига тан берардилар. Унинг иборатлари маслақдошлари табъига ҳаёт сувидан ширинроқ. Лафзлари чехраси жаннат гўзаллари жамолидан ўткир зеҳнлилар кўзига намлироқ. Байт:

На дар саҳоифи кирдори ў руқум ғалат,  
На дар жароиди гуфтори у хутур хато.

(Мазмуни:

Унинг кирдори саҳифаларида ғалат рақам,  
Сўзлари дафтариди хатарли хато бўлмас эди.)

Жон чаманида кичик қалами хушалхон булбулдир. Медодининг давати сумбул дастаси ва бир хумча райхондан ҳам хушбўйроқдир. Балки саҳифа саҳросидаги нофадирки, мушк таратди. Байт:

Ба мадҳу хизмати ӯ чун давати хомаи ӯ,  
Хӯрд кушода даҳонаст бахт баста миён.  
Ҳар чи аз сарчашмаи дил бар наҳри забон,  
Жорн мекард аз муҳити бекарони илоҳий буд.

(Мазмуни:

Мадҳу хизматида қалами даводдек,  
Оғзини очиб, бахт белни боғлаб.  
Дил сарчашмасида тил наҳрига,  
Қанчалик оқса, илоҳий қирғоқсиз муҳитдандир.)

Фойда салсабилнинг ҳар зилоли бу навъ оғзидан оқмоқда. Эшитувчилар завқнда ҳаловат кўринмади. Ул ширин мақол инсбати чеҳрасининг ҳазрати маликул-калом Мавлоноий Жомий ҳол, камолининг безаги жунбишини ул мақомда алкан эди. Ул ҳазрат яқинларидан ва ул олий мартабали билан суҳбати бахтидан унинг фазли мартабаси олий даражага етишди. Фозиллар афзали ҳазрати Шайх Низомий «Хамса»сига татаббуъ қилиб, масалан «Темурнома» ёздики унинг «Искандарнома»сига жавоб эди. Унинг «Ҳафт манзар»идан фалакнинг тўққиз манзарига гулгула солди. Бошқа бир «Лайли ва Мажнун» маснавийсида шўх мазмунларнинг лайлосини ва давотнинг қора чодирдан раънолик либосида юзлаб рангда жилвага киргизди. Хаёл савдо-сидаги мажнунсифатлар тафаккур водийсида гирди-боддек саргардон биёбон сари юз тутдилар.

Аммо касби фазилат ва камолдин сўнг ўлим ва завол навбати етганда жон қулогига ғойиб Ҳотифдан «Кулли мин алайҳа фаана» нидоси етишгач, шу лаҳзада дунё уйдан охирад оламига шошилади. Ҳирот дорул мулкида дафн этилди. Мавлоно Ҳабибуллоҳ хожа Абдуллоҳ унинг вафотига тарих ёзди. Тарих:

Аз боғи даҳр Ҳотифи хушкалом рафт,  
Сўи риёз ба сад айшу сад тараб.  
Жон дод рӯ ба равзан покн Расул гуфт,  
Рухи фидока он санам ут-тарҳи лақаб.  
Рафт аз жаҳон касе, ки буд лутфи шеъри ӯ,  
Ошуби турку шўри ажам, фитнаи араб.  
Тарихи фавти ӯ талабидам зи ақл, гуфт:  
Аз шоири шоҳон, шаҳи шоирон талаб.

(Мазмуни:

Даҳр боғидан хуш калом кетди,  
Жаннат боғи сари юз айшу тараб бирла.  
Жон бериб, пок жаннат боғига юз бурди,  
Расул деди: фидо руҳинг санами тарҳи лақаб бирла.  
Жаҳондан кетди у шеъри лутфи,  
Туркка ошуб, ажамга ғавго, арабга фитна солди.  
Ақлдан вафоти тарихини сўрадим, деди:  
Шоҳлар шоири, шоирлар шоҳидан сўра.)

Санайи 927 ҳижрий (милодий 1521) йил.

Айтишларича, мушкул бир ишни иродат этди. Мазкур «Хамса» жавобига ҳазрати Махдуми Жомий қуддиса сирруҳу мулозаматида фотиҳа беришни илтижо қилди. Китоб дебочаси ва туғроси бўлган матлаъи ғабро. Шу восита билан иқбол ва тавфиқ тавқен ушалди. Ул ҳазрат бу маънони қабул этиб, «Лайли ва Мажнун» китобининг бошланishi бўлган бу матлаъни бадиҳа тарзида иншо қилдилар. Матлаъ:

Ин нома, ки хома қард бунёд,  
Тавфиқи қабули рўзияш бод.

(Мазмуни:

Қалам бунёд этган бу нома,  
Ҳаётининг қабули тавфиқи бўлгай.)

Шул муборак соатда, бу матлаъ мушкин рақам қалам тилидан дуо кўринишида юз кўрсатди. Яқинлар ижобати бўлди. Қисқа фурсатда қабул этилиш мартабасига етди ва тугалланди. Бундан икки байт ўшандан: «Лайли ва Мажнун» китобидан, ки Лайлонинг беморлиги ва заифлигидан сўзлайди. Маснавий:

Пироҳани оли он париваш,  
Афрўхта чун танури оташ.  
Шуд зоуи пон он ягона,  
Мўн гиреҳаш дар миёна.

(Мазмуни:

Ул паривашнинг қизил кўйлаги,  
Тандир оловидек ёнарди.  
Оёғининг тизи бир бўлиб,  
Сочи толалари ўртада турарди.)

Бу бир неча байт унинг «Хусрав ва Ширин» маснавийсидандир. У Фарҳодкуш Зол ҳақидадир. Маснавий:

Бувад ҳар чашм ба сараш шишан заҳр,  
Зи ҳар чашми сабзи ў сад фитна дар даҳр.  
Зи дандони холияш буди даҳоне,  
Чу гўри кўҳна дар вай устихоне.  
Зуҳал омад жаҳонро наҳси акбар,  
Бувад холе ба рўи он бадахтар.  
Ду шох омаду пояш дарду ғамро,  
Даре бикшода даҳлезии адамро.

(Мазмуни:

Ҳар қайси кўзи заҳар тўла шишадек,  
Кўк кўзларнинг ҳар биридан дунёда юз фитна  
кўзголади.  
Оғзида битта ҳам тиши йўқ,  
Ундағи суяклар кўҳна гўрга ўхшайди.  
Қи жаҳоннинг улкан наҳс сайёраси Зуҳал келгандек,  
Ул ёмон юлдузлининг юзида холи бўларди.  
Икки оёғи дарду ғам шохларидек,  
Гўё йўқлик даҳлизини очар эди.)

Бу бир неча байт қирқ йил муддатда ёзиб тамомланган «Темурнома» китобидан бўлиб, асли 20000 байт эди. Унинг тўрт минг байти ижоб топди. Маснавий:

Камон ҳам чу абрўи ҳўбон шуда,  
Зи ҳар гўша ғоратгари жон шуда.  
Қалла худҳо гашта гулгун ҳама,  
Чу дилҳои ушшоқ пурхун ҳама.  
На дар қатл кас найзаҳо мунфаъил,  
Чу боло баланд он бераҳм диши дил.

(Мазмуни:

Гўзаллар қошидек камон ҳам бўлди,  
Ҳар бурчакдан жон ғоратгари бўлди.



Қалпаю қондан гулгун эди,  
Ошиқлар дилидек тўла қон эди.  
Қатлда ҳеч ким найза ишлатмайди,  
Баланддир бераҳм дилнинг дини.)

Султон Ҳусайн Мирзо замонидан то Шоҳ Исмоил салтанати айёмигача ул зот ҳаёт эди. Шоҳ Исмоил номига маснавий ёза бошлади. Маснавий тамом бўлмай унинг умри китобининг дебочаси поёнига етди. Қуйидаги бир неча байт ўша маснавийдандир. Маснавий:

Бар он хатм шуд мансаби сарвари,  
Чу бар ҳаддаш амини пайғамбарн.  
Ҳама подшоҳон шуда пасти ў,  
Чу шоҳони шатранж дар дасти ў.  
Зи шоҳони шатранж ў пешаки,  
Буд Шоҳ Баҳроми Чўбин яки.

(Мазмуни:

Сарварлик мансаби унда тугайди,  
Ҳадди Пайғамбар аминидек эди.  
Ҳамма подшоҳлар ундан пастидир,  
Шатранж шоҳларидек унинг қўлида.  
Шатранж шоҳларидек у илғордир,  
Шоҳ Баҳроми Чўбинадек эди ягона.)

## МАВЛОНО АБТАРИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Парилар ҳурнаждлари воласи Мавлоно Абтарий дил дафтарининг жузвлари шерозаси тирқираган унинг варағидан ҳар бири дарддир. Янги сабз хатлари гулғуздорлар ҳусну камоли гулистоннинг сайри сўроғида; ҳамиша лоларўйларнинг баҳорий тамошосидан сийна дашти доғлидир. Лайлининг жафоларидан ва Шомуни нурий Мажнундир. Силсила сочлар зулфи савдосидан гўзаллар муҳаббати каманди жунунлик занжирининг мубталоси, белдаги зуннор ипидек. Париўйлар севгиси занжири жон гарданида, ҳамиша ҳолининг тили ва шу мақол тараннумида. Маснавий:

Сари беишқро бояд буридан,  
Ба дўш ин борро натвон кашидан.

Гиребон к-ў падорад чоки бедод,  
Ба қурбон сари чоки кафан бод.

(Мазмуни:

Ишқсиз бошни кесмоқ керак,  
Бу юкни қўтариб юрмоқлик мушкул.  
Бедодликдан йиртилмаган гиребон,  
Қурбонликда кафан чоки бўлгани афзал.)

Ул зот фусун илмларидан баҳрамад, қариндошу тенгдошлари орасида донишманд эрди. Умри нақдини қимматга тушувчи сиймбарлар суҳбатига сарф этди. Ҳамиша дилбарлар фиреби қурбони, маҳвашлар зулфининг ошuftаси бўлиб келди. Шунинг туфайли Абтарий номи билан шуҳрат топди. Убайдуллахон салтанати айёмида Бухорода илм таҳсилини этиб, охири «қантаратул-ҳақиқати» мажозий қаломчи мазмунича ишқи мажозийдан этироз этиб, ҳақиқий маъшуқ сари юз бурди. Андак замон ўтгач дунёни мофиҳодаи дили совуди ва санайи 933 ҳижрий (милодий 1527) йили гармрўйлар солиқларидек дунёдан қадамини узиб, охира т уйи сари юз қўйди. Мавлоно Мирали Қотиб ул зот вафоти тарихини ёқут хислатли қалами билан ғоятда дилписанд қилиб ёзди. Унинг исми тарих бўлди. Бу хил тарих муҳиблар жумласидандир. Тарих:

Сари соҳиб мазоқон Абтарий он ошиқи содиқ,  
Қи дар жавру жафои ошиқи умре басар бурда.  
Зи жаври тиғи бедод баёни сангдили ҳар дам,  
Агар сад захм хўрди бар сараш сар бар наёварда.  
Чу шуд барбоди умраш аз бедоди моҳрўён,  
Аз ин дори фано шуд бо дили андуҳ парварда.  
Яке гуфто чи кас мурдаст, тарихи вафоташ чист?  
Ба сад дарду алам гуфтам: «мулло Абтари мурда»  
(938).

(Мазмуни:

Маишат талаблар боши ошиқи содиқ Абтари,  
Ошиқлик жавру жафосида умрин ўтказди.  
Бедод тиғ жавридан сангдиллар баёни ҳар дам,  
Юз яра бўлса ҳам бошига бу хаёл келмади.  
Умри барбод бўлгач — ой юзликлар бедодидан,

Бу фано уйдан ондуҳда вояга етган дили билан.  
Биров сўрди ким ўлди? Вафоти тарихи нима?  
Юз доду алам билан дедим: «Мулло Абтарий ўлди».)

Айни шу санада Абдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд султон Марв вилоятини эгаллади. Ул жойнинг аксар одамларини Бухоро вилоятига кўчириб келтирди ва Бухоро мутаваттинларига айлантирди.

Убайдуллахон салтанати даврида ҳам Бухоро вилояти аёнларидан, қариндошларининг тенгдошлари сараси Мулло Мирак Латиф девон олийшон хон девони саркори мансабига мансуб эди. Уни дарҳол вазирлик мартабасидан ўтказиб, садрлик рутбасига еткурдилар! Бир муддат Ҳирот вилояти садрлиги ҳам ул зотга мутаъаллиқ эрди; адолат гўйини яқинлари, балки тамоми замон аҳли чавгонига киритди. Дин уламосига эътиқодни туфайли ҳаминша ўшаларга риоят қилишга тиришди. Санайи 934 ҳижрий (милодий 1527/28) йилда илм аҳли учун бир мадраса қурдирди. Бу файз уйи андак замонда унинг мадади ва ҳиммати билан муҳайё бўлди. Бир доруиллмқи эшиклари табақалари саҳифаларидан маънолар калиди очниқ ва равшан эди. Жилоланувчи ҳар бир ғиштидан фатҳлар ойнаси варақлари шарҳи зоҳиру равшан, шарқ нуридир, баён илмига тўла; балки ҳар ғишт парчаси маъни қолиби китоб варақлари зоҳиридекдир. Ул иморат тупроғи ҳикмат жавоҳиридан пиширилган; суви маърифат чашмаларидан оқизилган. Бу иморати ҳайр учун баъзи аср фозиллари тарихлар ёздилар. Ушбу тарих шу жумладандир. Тарих:

Хирад гуфт: тарихи ин буқъаи хайр,  
Мақоми шарифи жон латифи.

(Мазмуни:

Ақл деди: бу хайрли иморат тарихин,  
Муқаддас жойи: «жойи латиф»дир.)

Санайи 935 ҳижрий шаввол ойи охирларида (милодий 1529 йил июль ойи бошларида) Миёнколнинг Қуфий қарясида Жонибек Султон вафот этди. Санайи 936 ҳижрий (милодий 1529) йилда маъмура вилоят Самарқандда Алайка Қўкалтош масжиди жомеъ қурилди. Ушбу олий масжидда Қўчқунчихон ибн Абулхайрхон мармар тошдин бир минбар бино қилди. То етти

қават осмонга минбар қурилгандек. Хатиби ғарқа бундайин иморатни кўрмаган ва эшитмаган.

Дарҳақиқат, тажаллида рифъати бўлган минбар Тури Сино билан ҳамранг, оғирлик палласи ва азаматлиги Бесутун тоғи билан ҳамсанг эди. Олий қадрли бир зот ул баланд минбар тарихини назм қилган. Тарих:

Ин минбари оли, ки бар даҳр аст падид,  
Мислаш ба улув қадри айём надид.  
Аз амри шарифи Кўчкунчи хоқон,  
Дар маснади сию шаш ба итмом раснд.

(Мазмуни:

Бу олий минбар даҳрга кўринур,  
Улуғ қадрликда мислини айём кўрмади.  
Кўчкунчи хоқон амри шарифи билан,  
«Сию шаш» (936) санада тамом бўлди.)

Санайи 934 ҳижрийда Абдурраҳим Султон ибн Убайдуллоҳоннинг тиши оғрий бошлади. Тишнинг олиниши билан дунё уйдан дилини узди. Зарифлардан бири шеърининг устихонбанди фозиллар яқинида курсида ўлтирарди, муносиб бир тарих ёзди. Тарих:

Қанд дандону рафт аз дунё. (934/1527—28)

Уша сана, санайи 934 ҳижрийда Ҳумоюн ибн Бобурнинг Балх вилоятига келиши, Балх вилоятининг подшоҳи Пирмуҳаммадхон билан жанг қилгани санасидир. Яна айни шу санада Убайдуллоҳхон ибн Маҳмуд Султон ғайрат камарбандини талаб белига боғлаб, бодпойига миниб, Мамлакат Билқиси хосткорлигига борган Сулаймондек, шоҳид матлубини орзу қирғоғига чиқармоқ умидида, энг аввало Хуросон мулки сари жўнади. Журъат қадамини Ҳирот қалъаси авжига қўйди. Ул темир диллилар ул ҳисор дарвозасига қўйган қулфлари эътимодлари қанчалик устивор бўлса ҳам, аммо ул бинс улар эътиқоди сингари бемадор ва бебунёд эди.

Хони соҳибқирони кишварситоннинг мушкулкушой шамшири калиди билан уни очдилар. Бу суратдаги фатҳу зафар сафар ойининг 18 куни жаҳон хонаси ойнасида юз кўргузди. Бу фатҳ тарихини уша аср фозилларидан забт этилиш йили, ойи ва куни борасида ажойиб бир тарих битган. Тарих:

Дар ҳаждаҳӯми шаҳри сафар рӯй намуд,  
Тарих шудаи ҳаждаҳӯми шаҳри сафар.

(Мазмуни:

Сафар ойининг ўн саккизида юз берди,  
Тарихи бўлди «Ҳаждаҳӯми шаҳри сафар».)

Ушбу санаи 934 ҳижрийда (милодий 1527/28) Кўчкунчиҳон ибн Абулхайрхон фоний мамлакатдан боқий мулк сари ошқди. Боқий салтанат саодатин топди. Уша санада подшоҳи олийшон Убайдуллоҳ Баҳодирхон фирдавсмонанд Самарқанд вилоятида тахтга ўлтирди. Абусанд хон ибн Кўчкунчиҳонни салтанат тахти ва иззат саририга қўйиб, ўзи жунаш жилувини Бухоро сари йўналтирди. Абусандхоннинг бу саодатли жулуси ва тавофи жумодиюл-аввал ойининг бошларида жумъа кунин юз берган эди.

### ҲАЗРАТИ ШАЙХ ХУДОЙДОД, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ

Султон ут-тариқат, бурҳонул-ҳақиқат, қутбул-ақтоб гавсул-автод ҳазрати Азизон Худойдод, қуддиса сирруҳу, тафрид сулукида ва тажрид тариқида замон дурдонаси ва даврон ягонаси эрдилар. Ҳазрати Азизон, қуддиса сирруҳу, продати нисбати билан Ҳазрати Шайх Жамолиддин Азизон, қуддиса сирруҳуга уланади. Улар қутбул-ақтоб маҳдум ул-аозим ҳазрати Азизони кибор тарбияти қаторида эди. Шайх, қуддиса сирруҳунинг ходими бўлганлар.

Айтишларича, Ҳазрати Шайх Худойдод, қуддиса сирруҳу, ғайб оламида вужуд арсасига зуҳур этганларида қирқ кунгача ул вилоят осмонининг ойи ва қаромат чироғининг бадри учун илоҳий тажаллиёт нури билан ёришиб турган. Унинг натижасида қобилият ва истъдод фатиласи бир неча авлиёуллоҳки эҳтидон партавдан мавқуф эди, Ҳазрати Азизон, қуддиса сирруҳу, ҳидоят машъалидан равшан бўлди. Чунончи, Ҳазрати Азизони олам, Шайх, қуддиса сирруҳу, ўз таснифлари «Китоби ламаҳот»да ул зот мақомотларини тўғри ёзганлар. Роқимнинг таҳрир қудрати ва тақрир қуввати Ҳазрати Азизон васфларида йўқдир. Рақам суръатини йўнал-

тириб, дейман: аён бўлган жойда баённинг ҳожати йўқ. Нақл қилишларича, у зот Шайбони Муҳаммадхондан кейин Дашти Қипчоққа кетганлар. Бобур подшоҳи Мовароуннаҳр бўлгач, бир оз вақт ўтиб, Ҳазрати қуддиса сирруҳуни орифи суфиён тайинладилар. Туркий тилда дедилар: «Санго ўзга мен керакму?». Ҳазрати ориф суфи тавозеъ қилдилар. Бир неча вақтдан кейин Убайдуллоҳхон Дашти Қипчоқдан лашкар тортиб, Мовароуннаҳрга йўналди. Убайдуллоҳхоннинг маҳобатасар хабари Бобур Мирзо қулогига етиши билан, ўз ишончли амирларидан бирини Ҳазрати Азизон, қуддиса сирруҳу, мулозиматига юбордилар. Эшон фотиҳа ўқидилар. Ҳазрати Азизон шундай фотиҳа ўқидилар, ким мусулмонроқ бўлса подшоҳ бўлгай. Бу даҳшатли хабар Бобур Мирзо қулогига етгач, дедилар, ки: «Убайдуллоҳхоннинг мусулмончилиги бизникидин кўпроқдир. Зоҳир бўлдики, Ҳазрати Азизон раъйи Убайдуллоҳхоннинг подшоҳ бўлишидир». Шундан кейин бир неча кун ўтди, у Мовароуннаҳр подшоҳи бўлди. Ҳазрати Азизон Абу Саидхон ибн Кўчкунчихон салтанати айёмида санайи 939 ҳижрий (милодий 1532/33) йилда унсий оламдаг қудсий мақом сари равона бўлдилар. Ҳазрати Азизон қуддиса сирруҳунинг табаррук мозори Самарқанд вилоятидан икки фарсаҳ масофадаги Азиза қарасидадир. Фозиллардан бири эшоннинг вафоти тарихини шундай ёзган. Тарих:

Эй ки буд ў худ ба олам мазҳари лутфи худо,  
 Дарду доғи ошиқонро буд васли ў даво.  
 Чун мунаввар буд ў дар зоҳиру ботин чу шамъ,  
 Мажлиси ушшоқро буди зи сўзи ў наво.  
 Ёфт жони ошиқон аз вай ҳаёти жовидон,  
 Зийнати аҳли муҳаббат буд он пири худо.  
 У з-ин олам бирафт гар бамаъини ошиқи,  
 Ман бигўям нуктаи тарих «Зийнати ошиқо!»

(Мазмуни:

Эй, худо лутфининг мазҳари бўлган,  
 У ошиқлар дарду доғига даво эди.  
 Зоҳиру ботиндан у шамъдек мунаввар эди,  
 Унинг ёниши ошиқлар мажлисига наво эди.  
 Ундан ошиқлар жони абдий ҳаёт топди,  
 Ул пири худо муҳаббат аҳлининг зийнати эди.

Ошиқлик маъносида бўлса ҳам бу оламдан кетди,  
Мен тарихи нуктасин дедим: «Зийнати ошиқо!» (939).

Бошқа бири шундай ёзган. Тарих:

Таважжуҳ кард руҳи муршиди дин,  
Ба сўи Арш дар моҳи муҳаррам.  
Агар пўрсанд тарихи вафоташ,  
Бигў: Эй дил, «бирафта Қутби Олам».

(Мазмуни:

Дин муршидининг руҳи таважжуҳ қилди,  
Муҳаррам ойида арш сари  
Вафоти тарихини сўрасалар,  
Дегил: «Эй дил, олам қутби кетди!» (939).)

Яна бири шундай деган. Тарих:  
Он муршиди аср Шайх Худойдод,  
Қ-аш қутби рақам зади зи хона.  
Қайвон ба назар чу номлодро,  
Миқдори яке сипанд дона.  
Шуд раҳбари баланд ҳиммат,  
Тарихи вафоти он ягона.  
Ё маркази ашхнё бишумур,  
Хоҳи, ки биё пешравона. (939)

(Мазмуни:

Шайх Худойдод аср муршидидир,  
У қутблик рақамини уйидан чекди.  
Қайвон назарда ўз номини берган,  
Унинг учун бир исриқ дона.  
Баланд ҳиммат раҳбар бўлди,  
Ул ягонанинг вафоти тарихи.  
Ё шайхлар маркази, деб бил,  
Истасанг кел: пешравона.)

Келди Муҳаммад Султон вафоти ҳам шу сана, зул-  
ҳижжа ойининг чаҳоршанба кунида юз берди.

## **ФОХИРАИ БУХОРОДАГИ МИР АРАБ МАДРАСАСИ БИНОСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ**

Ҳидоят лақаб, фазилатмақтаб Ҳазрати Амир Араб  
насаби беагани билан ораста, ҳабиблик зевари билан

пийроста безанган, подшоҳи олийшон Убайдуллахон салтанати айёмида олам одамларининг маллоъ ва малжоеъси, инсонлар муқтадоси эрдилар. Салтанатнишон хоннинг ақида ва эътиқоди назаридан муҳаббат у ҳам-розлиги шу қадар эдики, ул субҳтийнатлининг баҳор хосият суҳбати файзи ва сабо мартабали нафаси наслимидан ўз файзли хотирида гулгунчалар гулгун очилишини кўрди. Мурод гуллари эътиқод боғларидан ва ул иршод соҳиби иршоиди билан териларди. Баъзида сафо мартабали суҳбати партавидан унинг сийнаси лавҳи оинадек сайқал топарди. Гоҳида унинг фотиҳасидан олий мартабали хони зафартавон ялови «ана фатаҳна лақа фатҳан мубинан» калимасидан оро топди. Чунончи, Шоҳ Исмоил амри билан Нажми Соний Мовароуннаҳр қасдида Омуя дарёсидан ўтуб, Олийжоҳ хони ферузийпаноҳ лашкари билан ул мақбули илоҳ ионати билан йўлга чиқиб Насаф водийсида Нажми Сонийга дучор бўлди. Биринчи ҳамла билан ғурур сипехридан ғўр тупроғига қиёматгача ирғитди. Қайтиб келгач, янги беандоза назрлар ва ҳадялар ўтказиб санайи 943 ҳижрий (милодий 1536) йили Фохираи Бухоро вилоятида ҳазрати Амир Араб шу важҳдан бир мадраса бино қилдики, ҳамиша эрта тонгдан ҳар толиб қобилиятига яраша осонгина фазлу фазилалар матлаъидан истифода эдилар. Тулуъ нурлари сероб сочилади. Зухур бўлиш андозаси билан ул тошқин нури комил аҳли илм ҳазин қалблари ва садрлар маъмани равшанлашди. Дорулилм дарвозалари файзлар дарвозаси сингари аҳли талаблар юзига ҳамиша очиқ. Остоналари мурод бўсағалари сингари ниёз аҳлининг қадамгоҳидир. Хиштининг ҳар парчаси инжило меҳрининг оинанамоси учар юлдуздан ҳам равшанроқдир. Пештоқи кошнлари гардун табағи ҳашамидан намуна. «Ва лақад зайнассамоъ аддунё бизийнатул-кавоқиб» ояти калимасидан осмон мартабали бу иморат буржлари унсурлар сонига яраша. Фалак буржлари монандлиғига ишорадирки, аниқ. Бу хайриятли иншоот битишида Мулло Мир Али котиб, ки хат санъатида олам қаламравидагилар ангуштнамодур, олам сафҳасида ва кечаю кундуз дафтарида ҳеч ким қалам кемасига китобатда хатни унингдек торта олмаган, унинг битишига таърих битди. Тарих:

Мир Араб фаҳри Ажам он, ки сохт,  
Мадрасаи оли бас булажаб.



Булажаб инаст, ки тарихи ўст,  
Мадрасаи олии Мири Араб.

(Мазмуни:

Мир Араб Ажам фахридирки,  
У ажиб мадрасаи олий қурди.  
Ажиблиги шуки унинг тарихи,  
Мадрасаи олий Мир Араб бўлди (943).)

Уша санайи 943 ҳижрий (милодий 1536/37) Ҳирот вилоятининг иккинчи бор фатҳи йилидир. Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон қўлида жумодиул аввал оии охирлари (1536 йил ноябрь оии бошлари)да Тангри таоло фармони билан кўрилди.

## **МАВЛОНО АҲЛИЙ ШЕРОЗИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Мавлоно Аҳлий Шерозий фасоҳат мулкида сўз гўйини маъно майдони чобуксуворийларидан тортиб олган, мусобақат қадамини балоғат майдони яккатозларида кўрсатди. Монийсифат қалам билан маъно шоҳиди чеҳрасини лафзнинг ҳарир ниқобида чекди. Шеърят фанларида ниҳоятда маҳорат ва сўзсиз воқифлик соҳиби эди. Ул зот таснифлари анчагина. Улардан баъзиси, масалан «Зулбаҳрайн» маснавийси, «Зулқофиятайн». «Тажнисс»дирки оқиллар аҳли ул маснавийда ожиз хирад ва зако аҳли зеҳни ул абётларда қосирдир. Бу икки байт ўша китобдандир. Маснавий:

Соқи аз он шишаи Мансур дам,  
Бар рагу бар решаи Мансур дам.  
Хожа дар абрешими мо дар калим,  
Оқибат эй дил, ҳама яқсар калим.

(Мазмуни:

Соқий Мансур дами теккан шишадан,  
Мансур решаю томирларида дам.  
Хожа бизнинг шойимизни кўриб сўз деди,  
Оқибат, эй дил, ҳамма бирдек Қалим.)

Мавлоно узоқ умр кўриб, ўлим яқинлашганда санайи 942 (милодий 1535) йили ажал совуқ шамоли унинг

ҳаёт чирогини дунё маҳфилидан ўчирди. Ўзи нашъу  
намо топган Шероз вилоятида дафн этилди. Ул илоҳий  
чексиз баҳр ғариқнинг тарихи «Сақаоллоҳу сирот»  
бўлди.

## ҲАЗРАТИ МАВЛОНО АСОМУДДИН АЛАЙҲИРРАҲМА ВАФОТИ ТАРИХИ

Мавлоно Асомуддин Иброҳим ибн Мавлоно Араб-  
шоҳ Исфароиний пок таъби поклиг юксаклигида, идро-  
ки—зеҳнининг ягоналигида олийшаън уламолар пешвоси,  
фатонатнишон фозиллар орасида сараси, ўз замондош-  
лари пешволарининг маслаҳатгўйи эрди. Султон Ҳу-  
сайн Мирзо салтанати даврида қасби камол билан маш-  
ғул бўлиб, ақлий ва нақлий илмларни камолга етказди.  
Аммо, айтадиларки, мазкур жаноб баъзи ҳодисаи за-  
монлар сабабидин санайи 920 ҳижрий (милодий 1514)  
йилда биҳишт мартабали Ҳирот доруссалтанасидан файз  
насмн Бухоро тарафидан эсгани туфайли саодатли қа-  
дами воситасида ул вилоятни дорулилмга айлантирди.  
Шу муддатда Ўбайдуллоҳхон эҳсони сероблигидан маҳ-  
фуз ва адолатли хон инъоми камолидан масрур бўлди.  
Талабаларнинг ифодатнишон хотири фойдалари ҳусни  
важҳи билан баҳраманд этди. Барчаи фаслу афзаллик-  
лари мевасидан ҳама ҳолда ҳам бебаҳра ва бенасиб қол-  
дирмади. Ўша фурсатда ҳазрати хоқон Ўбайдуллоҳ Ба-  
ҳодирхон бир арабий рубойни ул зотга жўнатди. Маъ-  
носини сўради. Ул зот ўша куниеқ пешин намозидан  
сўнг хотири таважжўҳига йўл бериб, шом салотидан ол-  
дин бир рисола тасниф этиб, ҳар мисрада 656 маънони  
ифода этиб жўнатди. Адолат сийратли хон, уламопар-  
вар шаҳаншоҳда зиёда эътиқод пайдо бўлди. Бир неча  
вақтдан сўнг ул зотнинг гузари жаннатул маъво ҳаво-  
си Самарқандга тушди. Ул ҳудудга озим бўлиб, ул ай-  
ёмда улуғ ёшга бориб қолиб, жуда нотавон бўлиб қол-  
ган эрдилар. Ушбу байт муборак тилларидан тушмасди.  
Байт:

Ман ҳар чи хондаам ҳама аз ёди ман бирафт,  
Гайр аз ҳадиси роҳ, ки такрор мекунам.

(Мазмуни:

Менинг барча ўқиганларим ёдимдан кўтарилди,  
Йўл ҳадисининггина мудом такрорлаюрман.)

Нақл этишларича, мавлоно Асомиддин Самарқанд вилоятини шариф қадамларидан мушарраф этганларида Ҳазрати Хожа Аҳрор қутбул аброр, ғавсул ахёр файзосор мазорларига тушдилар. Ақобир, уламо, ҳожилар фозилларнинг барчаси мавлоно мулозаматига бориб, Ҳазрати Саййидул-муҳаққиқин Мавлоно Аҳмад Жандини боришдан тийилдилар. Шу сабаб Ҳазрати Мавлонс Аҳмаддан оина тимсол хотирларида малол ғубори йўл топди. Дедиларки, барча хизмати дарс доирасидаги шариклардан мавлоно Аҳмад бизни сўрарга келмадилар. Бу сўз Ҳазрати мавлоно Аҳмад қулогига етиб, айдиларки, Ҳазрати гозийн Азизонга Бухоро вилоятида бир беадаблик воқеъ бўлган эди. Шунгача бу ерга келиб бизга дохил бўлсалар не бўларди. Шу важдан бу икки бузург учраша олмадилар. Ул зот ҳаёт муддати тугагач, санайи 943 ҳижрий (милодий 1536/37) йилда дунё бедорлик уйидан юз ўтириб «иннал аброр лафн наъим» сўхбати шарафига етишдилар. Ҳазрати Хожа Аҳрор қуддуса сирруҳу нурли мозори ёнида дафн этилганлар. Баъзи замон фозиллари тарихлар ёзганлар. Тарих:

Моти асноди но Асомуддин: инда каъна кулли илми саҳл,  
Ҳува бил-фазл каъна муттасифаи. Соли таърих фафта билфазл (943).

Ул зот таснифларидан «Ҳошия бар тафсири қозн», «Ҳошия бар шарҳи Ҳазрати Маҳдуми Жомий», «Ҳошия бар шарҳи Шамсия» ва бошқалардир.

## **УБАЙДУЛЛОҲХОН ИБН МАҲМУД СУЛТОН ВАФОТИ ТАРИХИ**

Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон олти йил хонлик тахти ва жаҳонбонлик сарирнда ўлтирди. Адолатининг овозаси рубъи маскунда, гардун гумбази остида олти жиҳатдан садо ғулғуласини солди. Беш мартаба давлат чархи фалак етти айвонда унинг номига хутба навосини чалди. Иқболнинг сикка (тамға)сида зар нақши офтоб қурсидек дилларга рост ўлтирур. Му-

нир вожиби лақаблари катталигидан Тубо дарахтидек баланд овоза бўлди. Ҳаёт мутакаффили 54 йил унинг умри фурсатини берди. Шундан кейин санайи 946 ҳижрий зулқаъда ойи душанба куни пешин чоғи (милодий 1540 йил март) да унинг давлати йўрғаси кун умри тезрав саманди билан муарраб замни сари қўшалоқ от бўлиб елди, они магфиратнишон вафоти тарихида ҳазрати хожа Ҳусайн Нисорий ушбу мисрани битган. Тарих:

Оҳ аз майи аҳли дили Убайдуллоҳхон.

(Мазмуни:

Оҳ, Убайдуллоҳхон аҳли дили майндан.)

Бошқа бир фозил шундай ёзган. Тарих:

Волии мулки дин Убайдуллоҳ,  
Шарбати марг кардаш нўш.  
Рафт аз ин манзили харобабод,  
Монд саҳбон салтанат аз жўш.  
Гуфт ба ман хирад баҳри вафот,  
Ин ду тарих зикр кард хомуш.

(Мазмуни:

Дин мулкининг волийси Убайдуллоҳ,  
Ўлим шарбатини ичди.  
Бу харобобод манзилдин кетди.  
Салтанат саҳбоси қайнашдан тўхтади.  
Ақл унинг вафоти ҳақида деди;  
Бу икки тарихни зикр этди хомуш.)

У бу санада Кистан Қора Султон ибн Жонибек Султон ибн Хожа Муҳаммад Султон ибн Абулхайрхон Балх вилоятининг волийси бўлди. Шу шаҳарда иморат қурди. Замон фозилларидан ва аср зурафоларидин Мавлоно Шайдо ул олий бини тарихи ҳақида яхши ёзди. Тарих:

Дар арки Қалъан Балхи оли иморате сохт,  
То обу хок бошад бад ў бинои манзил.  
Таърихи номи бини пўрсидам аз хирад, гуфт,  
Бонии соли тарих «Кистан Қоран Одил».

(Мазмуни:

Балх қалъаси аркида олий иморат қурди,  
Манзил биноти суви тупроқдан, шундай.  
Ақлдан қурувчиси тарихини сўрадим, деди:  
Биноси тарихи санаси «Қистан Қаройи Одил» (946).)

### **АБДУЛЛОҲОН ИБН КУЧКУНЧИХОН ВАФОТИ ТАРИХИ**

Убайдуллоҳон вафотидан кейин Абдуллоҳон ибн Кучкунчихон хонлик тахти ва жаҳонбонлик саририда қарор топди. Қарийб олти ой давомида исломнинг беш навбатли садоси унсурий олам чаҳортоқи майдонида халқлар қалбига етди. Гурур уйи яшаш маҳалли ва ҳузур жойи бўла олмагани сабабли санайи 947 ҳижрий рабиул аввал ойининг учинчи куни ажал сарҳанги азза ва жалла Ҳақ фармони билан беш сезги аъзосини тан бадани мамлакатидан жудо этди. Унинг укаси Абдуллатифхон мазкур санада олтин тахтга кўк сипеҳри хуршиди анваридек ўлтирди. Хароба даҳр унинг адли бахтидан маъмур бўлди. Уша даврда жаноби мавлоно Кубайк (Кебик), ки Иршодпаноҳ, ҳидоятдастгоҳ, Раббоний олам сипеҳрининг қутби, Ҳазрати Субҳоний рамзларининг қошифи Мавлоно Хожаги Қосоний, қуддиси сирруҳу, комилу акмал муридларидан эдилар. Ул зот фарзанди туғилиши муносабати билан тарих ёздилар. Фарзандлари Мавлоно Муҳаммад Зоҳир санайи 948 ҳижрий 15 куни (милодий 1541/42 й.) йўқлик оламидан вужуд саҳнига келган. Тарих:

Тарихи таваллуди Муҳаммад Зоҳир,  
Аз понздаҳи шаҳр шуд зоҳир.

(Мазмуни:

Муҳаммад Зоҳирнинг туғилган санаси,  
Ойнинг ўн бешида бўлди зоҳир.)

### **ҲАЗРАТИ ҚУТБУЛ-АҚТОБ МАҲДУМИЙИ АЪЗАМ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Қутбул-авлиёи аъзам ғавсул-атқийи мукаррам умум хонасининг фаҳри Ҳазрати Маҳдумийи Аъзам қуддиси сирруҳу, маржабулономий номи киromий Мав-

лоно Хожагийннинг исмидир, қуддиса сирруҳу, Ҳазратнинг туғилган жойлари Андигон заминига тобеъ Косон илми риёзий оламга ва муртозлик шевасидаги мумтоз вилоятидир. Ул олий ҳазратнинг иродати нисбатлари қутбул ақтоб ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қозига, қуддиса сирруҳу, ва Ҳазрати Мавлононинг хосул-хос, ҳидоят ихтисос қутбул-аброр санад ул-ахёр Ҳазрати Хожа Аҳрор, қуддиса сирруҳу, остонига бўлган ихлосидир. Ҳазрати Маҳдумий қуддиса сирруҳунинг муридлари кўпдир, у маҳобат фалагининг қуёши ва валийлик дорасининг марказидир. Шулар жумласидан бири валийлик мулкининг волийси, мақбул ҳидоят иршоди мамлакатининг соҳиби сарири Ҳазрати Борий Хожаи Қалон Хожайи Жўйборийдирлар, қуддиса сирруҳуки тарбият саҳоби файздан, ҳиммат жўйборининг томчиларидан кўплаб миллат саҳобаларини камолот даражасига етказдилар. Он ҳазрат муридларидан бир қанча номдор авлиёлар ул зот мақомотларида мастур ва мазкурдирлар. Ҳазрати Маҳдумий, қуддиса сирруҳу, авлод ва аждодлари ҳар бир шаҳарда иршод маснадига ўлтириб, халойиқни холиқул-ибод томон ҳидоят қилмоқдалар. Байт:

То абад эй силсила нагусиста бод,  
Қардани айёми бадон баста бод.  
Харқи одати кашфу каромот,  
Он жаноб чун зуҳури офтоб.

(Мазмуни:

Эй силсила то абад узилмагай,  
Айём кирдикори ундан тўсилгай.  
Кашфу каромати ақлга сиғмас,  
Ул жаноб офтоб зуҳури кабидир.)

Жаҳон аҳлига равшандирки, ул зотнинг нур тарашига баён эҳтиёжи йўқдир.

Бу ҳақир зарра ул хуршиди анвар ҳақида нима ҳам ёза оларди, ул зотнинг васфлари тақрир ва таҳрир ҳаддидан ташқаридир. Аммо Ҳазрати эшоннинг илоҳий муҳаббат жазбаси ғалаба қилганда ва ҳазратнинг туганмас шавқи нури ғолиб келганда, санайи 949 ҳижрий муқаддас муҳаррам ойининг 21 да шанба куни чошт пайти (милодий 1542 йилнинг 1 май куни) унсий оламдан

қудсий мақомга кўчдилар. Аср фозиллари эшон вафотлари тарихига марсиялар, тарихлар ёздилар. Улардан баъзилари қуйидагилардир. Тарих:

Ориф, к-ў дар ҳақиқат муқтадои аср буд,  
Рафт аз Роҳи тариқат аҳли дилро раҳнамой.  
Бисту як буд аз муҳаррам рўзи шанба вақти чошт,  
Мурғи руҳаш кард парвоз аз ин меҳнатсарой.  
Бас, ки будам дар таассуф аз фироқи рўи у,  
Ёфтам тарихи фавташ: «Қутби Олам рафт, вой!» (949)

(Мазмуни:

Ориф, у дарҳақиқат аср муқтадоси эди,  
Тариқат йўлидан юриб, дил аҳли раҳнамоси эди,  
Муҳаррамнинг 21 да, шамба кун, чошт вақти,  
Унинг руҳи қуши бу меҳнат саройидан учди.  
Таассуфда эдим, унинг юзи фироқида,  
Вафоти тарихи: «Қутби Олам кетди, вой!» деб топдим.)

Нурга тўлиқ, файзосор ул Маржаъул-кибор мозори  
Даҳбед қарясидадир, ул ер Самарқанд вилоятидан қарийб бир фарсах масофададир. Ул каъбанишон даргоҳи зиёратчилари ул остона тавофига келадилар. Бу масофат узунлигини ўз талаблари арзи учун босиб ўтиб, файздек хиёбон соясига ўтадилар. Бу хиёбони Тўбинишонни Надирдевонбеги орлот қурган эди, то ақида ва эътиқод ниҳоллари мурод самарасин бергай. Лимуаллифа:

Хиёбони дарахт аз нахли эман,  
Ҳама яктан ба атвори чиҳил тан.  
Саросар ҳамчу дарвешони комил,  
Ба зикри арра ҳар як аз таҳи дил.  
Дарахтон баста саф аз ҳар ду жониб,  
Чу пирони худо чу дар мароқиб.  
Ҳидоятрост ҳар як муқтадои,  
Бувад ҳар панжааш дасти дуон.  
Ҳама як-як ба сурат хизр монанд,  
Ба Тўбо ҳамнасаб бо Сидра пайванд.  
Барон зоҳирон ҳар як зи эъзоз,  
Ҳарири соявор пойиандоз.  
Тавонад ҳар яке чун аҳли тавҳид,

Зи юмни соя бахшад файзи Даҳбед.  
Бузурги ҳар яке доранд бо ҳам,  
Зи файзи руҳи Махдуми Аъзам.  
Натобад ҳеч кас зи остон рӯ,  
Агар тавфиқ гардад ҳовии у.  
Зи истимдоди он соҳибашорат,  
Ба Роқим бод тавфиқи зиёрат.

﴿Мазмуни:

Хиёбон дарахти эман ниҳолидан,  
Барчаси чиҳлтан сингари бир тандек.  
Бошдан оёқ комил дарвешлардек,  
Ҳар бири астойдил арра зикрида.  
Икки тарафдан дарахтлар саф тортишган,  
Мароқибдаги Худо пирлари мисол.  
Улар тушган йўл ҳидоят йўлидир,  
Ҳар бир панжа дуога чўзилган қўл.  
Ҳар бирининг кўриниши Хизр монанд,  
Тўбога ҳамнасаб, Сидрага пайванд.  
Ҳар бири эъзоздан зиёратчилар учун,  
Ҳарирдан сояси пояндоздир.  
Ҳар бири тавҳид аҳлидек,  
Сояси бахтидан Даҳбедга файз бағишлар.  
Ҳар бири бузургликда бир-биридан,  
Махдуми Аъзам руҳи файзидан.  
Ҳеч ким унинг остонидан юз товламас,  
Агар тавфиқ унинг ҳовийси бўлса.  
Ул соҳибни башорат мададидан,  
Роқимга зиёрат тавфиқини бергил.)

## МАВЛОНО МИРАЛИ КОТИБ ВАФОТИ ТАРИХИ

Мирали Қотиб асли жаннатсифат Ҳирот вилоятидан. Аммо, ҳаёти боғининг ниҳоли Машҳади муқаддас обу ҳавосидан нашъу намо топти. Хат таркиббандида муф-раддан мураккабгача Зайнулдин Маҳмуд қотибнинг шогирди эди. Устод хизматида қаламдек боши билан қадам босиб, қалам найидек фармонбардорлик камарини белига боғлаган эди. Айтишларича, андак фурсатда хат хиттаси саводини қалам найзаси дастёрлигида ўз қўли остига шундай киритган эдики, олам юзи саҳифаси хушнавислари хомадек унинг фармони чизигидан





МАВЛОНО ЖАЛОЛИДИН ДАВРОНИЙ






ШОИР УМИДИЙ









АБДУЛ-КАДИР ИБН КУЧУК



ХАЗРАТИ МАХДУМИЙ АЗЗАМ



бош чиқармас эдилар. Хусусан настаълиқни шундай ёзар эдики, замон китоби ҳайратидан хома учи бармоғини тиш кўкрагига қатъ этарди. Санайи 925 ҳижрий (милодий 1519) йилда замон инқилоби оқибатида Хуросондан Мовароуннаҳрга келди. Замон хат таълими расмулхатти бошлиғига айланди. Аммо умри жаридаси поёнига етгач, санайи 951 ҳижрий (милодий 1544) йилда котиблар эъзои ўз ҳаёти рўзномасини мамот тавқеъи билан ҳатм айлади. Фоҳирайн Бухоро вилоятида нурга тўла қутбулаброр Ҳазрати Шайх Сайфуддин Бохарзийки Хожайн Фатҳобод номи билан машҳурдирлар, мазорида дафн этилган. Замон зарифларидан Мирзобек девон мавлоно вафоти тарихига Ёқутн Хумам қалами билан, Монийшиям қаламида шундай рақам қилганлар. Тарих:

Он баҳри фазойил сари арбоби ҳунарро,  
Дар воқеъа дидем ба атвори сутуҳ.  
Ғуфтем, зи тарихи вафоти ту чи ғўем?  
Ғуфто, ки бигў: «Мирали фавт намуд» (951).

(Мазмуни:

Ул фазилатлар баҳри, ҳунар арбобининг бошлиғини,  
Дарвоқеъ, ғамгин ҳолда кўрдик.  
Сўрдик: вафотини тарихига не дейлик?  
Деди, айтинг: «Мирали вафот этди».)

## АБДУЛАЗИЗХОН ИБН УБАЙДУЛЛАХОН ВАФОТИ ТАРИХИ

Саодатнишон подшоҳ Абдулазизхон ибн Убайдулахон ибн Маҳмуд Султон дарвешларнинг эътиқодли мухлисларидан эди. Ҳазрати Шайх Жалол, қуддиса сирухунинг иродат қайли ва ақидат силсиласига содиқликда соҳибкамол муршид ва ҳидоятмаол солиқ эди. Ҳазрати Шайх Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Руҳий, қуддиса сиррухунинг муридларидан эди. Раҳматлик ҳазрати хоқоннинг жаҳондорлик шуғли, мамлакатмадорлик андишаси, шаҳриёрлик ҳавоси туфайли ҳазрати Борий иззи исма ва шаръий бандалигидан тортишади ва итоат гарданни ҳамеша тоати кирдигорийга қўйганди. У ҳазрати илоҳийнаво амридан қулоқ узмади. Унинг салтанати

айёмида кўп султонлар ўртасида келишмовчиликлар кучайди. Латиф таъби ва шариф хотири иморатлар қуришга мойил эди. Кўп олий бинолар қурди. Унинг баъзи иморатларидан қутбул-аброр ғавсул-ахёр Ҳазрати Хожа Баҳоваддини Шоҳи Нақшбанд файзосор мазорларидаги хонақоҳ ва хатирадир. Яна бири масжиддирки, Бухоро ҳисори ичкарасида воқеъдир. Уни Масжиди мағок, деб атайдилар. Инчунин, бошқа бир неча иморатлар унинг номи билан боғлиқ. Ҳаёти муддати қирқ йил эди. Охирида санайи 958 ҳижрий рабиъус-соний ойининг 26-си, чаҳоршанба кунин (милодий 1551 йил 2 июнь) унинг руҳи қуши тан қафасидан парвоз этиб, Сидратулминтаҳо шохсорида ошён қурди. Унинг мунаввар қабри Қутбул-аброр ҳазрати Хожани бузург ва Хожайи Нақшбанднинг, қуддиси сирруҳу нурга тўла мазори ёнида, бузургвор отаси Убайдуллоҳхон суфасидадир. Дақиқ арбоблар замири ва ҳақойиқ асҳоби басиратларига махфий қолмагайки, дунё бу уйи ҳодисалар ва фалокатлар жойиндир. Зероки, эътибор сипсехри уфқидан давлат қуёшни балқиб чиқмадики охири завоқ сарҳадига етмагай, ва ҳодисалар майдонида салтанат биниси осмон сари бош кўтармагай. Ҳаммаси фанонинг юзлаб зилзиласидан емирилди. Лимуаллифа:

Дунё, ки дар ў бўи вафо нест падид,  
Бояд, ки зи ҳарчи ҳаст пайванд барид.  
Ин сурати маргро дар оинаи ақл,  
Аз рӯи хирад ҳамеша мебояд дид.

(Мазмуни:

Дунёки, унда вафо бўйи йўқдир,  
Борини борича пайванд қилмоқ зарур.  
Бу ўлим суратини ақл оинасида,  
Ақл юзидан ҳамеша кўрмоқ лозим.)

Соҳибқирон вафоти тарихини замон фозилларидан бири ушбу мисрада баён этди. Тарих:

«Ҳайф аз Абдулазизхон».

Абдулазизхон вафотидан сўнг Муҳаммадёр султон Бухоро тахтига ўлтирди. Санойи 958 ҳижрий (милодий 1551) йилда Бурҳонхон Туркистон ноҳияларидан хуруж қилиб, Шоҳрухия дарёсидан зиреҳпуш наҳанглари билан кетма-кет саф-саф бўлиб мавжлардек ўтиб, Мова-

роуннаҳр сари йўналдилар. Жасорат ялови ва тадбир алами учини осмон авжигача чиқардилар. Ул днёр маъмурларини Фоҳираи Бухоро ноҳиясигача харобазорга айлантирди. Бурҳонхоннинг бу хуружи тарихини замон зарифларидан баъзилари «Хуружи Султон» дан топдилар. Уша 959 санада қутбул-ақтоб, ғавсул-аҳбоб, фатво даргоҳининг яқини Ҳазрати Камолиддин Шайх Ҳусайн Хоразмий, қуддиса сирруху, ҳақ раҳматига етди. Жасаднини тупроқ хилватхонасига қўйдилар. Фозиллардан бири ул зот вафоти тарихини шундай ёзди. Тарих:

Соли тарихро хирад мегуфт,  
Оҳ қутбе бирафт аз олам (958.)

(Мазмуни:

Вафоти тарихини ақл деди:  
Бир қутб кетди, оҳ, оламдин.)

### **БАРОҚҲОН ТОШКАНДИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Бароқхон тошкандликдир. У шу ҳудуд султонларидан. Бироз муддат Самарқанд вилояти дорулмулкни ҳокими бўлди. Аммо, айтишларича, зулмпеша подшоҳ бўлган. Бировларга зуғум қилувчи, ҳамеша бирор жарроҳга ҳампафас юрувчи одам эди. Давомий шиша, пиёла, жому май ҳамдами бўлар, мудом сармаст юрарди. Ислом асосларига унинг даврида кўп футур етди. Бемадор аркони давлатни хароботга келтирди. Соҳиб каромат шайхлар суҳбатидан зиёрат оёғини тийди. Адолат мезони унинг назарида арпа донасидек вазнга эга эмас эди. Жуда ҳам паст назар эди. Шароб тўла пиёла ҳиммат қўлида, журъат кўзининг эътибори йўқ эди. Шу туфайли раият давридан норози, тамоми фуқаро ундан манфаат кутмасди. Деҳқонлар хирмонларини зуравонлик сарсари ёрдамида совурарди. Бечоралар экинларини ушр моли сифатида олиб, норози этарди. Гоҳида ғазаб туфони билан оташ чақинини хирмангоҳ даргоҳига ташларди. Гоҳида тупроқ хирманини фано шамолида йўқ қиларди. Ҳаргиз раҳмат сувини марҳамати булутидан авом экинзорига ҳеч бир сочмасди. Раият ва заифаларнинг дудолуд оҳларини фалак қаҳқашони авжига етказди. Авом ва улус кийна тухмини ўз сийна заминига экардилар. Шу феъли билан оз фурсатда у ҳаёти асосига футур етказди. Байт:

Аз раият касеки дона рабуд,  
Буни девор канду бом андуд.

(Мазмуни:

Раиятдан ким бир дона олса,  
Деворни таги билан ковлаб, том деб ўйларди.)

Санан 963 ҳижрий (милодий 1555/56) йилда қазо қаҳрамонни ажал чақмоғини Бароқхон борлиги хирманга урди. Зарифлардан бири ул оташафруз вафотига «Хирмансўз» (963) тарих топгандир. Шароби нобни кўп ичиб, масти хоб то явмулҳисоб бўлди. Қуртлар бошига сўз кайфиятидан келиб чиқиб, «мурда дар мости» (963) деб тарих топганлар. Қутбул-аброр, санадул-ахёр ҳазрати Хожа Аҳрор, қуддиса сирруҳу, остонида дафн этилди.

### **ҚУТБУЛ-АҚТОБИЙ ҲАЗРАТИ ХОЖАИ КАЛОН ХОЖА ЖҶЙБОРИЙ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ.**

Ҳазрати Борий раҳмати боғининг пурсамар дарахти қутбул-ақтобий Хожай Калон Хожай Жўйборий, қуддиса сирруҳу Қудрат боғбони ҳақиқат гулбунидан бу каби раъно гул, хожагон ғунчаси билан дурлар оча олмаганди. Бехазон муҳаббат баҳор яратувчиси маърифат ҳадиқасида пурсамар бу каби дарахтни бу хил азамат ва бузургликда уйдирмади. Бу нашъу намо қутбул-ақтоб ҳазрати Махдумий Аъзам, қуддиса сирруҳу, тарбияти саҳоби файзидандир. Ҳазрати Хожай Жўйборийни муридлари кўп эди, ки камол мартабасига етган эдилар. Улар борлиқларни баргини тарк этиб, сарв каби ҳиммат этагини ҳар икки дунёдан тугиб тааллуқ юкидан озод қилдилар. Онҳазрат тарбияти Жўйборидан ҳар бири ўзини Сидратул мунтаҳо буюклигигача етказдилар. Булардан энг каттаси Ҳазрати Махдумий Аъзамнинг фарзанди аржуманди Хожа Муҳаммад Амин қуддиса сирруҳу, ки Хожай Калон номи билан машҳурдилар. Ҳазрати Махдумий риҳлат пайтида васият қилдиларки, Хожагон боғчасининг бу ниҳоли сизнинг тарбият боғингизда бўлсин. Ҳазрати Махдумзода бузурглик мартабасида кичикроқ бўлганларидан Ҳазрати Хожай Калон Хожай Жўйборийдан ва бу зот улуг ёшда эканлиги-

ни ҳисобга олиб, вафот айёми етганда, ҳаёт вақти тугади. Панжшанба куни сафар ойининг 5-куни санаи 971 ҳижрий (милодий 1563 йил 24 сентябрь куни) Ҳазрати Хожаи Жўйборий улуғ ёш яшаб чексиз илоҳий раҳмат дарёсига гарқ бўлдилар. Фохираи Бухоро вилояти қаряларидан Суминтан мавзёида дафн бўлдилар. Ҳазрати эшон вафоти тарихида «Амния» китобининг соҳиби Мавлоно Муҳаммад Амин муфти бир мисра тарихни қабул тавқеига етказдилар. Тарих:

Муқтадон аҳли олам сайиди аҳли замон.

Яна Мавлоно Муҳаммад Қосим муфти ул ҳазрат вафоти тарихини шундай тасвир этганлар. Тарих:

Муҳити баҳри урфон Хожаи мо,  
Ба зоҳир хун зи чашми толибон рафт.  
Жаҳон бар орифон мотамсаро шуд,  
Ки он пушти паноҳи бекасон рафт.  
Дар ин мотам нидо меомад аз ғайб,  
Дареғо қутби ақтоб аз жаҳон рафт.  
Мани ғам дида аз баҳри тарих,  
Бигуфтам қутбул-ақтоб аз жаҳон рафт (971).

(Мазмуни:

Хоҷамиз урфон баҳрининг муҳитидир.  
Зоҳирда толиблар кўзидан хун келди.  
Орифларга жаҳон мотамсаро бўлди,  
Бекаслар пуштипаноҳи кетди.  
Бу мотамда ғойибдан нидо келди,  
Дариғо қутби ақтоб жаҳондин кетди.  
Ғам кўрган мен тарих учун,  
Дедим «қутбул-ақтоб жаҳондин кетди».)

Яна Мавлоно Мушфиқий шоирки, ашъор баҳрларининг сузувчиси, обдор байтлар ғаввосидир, Хожаи Жўйборий вафоти тарихига шундай дурни изҳор соҳилига чиқазди. Тарих:

Чу рафт аз жаҳон Хожаи Жўйборий,  
Намонд об дар жўйбори ҳақиқат.  
Хирад баҳри тарих соли вафоташ,  
Рақам зад. кн «Султони соҳибтариқат».

(Мазмуни:

Хожан Жуйборий жаҳондан кетгач,  
Ҳақиқат жуйборида сув қолмади.  
Вафоти тарихи учун ақл —  
Битди, ки: «Султони соҳибтариқат» (971).)

## ШОҲ ТАҲМОС ВАФОТИ ТАРИХИ.

Ироқу Хуросоннинг тамоми шаҳарлари подшоҳасос шоҳ Таҳмоснинг уҳдаи тadbир ва тасарруфида эди. Ун икки яшарлигида, яъни ўсмирлик даврида давлат сарири ва салтанат тахтига ўлтирди. Аҳли шиъа мазҳаби кўпроқ унинг даврида тарқалди. Шоҳнинг ҳаёти муддати 66 йил бўлди. 54 йил давомида тўртинчи иқлимда ақлдек комронлик ва жаҳонбонлик юлдузи бўлди. 6 жиҳатдан мамлакати майдонида тўрт ўринли унсур оламдан ғулғула тинди. Мавлоно Муҳташам Кошонийким суханворлик ва диққатпарварлик додини берган шоҳ ҳаёти муддати ва давлати умрини назмий таъмия либоси билан беади. Таъмия:

Ниҳон кун дурри гавҳари шоҳро,  
Ки зоҳир шавад муддати умри шоҳ.  
Чу жони жаҳон буд, маълум кун,  
Зи жон муддати шоҳии подшоҳ.

(Мазмуни:

Шоҳнинг дурру гавҳарин яширгин,  
Ки шоҳ умри муддати зоҳир бўлгуси.  
Жони жаҳондек эди, маълум қил,  
Жондан подшоҳ шоҳлиги мудлатин.)

Ҳисоб арбобининг маълумидурки, шоҳ лафзи ҳар доим бенуқта бўлгуси. Шин ҳарфи Син ҳарфи билан олмашади. Бу сурат 66 ни ҳосил этади. Бу ҳаёти муддати дур. Хон салтанати давомати жондир- 54 ни беради. Қазо неча кун ҳаёти муҳлатини берган. гардуни дун ва чархи буқаламун иқбол тангасини унинг номига сўқди. Шундан бемадор фалакнинг мадори ва чархи ситамкорнинг қарори ва унинг эътиборининг эътибори йўқ. Санайи 984 ҳижрий (милодий 1579) йилда борлиқ раф-

тори фано дарвозасидан йўқлик шаҳрига тортди. Мулло Муҳташам Қоший Шоҳ Таҳмос вафоти тарихини яхши айтган. Тарих:

Шоҳи шоҳнишон подшоҳи жаҳон,  
Шаҳаншоҳи офоқ Таҳмос шоҳ.  
Дареғо, ки ногоҳ дар парда шуд,  
В-аз он дард жаҳон шуд сиёҳ.  
Пайи соли тарихи ин воқеа,  
Фалак зад рақам фавти гетипаноҳ.

(Мазмуни:

Шоҳнишон шоҳ жаҳон подшоҳи,  
Жаҳон шаҳаншоҳи Таҳмос шоҳ.  
Дариғо, ки ногоҳ пардада қолди,  
Шундан жаҳон аҳли дарди қора бўлди.  
Вафоти тарихини суриштирдим.  
Фалак рақам чекди: фавти гетипаноҳ (984).)

Шоҳ Таҳмос бебаҳо ҳаёт қабосидан жудо бўлгач Шоҳ Исмоил шоҳлик тожини бошига қўйди ва подшоҳлик ва мамлакатдорлик хилъатини елкасига ташлади. Мулло Муҳташам Қоший Шоҳ Таҳмос вафоти ва Шоҳ Исмоил жулуси муносабали билан қуйидаги байтлар мисрасида тарих битди. Тарих:

Шоҳи фалаккаваба Таҳмос шоҳ,  
Подшоҳи муҳтарами муҳташам.  
Ваҳ, ки чу пардохт зи тасхири мулк,  
Гашт мусаххар чун мулки Ажам.  
Шукр, ки аз кишвари дониш шаҳс,  
Гашт шаҳаншоҳи билоди Ажам.  
Бар варақи даҳр ду тарих хост,  
Муншини даврони Аторуд рақам.  
Аввал аз он хусрави жаннатмақом.  
Охир аз ин шоҳи муборак қадам.  
Марги худованди жаҳон гашт сабт,  
«Даври шаҳаншоҳи Ажам» (984) шуд рақам.

(Мазмуни:

Юлдузлар фалагининг Шоҳи Таҳмос шоҳ,  
Муҳташамнинг муҳтарам подшоҳи.  
Мулк тасхирини қиёмига етказгач,

Ажам мулки мусахҳар бўлди.  
Шукрки, Дониш кишваридандир шоҳ,  
Ажам шаҳарлари шаҳаншоҳи бўлди.  
Замон варағига икки тарих истади,  
Аторуд рақам даврон муншийси.  
Аввал жаннати подшоҳ учун,  
Кейин бу муборак қадам шоҳ учун.  
Жаҳон шоҳи ўлими сабт бўлди,  
Ажам шаҳаншоҳи даври рақам этилди.)

Яна Муҳташам Коший Шоҳ Исмоил жулусига олти-та рубоий ёздикн, ундан 1128 санаси (милодий 1716 йил) тарихи чиқарилади. Аммо муддао келинининг давомли муддати яширин пардада ҳижланишин эрди. Закий табълар унинг маъниси тасарруфида ботил қолган эдилар. Матлаъ шоҳидини яширин курсида мутажалли этмадилар. Балки баъзи норасолар иддао, деб тушунганлар. Санайи 1087 ҳижрий (милодий 1676) йилда ҳазрати замон хоқони хилофат макон Сайид Абдулазиз Баҳодирхон Самарқанди фирдавсмонанд ҳокимлигига эришди. Аср фозиллари бунинг тарихини чиқаришда шошилишмаган. Ҳазрати устоди маоний халлоқи малозий Мавлоно Шарафуддин Ҳаррақонийга мурожат этганлар. Бу ҳол ҳазрати оллоҳнинг соясига маълум бўлганки, ҳеч ким маъно уҳдасидан чиқолмаган. Ул зотни талаб қилиб, амр қилганлар. Мавлоно бироз таважжуҳ маълум қилиб рақам шабақисини қўйиб хатосиз тарихни чиқарганлар. Бу хат замон уламози ва даврон фозиллари таҳсинига сазовор бўлди. Ҳазрат замон хоқони учун эса илтифотининг тўлиб тошишига сабаб бўлди. Уша олти рубоий қўйидагилардир:

Масо шуд чу зи сунъ розиқи пок Жалил,  
Мулк мулки фалак мадоро таҳвил.  
Мар мулки таҳаммул, ки аҳам буд аз лутф,  
Даҳр он ҳама афканад ба Шоҳ Исмоил.

Мекард чу сикка чи соҳиби марбил,  
Нақдеки иёр будаш аз асли жалил.  
Сикка чу расонид ба тамйизи мулук,  
Фарқ, ки меод ба шоҳ Исмоил.

Дар лақяки восеъи ин базми жалил,  
Андар дами имтиёз бо саъйи жамил.



Чун дарки яко як аз жаҳон бинад дур,  
Дарки ҳама бор дарки шоҳ Исмоил.

Аз мулки мулуки то дар ин сабти жалил,  
Қ-ораста сад балда зомини жамил.  
Ҳар кунҷ ғар ободи гетии духур,  
Гирд омада бод вақфи шоҳ Исмоил.

Ибни шоир агарчи аз ҳисси қалил,  
Бе добои роҳи алами таҳсил.  
Дар ҳар фанаш дӯлоба аз аҳли жаҳон,  
Донанд ба лоф чеҳри Исмоил.

Он ро аз ҳалласуст жамил,  
Аз майли дару беҳ, ки намоям таъжил.  
Қ-ошӯби навои фараҳ буд дар дил,  
Афканд тарафи номаи шоҳ Исмоил.

(Мазмуни:

Шом бўлди яратувчидан ризқ, пок Жалил,  
Фалак мадор мулк берди бизга.  
Лутф этиб берди мулки таҳаммул,  
Даҳр унинг барчасин Шоҳ Исмоилга ташлади.

Тўп соҳиби шундай танга зарб эттики,  
Тоза нақд эдики, асли жалил тангридан.  
Тангани маликлар тозалаб суртганда,  
Фарқки ой берди Шоҳ Исмоилга.

Такияда тузилди улкан бир базм,  
Имтиёз пайтида чиройли ҳаракат билан.  
Бир-бир тушундилар жаҳондан узоқроқ,  
Барчанинг фикри юк, Шоҳ Исмоил фикри.

Маликлар мулкидан бу улкан ёзувгача,  
Гўзал омин билан юз шаҳар обод этилди.  
Жаҳон, дунёнинг ҳар кунжи обод, барчаси,  
Шоҳ Исмоил вақфига тўплангай.

Шоир ўғли агар чўлтоқ ҳиссидан,  
Ҳосил олами йўли таптанасиздир.  
Жаҳон аҳлида дӯлобдир ҳар бир фанда  
Исмоил юзи бунӣ лоф, деб билур.

Унга бу ишлар ҳал этиш гўзал,  
Унда майлдан тезлатган маъқул.  
Шодлик навоси дилга оромдир жўшган,  
Шоҳ Исмоил номаси тарафга отди.)

Мулло Муҳташам бу қитъани унинг изоҳи учун ёзди. Қитъа:

Аз ин шаш рубои, ки килкам нигошт,  
Зи баҳри жулуси хадеви замон.  
Ҳазору саду бист тарих аз ў,  
Қадам зад берун ҳашт афзун бар он.  
Бад ин сонки аз ҳар ду мисраъ заданд,  
Баҳам холдорон дам аз ақрон.  
Дигар содагон бас карда нахуст,  
Ба сони акси он ҳамчунон.  
Чу шуд зин чаҳор ақрон дар адад,  
Ҳазор саду чаҳор матлаби равон.  
Зи ҳар мисраъ низ бар вай фузун,  
Яке аз таворих мўъжазбаён.

(Мазмуни:

Бу олти рубоиданки қаламим ёзди,  
Замон шоҳи жулуси муносабати билан.  
Ундан мингу юзу йигирма йил ўтди,  
Ташқари қадам босди, саккиз қўшилгай.  
Шунданки, ҳар икки мисрадин олинур,  
Қўшилур нуқталиклар яқиндан.  
Яна содлар дастлаб тугатур.  
Шунингдек йиғилган соннинг акси.  
Бу тўрт ақрон ададдан чиқарилди,  
Бир мингу юзу тўрт талаб қилинган.  
Ҳар мисрадан унга яна қўшилур,  
Тарихлардан ушбу мўжаз баён.)

Бундай шабака вазъи шунданки, ҳар мисранинг нуқтали ҳарфлари олинса, санаи 492 ҳосил бўлади. Нуқталик ҳарфлар биринчи мисралардан олинади, ҳар мисранинг нуқтали ҳарфлари 984 ни ҳосил қилади. 24 сана чиқади. Шунингдек иккинчи мисра нуқтали ҳарфлар топилади. Учинчи — «сомин», тўртинчи — «битоби», охиригача нуқтали ҳарфлардан мисраларнинг 276 сана ҳосил бўлади. Бенуқта яқин ҳарфлар ва нуқтали ҳарфлар

ва унинг акси: фитааммул. Яна Муҳташам Қошоний  
Шоҳ Исмоил жулуси шарафига бир қасида ёздики, ул  
қасиданинг ҳар мисраси жулус тарихини билдирур. Уш-  
бу байт ўша қасидадандр. Тарих:

Беҳки дар ин гуфтам мўъжазбаён —984.

Дарж бувад номи худои жаҳон —984.

Шукурки гўям карими аҳад —984.

Жон деҳ пурсиши жон ситон —984.

(Мазмуни:

Ушбу мўжаз баён ёзганимда беҳроқки

Жаҳон худосининг номи дарж бўлгай.

Шукур дейман, карими аҳад,

Жон олувчи сўровига жон берай.)

Яна Муҳташам Шоҳ Исмоил жулуси шаънига бир  
мисра шеър битган:

Шоҳ Исмоил одил, подшоҳи бебадал.

Шоҳ Исмоил ўн бир йилча салтанат тахтида ўлтур-  
ди. Кейинги йили охираг мулки сари юз бурди. Мулло  
Муҳташам Қошоний икки мисра тарих битган. Бир мис-  
раси шоҳ жулуси тарихини берса, иккинчисидаги вафо-  
ти тарихидир. Тарих:

Шаҳаншоҳи жамжоҳу гетипаноҳ,

Ки меҳўрд гардун бадоташ қасам.

То подшоҳи зерин замин,

Ба соли дигар дар адам зад қадам.

Ду тарих з-ин банди хост фикр,

Ки бар лавҳи олам нигорад қалам.

Яке Баҳри Жомаш дару қалами даҳр,

Дигар баҳри аз маш ба мулки адам.

Шаҳаншоҳи рӯи замин гашт банисбат, 984.

Шаҳаншоҳи зерин замин шуд рақам, 984.

(Мазмуни:

Жамшид мартабали шаҳаншоҳ гетипаноҳ,

Гардун оташга қасам ичди.

Кейинги йил йўқлик сари қўйгай қадам,

Бу бандадан икки тарих сўради фикр.

Олам лавҳига уни қалам чекди.

Бири Жамшид учун даҳр қалами,  
Бошқаси йўқликка кетиши учун.  
Нисбати ер юзи шаҳаншоҳи бўлди,  
Шаҳаншоҳи зери замин ёзилди.)

Шоҳ Исмоил вафотидан сўнг Султон Муҳаммад бутун Ироқу Хуросон мамлакатларига подшоҳ бўлди. Муҳташам унинг тахтга ўлтириши шаънига ҳам қасида ёзди. Ул қасиданинг ҳар мисраси тарихга айланди. Бу икки байт ўша қасидадан. Тарих:

Ёраб ар иззи илоҳи қарнҳо дорад нигоҳ — 985.  
Жои шоҳони жаҳон Султон Муҳаммад подшоҳ — 985.  
Ҳомии шаръи муалло мулжоъи дини наби — 985.  
Молики даҳри Ҳумоюн на ният дайҳимгоҳ — 985.

(Мазмуни:

Ё раб иззи илоҳий асрлар кўриб турса,  
Жаҳон шоҳлари жойини Султон Муҳаммад подшоҳ.  
Олий шариад ҳомийси, дини наби қибласи,  
Шоҳлик даврони молики, тож нияти эмас.)

Санайи 985/1577 йилда Абдуллоҳ Баҳодирхон Фохира Бухоро вилоятида Чаҳорсуӣ тимини бино қилдилар. Газламафурушлар учун пурдиққат устодлар ҳикмат юзасидан шундай тилсим басталадиларки кордон муҳандисларнинг ақл кўзи ҳайратда қолди. Уларнинг басират дийдалари бу иморат айвонида саргардондир. Бу Чорсу тимининг олти дарвозаси савдо аҳли учун очиқ, унда ҳар нарса сотиларди. Қасод жинс ҳам бу ерда ноёб саналарди. Бу иморат ўртасида Чорсу асосининг тилсимини басталадилар. Чорсунинг боши ошиқ бошидек ҳеч вақт савдодан холи бўлмасди. Вилояти Ҳиротда тугилган Мулло Маҳвий Аттор вақт шоирлари тоифасидан бўлиб, бу паргор бинонинг қурилгани тарихини мушк сочувчи қалам билан саҳифани атрнингор этди ва бу ширин байтларни ўша сангин иморатда рақам қилдилар. Тарих:

Ёфт итмом тимн зебое,  
Дар замони шаҳаншоҳи аъзам.  
Номдор билоду ҳафт иқлим,  
Шаҳриёр карда тарки Ажам.  
Шарафи хонадони Шайбони,  
Мазҳари лутфи ҳазрати Одам.

Хони гардунсарир Абдуллоҳ,  
 Подшоҳи мамолики олам.  
 Тобеи раъйи олияш Жамшид,  
 Сойили хони ҳимматаш Ҳотам.  
 Аз сари сокинони мулки жаҳон,  
 Сояи давлаташ мабодо кам.  
 Инчунин манзили насохт касе,  
 Ин бинои сипеҳр то ин дам.  
 Дилкашо чун ниғорхонаи чин,  
 Хушҳаво ҳамчу бӯстони Эрам.  
 Ҳамчу жаъди мусалсали хубон,  
 Шуди занжирҳош ҳам дар ҳам.  
 Тарҳи зебон ӯ адимул-масал,  
 Вазъи ширини ӯ лутфи алам.  
 Аз сифаташ муъжиз асг забон,  
 В-аз камолаш муаттар аст қалам,  
 Накашида фалак чунин тарҳе,  
 Дар замони Қубод, Ҳусраву Жам.  
 Бонии ин бинои олийбод,  
 Қарнҳо дар жаҳон ба хайлу ҳашам.  
 Ҳар чи коҳи қалам кашада дар ӯ,  
 Ғайри ҳарфи жафоъу нақши ситам.  
 Килки маҳви з-бахри тарихаш,  
 «Тими зебон шаҳр» (985) карда рақам.

(Мазмуни:

Зебо тим қурилиб тугалланди,  
 Шаҳаншоҳи аъзам замонида.  
 Номдор шаҳру етти иқлим.  
 Шаҳриёр Ажамни тарк этди.  
 Шайбони хонадони шарафи,  
 Ҳазрати Одам лутфи мазҳари.  
 Гардун мартабали Абдуллоҳхон тахти,  
 Олам мамлакатлари подшоҳи.  
 Жамшид унинг олий раъйига тобеъ,  
 Хони ҳимматидан Ҳотам сӯзлайди.  
 Жаҳон мулки аҳли бошидан,  
 Сояи давлати кам бўлмасин.  
 Ҳеч ким бундай бино қурмаган,

Бу олий бино шу кунгача,  
 Чин нигорхонасидек дилкаш,  
 Эрам бўстонидек хушҳаво.  
 Ғузаллар жингалак сочидек,  
 Занжирлари буралган.  
 Зебо тарҳи тилларда дoston,  
 Ширин кўриниши олам лутфидир.  
 Сифатидан ожиздир забон.  
 Камолидан қалам муаттар.  
 Фалак бундайн тарҳни чизмаган,  
 Қубод замонида, Ҳусраву Жамшид ҳам.  
 Иморат биноти олий бўлгай,  
 Асрлар жаҳонда барча халққа, ҳашамга.  
 Не десанг, қалам уни чекади,  
 Жафову ситамдан ўзга сўзларни.  
 Қалам лолдир тарҳни битмакдан,  
 У битди: «Шаҳарнинг зебо тими», деб.)

Санайн 986 ҳижрий (милодий 1578) йил эдики, Абдуллоҳ Баҳодирхон ноиблари Самарқанд қалъасини муҳосара қилдилар. Ушанда Самарқанд вилоятининг библистиклол ҳокими Жавонмардалихон эди. Уч ой давомида одамлари қатлу қабал қилинди. Уша вақт Бобохон Тошкандий Тошканд, Туркистон ва Дашти Қипчоқнинг жамеъи лашкари билан Самарқанд аҳлига мадад бериш учун келди. Абдуллоҳхон навоби маҳобатасар хабарни эшитиб, лашкари қўп бўлишига қарамай Самарқанд қалъаси қамалини бўшатиб, Зомин ноҳияларида Бобохон лашкари қаршисидан чиқиб, жанг қилмоқчи бўлди. Бу фурсатда илғор қисмдаги зўр билакли ботирлар шундай қаттол жанг бошладиларки, қон ул даштда ҳар томонга сув каби оқди. Чунонки, даҳр кўзи ундан ҳануз пурхун ва афлок этаги шафақдан лолагундир. Охирида Абдуллоҳ Баҳодирхон тарафдан фатҳ шамоли эси ва Бобохон тарафга юришга қарор берди. Абдуллоҳхон таъқиб этиб, Тошканд ва унинг ноҳияларини тасарруф этди. Бу вилоятда Дарвешхонни қолдирди. Зоминни фатҳ этилишига Қози Поянда жуда яхши тарих битган. Тарих:

Зи алтофи худованди жаҳон иззу жалл,  
 Фатҳе дидики набудаш шубҳа ба дил.

Солу маҳу рӯзи фатҳро шуд тарих,  
Одинааш панжуми Жумадул аввал.

(Мазмуни:

Иззу жалола жаҳон худованди лутфидан,  
Шундай фатҳни кўрдинг, ки дилда шубҳа йўқ.  
Фатҳнинг йилу ою, куни тарихи,  
Жумодул аввал ойининг бешинчи жумъаси.)

## ХОЖАИ ХОВАНД ВАФОТИ ТАРИХИ

Ҳусн мамлакатада подшоҳ ва латофат силехрида ой-дек бўлган Хожа Хованднинг жамолидан жаҳонтоб офтоб иқтибос нурин оларди. Балки, ой ҳоладан ихлос тавқини ихтисос гарданига бандавор ташларди. Бухоро вилояти аъёнларининг нодири, балки замон чашмининг мардумаки эди. Ҳамиша Абдулла Баҳодирхон наввоблари ва олийшон хоннинг бошқа арконлари ул навжавон суҳбати ништиёқида эдилар. Аммо ҳали ёшлик гулзоридан комронлик гули бахшида этилмай туриб, санаи 986 ҳижрий (милодий 1579) йилда ул омулу омонлик боғининг ниҳоли йигитлигининг аввалида азалий боғ сари равона бўлди ва вафот этди. Ҳусн шоҳи ва дилбари бўлган Ховандшоҳ вафотига Қулбобо Қўқалтош ажойиб тарих битганлар. Тарих:

Шоҳи Хованд аз миёни гулрухон,  
Рафт дар боғи жаҳон хурсанд монд.  
Шуд бар ў мафтуҳ дарҳои биҳишт,  
Лек дилу рифқаташ дар банд монд.  
Хостам тарихи ў аз ақл, гуфт:  
Боз мулки ҳусн бе Хованд монд (986).

(Мазмуни:

Гулрухлар орасидан Шоҳи Хованд,  
Кетди. Жаҳон боғида хурсанд қолди.  
Унга беҳишт эшиклари очилди,  
Лекин дилу сахийлиги бандда қолди.  
Ақлдан вафоти тарихини сўрадим, деди:  
Яна ҳусн мулки Ховандсиз қолди.)

Абдуллахоннинг муътаמיד ва сара навобларидан бўлган Меҳтар Қосим санаи 986 (милодий 1579) йилда

Кухак дарёси устига Гиждувон вилояти қасабасида кўприк қурди, ўн уч равоқдан иборат эди. Балки сув юзига бир гилам чекди, ки кордон ақл унинг тасаввуридан ҳайрондир, хурдадон фаросат саргардон мавж устихонидир. Бу дарёни бир неча дарёчаларга бўлиб юборди. У ўз йўлига яна бир неча шўьбаларга тақсим бўлади. Яна ундан наҳрлар пайдо булурларки, улардан қишлоқлар маъмурдир. Донишворлик дарёсининг ғаввоси, фозилатли ашъорлар баҳрининг шиновари Мавлоно Мушфиқий бу олий кўприк биноти муносабати билан тарих назм этганлар. Фикр юзасидан шундай деганлар. Тарих:

Зи таҳти ў гузарад, мо зи фавқи ў гузарем,  
Аз он сабаб шуда тарихи ў гузаргоҳи мо.

(Мазмуни:

Сув ушинг остидан, биз эса устидан ўтамиз,  
Шу сабаб тарихи «гузаргоҳи мо» (987) бўлди.)

Санайи 987 ҳижрий (милодий 1580) йилда Абдулла Баҳодирхоннинг хоқон нишон навоби Турон мамлакатлари тасхири учун чексиз аскар билан биёбондаги сарсар мавжидек юриш қилди. Андек масофа йўл босиб Уратепа вилоятига етишди. Қалъа дарбандини гайрат шамширининг мушкулкушой калиди билан очдилар. У ердан бошқа вилоятга жўнадилар. Бу фатҳнинг тарихини Мушфиқий «риояти шоҳ» деб топди. Саъдахтар хон ва зафар сийяр хоқоннинг маҳобатасар хабари Бобохон ибн Бароқхон ҳуш қулоғига етишгач, Бобохон ҳам тамоми қирғиз ва қозоқ лашкари ва Дашти қипчоқнинг чексиз сипоҳи билан ул зотнинг истиқболига чиқди. Ҳар икки лашкар бир-бирига дучор бўлгач, ҳарб оташи шундайин аланга олдики, жоншикор ўқ лочинининг пару боли қаттол маъракасида куйиб кетди. Қорақанотли зон камондан қулай ошёнаси кунжида орому қарорини йўқотган эди. Жавҳар шамшир сиртидан тер қатраларидек хунхор лашкар дарёсига ғарқ бўларди. Найза илони жанг қизигидан ўз азали бошини жавшан гиреҳидан чиқармади. Туфанг муҳрлари аланга сингари ҳар тарафга беихтиёр учарди. Каманд торлари ҳарф шуъласида ўт қаршисидаги қилдек товланарди. Маснавий:

Зикри зи сутурони хайли сипоҳ,  
Ба рухсор з-ў парда хуршиду моҳ.



Зи суми сутурони саросар шитоб,  
Фитода ба нофи замин печу тоб.  
Баромад чу аз кўси рўйин хурўш,  
Ялонро зи валади устихон мағзи ҳуш.  
Зи фарёдсапжи фиғонҳои сур,  
Битарсанд, ажал шуд гурезон зи дур.

(Мазмуни:

Сипоҳ хайли баҳодур зикри,  
Юзига парда, хуршиду ойдек.  
Баҳодирлар изидан саросар елиб,  
Ер бағирлаб ётарди муңгайиб.  
Рўйин нағорадан овоз янгради,  
Ботирларнинг ҳуши бошидан учарди.  
Сурнай садоси-ю гулгуллашдан,  
Ажал ҳуркиб қочди нари.)

Ушанда душман лашкари азимат майдонидан ҳаракат жиловини тортиб, йўқлик водийсига юзлашдилар. Ҳа, енгил учиб юрувчи хас нимаси билан кеккаяди; тол селга дош бера оладими, кабутар тўдаси лочин боласи шаҳбоз бўлганда қўрқувдан нима қила оларди. Бобоҳон енгилишининг тарихини ҳам Мулло Мушфиқий ёзганлар. Саҳифа майдонида қалам найзасини шундай жавлон эттирганлар. Тарих:

Ва ўборо шикаст, ақл гуфт,  
Аз пайи тарих Боборо шикаст (987).

(Мазмуни:

Ўбони буздида, ақл деди:  
Тарихни излади: Бобони енгди.)

Охири Бобоҳоннинг муқоталага тоби, мужодалага журъати қолмай, Тошканд вилоятига келиб ўрнашди Соҳибқирон Абдуллаҳоннинг бу фатҳини тўртинчи фатҳ деб ёзадилар. Чунончи, балоғатшиор фозиллар, фасоҳатли зарифлардан баъзиси тарихлар ёздилар. Жумладан, нозикбаён Мирзо Қосим девон бу фатҳ тарихини шундай ёзганлар:

Жаҳонгир Абдуллаҳон, ки ояд зи бимаш,  
Адувро жигаре пора-пора.  
Ба тасхири Туронзамин хони одил,  
Равон шуд баҳалли барон аз шумора.  
Ба шабехун расиданд чун боди сарсар,

Гузаштанд чобуксуворон сувора.  
Вале хон гузаштанд жанг ончунон шуд,  
Ки чашми фалак хира шуд з-он паззора.  
Чунон мунҳазам шуд адув бори чаҳорум,  
Ки гар хости мешуд аз сар манора.  
Дар он таб зи тарихи ин хон гуфт,  
Шуд аз соиду мунҳазам чор бора.

(Мазмуни:

Жаҳонгир Абдуллахон келди, ундан қўрқиб,  
Душман жигарини пора-пора қилди.  
Одил хон Турон заминни олиш учун,  
Юриш бошлади шавкат билан саноқсиз.  
Тунда босиб етишди сарсар каби,  
Отлиқлар улар бошига тўкилишди.  
Вале хон етиб, шундай жанг бўлдики,  
Фалакнинг кўзи унинг тамошосидан хира тортди.  
Душман шундай енгилдики, бу тўртинчи бор эди,  
Каллалардан минора яшаш мумкин эди.  
Шу кечаси ул хон тарихидан деди:  
Ундан адув тўрт бор енгилди.)

Шундан сўнг Бобохон бир неча марта яна Фаридун-фар хон устига лашкар тортди. Жанг қилиб, давлат ёр, саодат ҳаводор бўлмагач, яна илгаригидек унинг сапоқсиз лашкари тор-мор келтирилди. Охири азалий ватанидан тамоман дил узиб, қочинишга қарор берди ва Улуғбек тоғи сари кетди. Абдуллахон тўхтамай уни таъқиб этиб, озгина ҳаракат билан Тошканд вилоятини ўз тасарруфига киритди. Беминнат ҳашаматли саронарда ўрнатилиб, қатли ом этишга ҳукм этилди. Бу ердан соҳибқўбол хон жон рикобига оёқ босиб, таваккал жинловини тақдир дастёрлигига топширдилар. Йўл юриб, Улуғтоғ заминнида душманга дучор бўлдилар ва бир ҳамла билан Бобохонни қатл этдилар. Унинг қатли тарихини «Бобон золим» (987) деб топдилар.

### **ҲАЗРАТИ ҚОСИМШАЙХИ АЗИЗОН, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Қудватул-восилни, усватул-орифни, қутбуд-даврон, гавсул-армон Ҳазрати Қосимшайхи Азизон, қуддиса сирруҳу, оллоҳ маорифи, урфон тариқи зоти, сифати ва ҳақойиқашё шундай жойга етказдики мосуллоҳ ўз

хотирини чеклаб қўймади... Мавлоно ҳазрат Вали Азизон Кўҳзорийдан тарбия топганлар. Ҳазрати Мавлоно иродат қўлини маржаъулавтод, иршод аҳлининг паноҳи, қутбул-ақтоб Ҳазрати Шайх Худойдод, қуддиса сирруҳу, этагига уриб, авлиёлар улугига айланди. Нақл қиладиларки, Азиз замонида Абулхайр Султон ибн Жавонмард Алихон подшоҳи аср эрди, иродат қўлини он ҳазрат мулозимларига беришни истади... Ҳазрати Азизон, қуддиса сирруҳу, ходимлари силки ва бандалари қаторида бўлишни ул ҳазрат хоҳлади. Аммо қабул даражасига етиша олмади. Охирида ҳазрати асудул-мутақаддимин, қудватул-мутаахирин, бурҳонид-дақиқийн, ҳақойиқ огоҳ махдум ҳазрати Мавлоно Исматуллоҳ, қуддиса сирруҳуга илтижо қилиб, ул ҳазрат шафоати билан асҳоб ва аҳбоблари қаторига киргай.

Ҳазрати Мавлоно олийнасаб султонни заруратан халойиқпаноҳ ул саропардагоҳ хонақоҳига элтдилар. Маъзур тутдиларки, агар... жонни тавба чошнасидан ширин этгай, умиддирки, сиёсат рақамини аъмоли жаридасидан маҳв этгай. Иттиҳод юзасидан бу икки бузруг бирга эди, Иқбол мартабасига етдилар. Ҳазрати Мавлоно султон қўлини ҳазрати Азизон, қуддиса сирруҳу, пок қўлига топширдилар.

Яна ёзишларича, Абдулла Баҳодирхоннинг мулозамат иродалари ул ҳазратга тушиб, Бухоро вилояти худудидан чиқиб Кармина вилояти тарафга йўналдилар. Бу ҳол суврати ҳазрати Азизон пок хотирлари хонаси оинасида зуҳур нурини ташлаб, дарҳол истиқболга чиқдилар. Карминадан ўтганларида пиёда ва суворийлар оқ нурга ўхшаб чўли Малик тарафдан пайдо бўлди. Бошланг, бўйнидан ип бойланган ва занжир ушлаган киши яқинлашганда, билдиларки ялангбош Абдуллахон экан, у шоҳлик тожини бир ён қўйиб, эътиқод арқонини жон гарданида тутган. Яна бири Жонкелди бий эдики, ул зотга ихлос ипининг учини қўлидан қўймаган эди. Иродатнишон хон Ҳазрати Азизонга арз қилиб, Хомрабоддан жаҳонпаноҳ хонақоҳигача ерларни назр қилдим, деди. Шу тариқа ул дамда ҳазрат дедиларки, хонақоҳдан мақсад фойизул баракот ҳаётимиз қасридир. Мисра:

Мақсуд тун, каъбау бутхона баҳона.

Шундан сўнг арз қилдиларки, биродарим Хусрав ўлдирилди. Самарқанд ва Тошқанд подшоҳлари билан муораза қилиш қўлидан келмайди. Рухсат берсангиз Қаъбаи Шарифа сари жунасам.

Хон сўзларидан ул ҳазратда улкан ғайрат пайдо бўлиб, муборак жубба ва дасторларини соҳиб саодат хонга кийдирдилар. Ўз муборак қўллари билан соҳибқирон хонни отга миндирдилар ва дедилар: «Бундан буён кўраман, ким сени бу отдан пастга тушираркин». Хон ихлос юзидан эшон оёғига ўзини ташлаб, мурид бўлди. Ҳазрат Азизон дедилар: «Биз сенинг дуоғўйингиз!». Уша йили Соҳибқирон ул ҳазрат нафаси баракотидан ганимларга барҳам бериб, Самарқандни ўз тасарруфи остига киритди. Бир кун ўтгач ҳеч ким унга муориз ва муқобил бўлмади. Бир қанча вақт ўтгач хоқоннишон Соҳибқирон хон ҳазрати Азизонга арз ёзиб, ўз қобилиятсизлигини, «бу бандани муридлар ва мухлислари силкига киритмаганликларидандир, деди. Абулхайр Султоннинг туғма қобилияти унинг ихлос юзидан намоедир. Уни аҳбобу асҳоблар сонига қўшдингиз!» Онҳазрат шубҳа уйғотувчи саволга тўхтовсиз жавоб ёздилар. «Абулшарр бўлур, агар уни иродат халқасига киритмасак. Унинг шароат бўрсини тавба занжирида сақламасак, ганимлар ҳар йўл билан осойиш пўстинини тортиб олгуси. Жамеъи авоми кол-инъомни рўйхат қилиб, ҳазрати ҳақ жалл ва аъло уларга бехтарлик ва меҳтарлик ва адолатчи, раиятгарвар, деб аҳоли носиясига рақам тортгандир. Истиқомат қоматингни имтиёз ихтисоси либосига ўради. Шундай экан бизга қандай иродат эҳтнэжинг бор?». Абдуллахон ҳазрат Азизон қуддиса сирруҳу сўзларидан таскин топди.

Нақл қилдиларки, ҳазрати Азизон Самарқанд вилоятида зоҳидлик қилганларида Ҳазрати аъламул-уламо, маржаъул фузало, раббоний оятлар муфассирни, ҳазрати рисолатаноҳ ҳадислари муҳаддиси мавлоно Маҳмуд Гилонийга, ки роқимнинг катта боболаридир, китоб қилиб, дедиларки, имони мавло китобга асосланади. Ҳазратларида бирор иштибоҳ туғилса, китобга қарасинлар. Китобимиз сизники...».

Бу сўзлар хотираларига стиб, маъно дедилар: Ҳазрати Мавлоно Маҳмуд ул оёт, ҳадислар ва ақобирлар сўзлари маъносидан муқаввийдурлар, шундай сўзладилар. Кейин ҳазрат бошқа маъно дедилар: Шундай

қилиб ҳазрати охунд ҳам муайян сўзладилар ва хуруж қилдилар. Беш марта бу ҳол қайтарилди. Кейин маъно файзлари мабдаида ул ҳазрат сафоназир замирларидин шундай маъно жой олди. Унинг маъно байъини дедилар. Ҳазрати мавлоно сукут сақлаб, дедилар: бошқа англаёлмайман... Санан 989 ҳижрий (милодий 1581) йилда жисмоний оламдан руҳоний жаннат боги сари жўнадилар. Қутбул-аброрнинг файзосор, фойзуланвар жойлари Миёнқол вилоятида Кармина қасаба-сидадир. Бугунги кунда аҳли ҳожат ва аҳли муножот қибласидир. Баъзи фозиллар ҳазрати Азизон вафоти тарихини шундай ёзганлар. Тарих:

Муқтадойи замона шоҳу гадо.

### **БАДАХШОН ФАТҲИ ТАРИХИ**

Абдулла Баҳодирхон замини лаъл кони бўлган Бадахшонни сулаймонвор олмоскирдор табъи билан ўз тасарруфига киритди. Фозиллардан бири хон фатҳи тарихини жуда яхши ёзган. Жумладан, Мавлоно Нахлий ҳар сафҳа майдони мисраъси бошини Эрам соҳиби сингари ораста қилдилар. Тарих:

Хост Нахлий аз хирад тарихи соли фатҳи хон,  
Гуфт ақли хўрдабин мулки Сулаймон гирифт.

(Мазмуни:

Нахлий ақлдан хон фатҳи тарихини сўради,  
Оқил ақли деди: Мулки Сулаймон гирифт (981).)

Санан 994 ҳижрий (милодий 1586) йили муфаттиҳул-абвоб амри билан Қўлоб вилояти фатҳи бўлди. Шоирлардан бири бу фатҳ тарихини қалам найзаси билан саҳифа майдонида шундай жавлон қилди. Тарих:

Дабири ақл барои ҳисоби тарихаш,  
Рақам намудки, фатҳи вилояти Қўлоб (994).

(Мазмуни:

Ақл дабири унинг тарихи ҳисобига,  
Рақам қилди, ки «Қўлоб вилояти фатҳи».)

Шу санада 994 ҳижрий Фохиран Бухоро вилоятида хони олийшон Абдулла Баҳодирхон ўзининг иккинчи

мадрасасига Муллои нав номи билан машхур Мулло Мирзажон Шерозийни қўйдилар. Жаноб Амир Садриддин Бухорий Охунд Мулло Мирзажон билан мунозара қилдилар. Уша куни мавлавият иккаласини хон олдида ва мавлои замони аён этдилар. Ана шу санада ҳазрати Охунд Мулло Мирзажон Шерозий вафот этди. Санаи 994 ҳижрий (милодий 1586) йили Шаҳриёри комкор Абдуллахон салтанати замонида Хожа Ҳакимки замонасининг деврон ва масиҳоси эрди, давр ҳукамоси ундан сабоқ оларди ва унинг қонуни ҳикмати эдилар; бир Лукмон эдики, ҳар қандай оғир касал ундан сиҳат топарди ва бу шифо унинг Исвий нафасидан эди, беморнинг афсурда жисми тоза руҳ оларди. Мазкур санада қазо Жолинуси ҳикмат сабобасида бинафис торини ҳаёти қонунидан суғуриб олди. Ажал чангалида ўзини кўрди. Мулло Мушфиқийки қалами лафз қолибига маъно руҳини берарди. Ҳаким вафоти тарихини шундай ёзганди. Тарих:

Чун Хожа Ҳаким Ҳозиқи ҳурсиришт,  
Аз мулки фано шуд ба суи боғи биҳишт.  
Буқроти қазо буд аз килки қазо,  
«Буқрот бирафт» (994) соли тарих навишт.

(Мазмуни:

Хожа Ҳаким ҳур каби Ҳозиқ,  
Фано мулкидан биҳишт боғи сари кетди.  
Қазо Буқроти қазо килки билан,  
«Буқрот кетди», деб тарихни ёзди.)

Мазкур санада муқаррабул холиқ, мақбули халойиқ Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Содиқки Ҳалвойи номи билан машхур эди, Каъбаи Муаззамадан илм мадинаси бўлмиш Самарқанд вилоятига ташриф бурдилар. Бу қадами ташрифи тарихини «Хайри мақдам» деб топдилар. Баъзилар бу тарихни ул зотнинг ўзларига нисбат берурлар. Чунончи, машхур шеър ушбудир. Тарих:

Содиқ ба ватан зи баъди си сол,  
Омад чу ба аҳди хони аъзам.  
Гуфтанд ба расми таҳнияти халқ,  
Тарихи қудуми «хайра мақдам» (994).

(Мазмуни:

Содиқ ватанига ўттиз йил ўтгач,  
Хони аъзам замонида етиб келди.  
Халқ олқиши расмида дедилар,  
Тарихи қудуми «хайра мақдам».)

Амирлар сараси Амир Қулбобо Қўқалтошнинг Хуросон тарафдан хоқони соҳибқирон Абдулла Баҳодирхон фармони билан Мовароуннаҳрга келиши шу 994 санада юз берди. Зубдатул мулукнинг бу ташрифини шарафга яқин бўлган мавлоно Шараф ул зот номига олти байтли мувашшаҳ ёздилар. Ҳар байтидан тарих ҳосил бўлур. Тарихлар жамидан бир байт чиқарилади. Ҳар байти бошидан бир ҳарф олиб, ул оли мақоми зулэҳтиром номи ҳосил бўлади. Тарих:

Қавми дар тарих иқдоми шабнҳ оли мақом,  
Хайра мақдам меронанд аз забон вақти салом.  
Лаб кушода мунши тарих гуфт аз сидқи дил,  
Мад залок, эй саҳоби файз сўи мо хиром.  
Боз файёзи маони он дар ин таърих гуфт,  
Зомини доби мулук омад аз вай эҳтишом.  
Эй, ки хоҳи мулки хуш афкан сари бадхоҳро,  
То дар ин тарих ёбад мулк аз ту интизом.  
Бокаромат андар ин тарихи икромии карим,  
Медиҳад жовиди ишрат бо ту эй садри калом.  
Аз сипеҳри комрони беш аз тарих пеш,  
Ҳақ расонад давлататро бод давлат мустадом.

(Мазмуни:

Қавм ул олий мақом тарихига дедилар,  
Салом вақтида хуш келибсиз, дейдилар.  
Тарих муншийси оғиз очиб сидқидилдан деди,  
Соянгни сол эй файз булути биз томон қилгил  
хиром.  
Яна маъно файёзи бу ҳақда тарих деди,  
Шоҳлар зийнати зомини, ундан эҳтишом келди.  
Ёмонлар бошини ол, яхши мулк истасанг,  
Токи бундан буён сендан мулк интизом топгай.

Бу карим карамн тарихида кароматлидир,  
Туганмас ишрат берур сенга эй садри калом.  
Комронлик осмондан ўтган тарихдан кўпроқ,  
Ҳақ давлатга етказур, давлат боқий бўлсин.)

Бу олти байт тарихи жамъидан бу бир байтни ра-  
қам қилинди:

Хайра мақдам мадзолак зомини доби мулук,  
Мулки хуш жовиди ишрат бод давлат бардавом.

Яширин қолмагайки «мулк хуш» тарихида икки ра-  
қам зиёдадир. У таъмия йўли билан соқит қилинади.  
«Сари бадхоҳ «бе», «Бе» иккидир. Икки олиб ташлан-  
са тарих тўғри чиқади. Охириги тарих «бод давлат  
мустаном»дир. Бундаги икки сони камлиги ҳам таъ-  
мия билан ҳосил қилинади. «Беш аз тарихи пеш»—му-  
род шундандир. «Бе» суқут этилади. «Аз тарихи пеш»  
дан исқот этилади.

### **МАВЛОНО ЗАЙНИДДИН АБУБАКР ТОЙБОДИЙ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ БАЕНИДА**

Ал-Азиз кенг феъл шайхлардан ва замон авлиё ул-  
лоларидан эди. Ул зот вафоти тарихини шундай ёзган-  
лар:

Санан арбаъу тисъин буд тарихи гузашта нуҳсад  
муҳаррам шуда.

Нисфуннаҳор аз панжшанба, ки руҳи поки Мавло-  
нои аъзам.

Сўн хулди барин рафт малонк ҳама гуфтанд аз жон  
хайра мақдам.

(Мазмуни:

Санан тўққиз юз тўқсон тўрт, муҳаррам эди.

Панжшанба кул ярни, Мавлонои аъзам руҳи поки.

Жаннат боғи сари хиром этди, малоиклар хуш  
келдингиз дедилар.)

Санан 995 ҳижрий (милодий 1587) йили Абдулла  
Баҳодирхон ибн Искандархон азимат шоҳбозини Ху-  
росон мамлакати ҳавоси узра парвоз эттирди. Жонши-  
кор лочини вилоят сайдгоҳида жавлон урдилар. Ли-  
муаллифа:



Ҳадиви замини шаҳриёри замон,  
Сазовори шоҳи паноҳи жаҳон.  
Таҳамтани сипоҳдори молики рикоб,  
Сари найзадорони ў офтоб.  
Инондори аз маш аёни малак,  
Чи рокиби ҳама рикобаш ҳилоли фалак.  
Сулаймон жинон, Фаридун фари,  
Зи мўри биёбон фузун лашкари.  
Ба азми Хуросон ниҳоданд рўй,  
Ҳама кинажўй, ҳама жангжўй.  
Шуданд аҳли лашкар гарон то гарон,  
Ба рафтор реғи биёбон равон.  
Зи аҳли набард аз яке то ҳазор,  
Ҳама дар хумори майи корзор.  
Ба дгши далерон «омин!» бизад,  
Камонҳо чу қавси қузаҳ сурху зард.  
Зиреҳпўши мардони хос асос,  
Чу шамшери урён жавҳар либос.  
Ба хун рехтаи тифҳо гашта тез,  
Чу абруи ҳубон ошиқситез.  
Бе тийру ражъаҳо ҳар тараф,  
Нишаста паҳлун ҳам дар ҳадаф.  
Синони ялон ҳамчу мори дусар,  
Ҳураид аз сари хасм мағзу жигар.  
Зиреҳпўши ҳар як кафи у зи билаб,  
Ҳама моҳин фарқи баҳри ғазаб.  
Баякбор кард раҳи он лашкари,  
Фишонданд бар хок шаҳри Ҳарн.  
Ба иқлими чаҳорум шоҳи ҳақпараст,  
Чу хуршид бар чархи чорум нишаст.

(Мазмуни:

Замон шаҳриёри замни султони,  
Жаҳон паноҳи бўлишга сазовор шоҳ.  
Сипоҳдор Рустам, мулк эгаси,  
Найзадорлар бошига у офтоб.  
Юриши тарафи малакларга аён,  
Унинг рикобдорлари ҳилоли фалак.  
Жаннатлар Сулаймони Фаридун шавкатли,  
Биёбон чигирткасидан кўпдир лашкари.

Ҳуросон устига юриш қилдилар,  
 Барчаси қасоскору жанговар.  
 Лашкар аҳли оғир босиб борарди,  
 Биёбон қумликлари орқали.  
 Жангчи аҳли бирдан мингигача,  
 Жанг майининг хуморида барчаси.  
 Ботирлар ортидан янгради «Омин!»,  
 Қамонлар қавси қузоҳдек қизил-сарик.  
 Мардларнинг хослари зирехпўш эрур,  
 Яланғоч қиличдек жавҳардан либос.  
 Тиглар ўткирлашди қон оқизмоққа,  
 Гўзаллар қошидек ошиққа қарши.  
 Уқсиз ҳар тарафдан қайтишар,  
 Биқинида ўқи нишонга ўхшаб.  
 Ботирлар найзаси икки бошли илондек,  
 Душман бошидан ейдир миясин, жигарин.  
 Жавшанли ботирлар қўли талабда,  
 Барчаси ғазаб денгизида балиқдек.  
 Тинмай йўл очарди лашкарига,  
 Ҳирот шаҳрин тупроққа қориб.  
 Тўртинчи иқлимга ҳақпараст шоҳ,  
 Офтобдек тўртинчи чарх узра жой олди.)

Юлдуз сонли лашкарли хоқон нурли офтобдек Ҳи-  
 рот вилояти узра ҳашамат нурини ташлади. Бир кеча  
 шу жойда истироҳат қилиб, тонг отиш билан ўша  
 кунни Бори Тангри даргоҳига таваккал қилиб, мадад  
 ва ёрдамни Ҳазрати Хожа Ансорий, қуддиса сирруҳу,  
 пурфутуҳ, қутбул-аброрий руҳидан сўради. Бошқа ав-  
 лон, атқилардан илтижо қилдилар. Токи, осмоннинг  
 диловарлик майдони барқтозлари жавлон, баҳодирлик  
 осмони майдони шаҳобрафтор Ашҳаб суворилари  
 Шарқ қуёшиндек зарафшон найзалар билан нур чизиқ-  
 ларига эга эдилар. Душманга тиг урардилар. Жаҳон  
 қадар хон Шарқ нурига эга бўлган ялов остида туриб,  
 шуъла тимсолли фармон бердики, қалъа деворига ҳам-  
 ла қилгайлар. Жадал ҳаракат қилиш ниятида эдилар-  
 ки, фатҳ ва ферузнийлик фараҳбахш насими Оллоҳ-  
 нинг бағоят инояти туфайли зафарли аскарлар юзига  
 уфура бошлади. Уфқдан зафар субҳи ёруғлиги кетга-  
 нидан вилоят аҳолиси саъодатахтар шаҳриёрлик то-  
 леъи фалақдан юлдузлар мисоли қалъа буржлари  
 кўзга кўринмай қолди. Жаҳонтоб офтоб олам тасхири

учун ҳануз хатти устуво чизифидан чиқмаган ҳам эди-  
ки, кишварситон хон ҳазрати холиқ инояти билан ха-  
лоїиқ устига хуршиди анвардек сояни кўтарди.

Лумуаллифа:

Дарояд ба байтуш-шараф дар маҳал,  
Чу султони анжум ба тахти ҳамал.  
Ту гўи ба иқболи бахти некў.  
Нишастии бар авранг гули рангбў.  
Сарири саодат баланди гирифт,  
Ҳирот аз қудумаш гирифт он асар.  
Ки тарфи чаман аз насими саҳар,  
Чунин шаҳри хуррам шуд аз шаҳриёр.  
Ки гулшан зи файзи саҳоби баҳор,  
Фараҳнок гаштанд мардуми жиннон.  
Ки махмур аз соғари май ҳамон,  
Тараби халқро онқадар додаст.  
Ки ҳар сў уфтода бегода маст,  
Ҳама рохатафзо, ҳама комёб.  
Чу бемори муттақи аз шароби ноб,  
Зи бас ҳуроми ёфт шаҳри Ҳари.

(Мазмуни:

Уз вақтида шараф уйига кирад,  
Анжум султонидек ҳамал остига.  
Сен дерсан: некиқболу, некбахт,  
Тахт устига ўлтиради хушбўй гулдек.  
Саодат тахти баландроқ бўлди,  
Қадамидан Ҳирот шу таъсирни олди.  
Саҳар насимидан чаман тарфи,  
Шаҳриёрдан хуррам шаҳарга айланди.  
Баҳор булутни файзидан гулшан,  
Ёқимли пок бўлди аҳоли чунон.  
Май соғаридан мастдилар ҳамон,  
Халқни шодликка чўлгади шундай.  
Бегода маст бўлганлар ётар йиқилиб,  
Ҳамма роҳатда, ҳамма бахтиёр.  
Тақводор бемордек сув шаробидан,  
Тамоман хурлик топди Ҳирот шаҳри.)

Соҳибқирон хон бир неча кун Хуросон дорулмулки-да иззат ва жалолатда иқболли кишидек фарибболлик билан яшади. Бу тўртинчи иқлимда исломнинг салот садоси беш марта олти тарафдан то еттинчи фалак обидлари қулоғига етди. Унинг саодатли лақабларида иборат хутба авж пояга етказилди. Даврон дорулзарбида унинг ҳурматли номидан нақду дирам зарб этилди. Хоннинг эътиборли кишиларидан бўлган Қулбобо Қўкалтош Ҳирот вилояти амирлигига сазовор бўлди. Узи Ому дарёсидан келиб ўтиб Мовароуннаҳр сари азм этди. Бу фатҳ тарихини баъзи фозиллар шундай ёзганлар. Тарих:

Шаҳи Жамшишон, жони олам, ки ҳаст,  
Ҳумойи Ҳумоюн, Фаридунфаре.  
Кашид аз пан фатҳи шаҳри Ҳирот,  
Зи реги биёбон фузун лашкаре.  
Хирад гуфт то хома тарихи фатҳ,  
Муборак бод шаҳри Ҳири (990).

(Мазмуни:

Жамшид мартабали, олам жони шоҳ,  
Ҳумоюн ҳумоси, Фаридунфари.  
Ҳирот шаҳри фатҳи учун тортди,  
Биёбон қумидаи зиёд лашкарини.  
Хирад деди: фатҳ тарихини қалам,  
«Муборак бўлсин Ҳирот шаҳри» деб ёзди.)

Уша аср зарифларидан бири «зиллоллоҳ» деб тарих топди. Қози Поянда Зоминий Ҳаёт Ҳирот вилояти фатҳи ва Қулбобо Қўкалтош амирлигида тўрт мисра тарих ёзган. Қитъанинг ҳар мисраси Ҳирот шаҳрида иморатпаноҳ тарихи бўлур. Тарих:

Зи талаб корҳо ба даст оранд — 995.  
Ба талаб дил ки он муқаррар шуд — 995.  
Бин, иморатпаноҳро талаб—995.  
Моли мулки Ҳири муяссар шуд — 995.

(Мазмуни:

Талабдан ишларни қўлга киритадилар,  
Талаб билан диллар муқаррар бўлди.  
Қўр иморатпаноҳ талабини,  
Ҳирот молу мулки муяссар бўлди.)





ИЛОХ ТАХМОҚ



ХОЖАИ ХОВАНД



ХАЗРАТИ КОСИМ ШАЙКИ АЗИЗОН





ЛЮБИМЫЙ





ХАЗРАТИ АМИР ФАТХИЙ ИБН АМИР САЙИД ИБРОХИМ



Д. АВЛОНО ЮСУФ КАРОЛОГИЙ

Ул зот олий насаб саодатли иморатпаноҳнинг Ҳирот шаҳри султонлар тахтига чиқиши борасида бир байт тарих айтганлар:

Ҳирот ўро буд навми Ҳумоюн,  
Барор к-онаш муборак бод маймун.

(Мазмуни:

Ҳирот унга султонлар тушидек эди,  
Ол уни, муборак бўлгай бахтинг.)

## МУЛЛО МУШФИҚИЙ ШОИР ВАФОТИ ТАРИХИ

Зарифлар малиҳи, шоирлар фасеҳи Мулло Мушфиқий ал-Марвийининг туғилган жойи Марви Шоҳижаҳондир ва жаннатмакон Марв аҳолисининг аъёнларидандир. Марв Хуросон шаҳарларидан бўлиб, тўртинчи иқлимдадир. Унинг ҳисорини Искандар Зулқарнайн бипо қилгандир. Ул вилоят бағоят қумлоқ ва нотекисдир. Бу ердан кўплаб уламо, фақиҳлар ва машойих, авлиёлар чиққандир. Ҳаким Абузор Жумҳур шу ерликдир. Абу Исҳоқ Толлиқонийининг айтишича, олам харобободи биноси ҳамдастур ва устивор эди, яқинда қулаб тушди. Унинг тепасига келдик. Бир одам калласи у ердан чиқди. Бир тиши тушган эди. Кичик тишини ўлчаб кўрдилар, икки маң чиқди, Шарифат вазни билан. Валлоҳи аълам. У бир муддат Самарқанд шаҳрида Султон Саъидхон мулозаматида қаламрав китобдорлиги мансабига сарафроз этилган эди. Хони олийшон суҳбати жузвларининг шерозабандлиги билан машғул эди. Хон яқинларидан расойил девонига мумтоз этилди. Улуғ Султон вафотидан сўнг бир умр Фохирани Бухорога келиб Соҳибқирон Абдуллахон хизматида иззат топди. Хуршиджоҳ, анжумсипоҳ, сипеҳр-жойгоҳ шоҳ мадҳига кўтаринки руҳда қасидалар ёзди. Уша қасидаларга иншо, балки яди байзо этади. Ҳажвнётда ўтмиш ва яқинларидан, балки бутун олам аҳлидан сабоқ олди. Замон аҳлидан бирортаси, ҳатто уламойи киром ва фозиллардан бирор киши қолмаган эдики, унинг ҳажви нуки ва ўқи жигарига қадалмаган бўлса. Унинг обу тоби заҳри дамбадам илми ҳикматдан Жолинус каби бохабар, ҳайъат бобида Батлимус

сингари баланд ахтар, қуръа, фани, рамл илмида то-  
леъ сингари баҳравар эди. Жумладан ҳисоб илмида  
шундай комил эдики, оқиллар ақли унинг тасаввуридан  
ожиз ва зако аҳли зеҳни уни фаҳмлашдан қусурли ва  
ботил эди. Чунончи, бир кишининг ишига замон ҳоди-  
саларидан мушкуллик тушса, ул зот ҳузурига келиб,  
уни маълум қилади. У дарҳол ўша кишига бирор байт  
ёки рубойи ўқигин дерди. У киши ўқирди. Бирор соат-  
лардан сўнг ул зот қуръа дастёрлигисиз ва китобсиз,  
ўша байтга жавоб айтарди. Шундайки, ўша байт маз-  
мунида бўларди. Натижа бадихада акс этиб, ихтилоф  
бўлмасди. Унинг таснифлари, таълифлари қуйидаги-  
лардан иборат: девони ғазал, Султонлар номига ёзил-  
ган қасидалар девони ва ҳажвиёт, «Гулистони Эрам»  
номли маснавийси, «Хусну дил» назми.

Аммо, тантанали кузатув, яъни унинг умри китоби-  
нинг жузвлари шерозаси тарқалиб кетди. Болаларча  
ҳаваси варақлари Унсурий саҳифалари табиатидаги-  
дек бўлиниб кетди. Санайи 996 ҳижрий (милодий 1588)  
йилда муаззам карамли нидо: «Иржаъи ило Раббука  
розиятан марзиятан!» билан ҳаққа етди. Дами ичига  
тушиб, лаби сўзлашдан тўхтади. Фохиран Бухоро ви-  
лоятида Ҳазрати Шайх Жалол, қуддиса сирраҳу нур-  
га тўлиқ мазори ёнида дафн этилган. Ушбу мақтаъни  
унинг мазори тошига ўйиб ёзишди:

Ба хоки Мушфиқи он дам, ки дўстон гузаранд,  
Расад ба хотири эшон, ки хоксоре буд.

Рубойи:

Онҳо, ки муҳити фазли ў об шуданд,  
Дар ҳалли дақиқа шамъи асҳоб шуданд.  
Роҳ з-ин шаби торик бизаданд ба рўз,  
Гуфтанд фасонаҳову дар хоб шуданд.

(Мазмуни:

Тўғри фазли муҳитида сув бўлганлар,  
Дақиқа ҳалли чун асҳоб учун шамъ бўлдилар.  
Бу қоронғу тунда кундузга йўл солдилар,  
Афсоналар айтиб уйқуга кетдилар.)

Замон шоирларидан ва даврон зарифларидан бири ул фасоҳатбаёнлик чаманининг энг балогати вафоти тарихида шундай ёзди. Тарих:

Соли фавташ ман аз хирад жустам,  
Гуфт тарихи ў: «Суханвари нек».

(Мазмуни:

Унинг вафотини ақлдан сўрадим,  
Тарихини деди: «Суханвари нек» (996).)

## МАВЛОНО УРФИЙ ШЕРОЗИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Шоирлар ифтихори, фозиллар фақри Мавлоно Урфий Шерозий фазилатлар инҳоли бу жой обу ҳавосидаги камолот даражасига етди. Унинг эъзоз гуллари Шерозининг фараҳафзо насмидан тарбият топди. «Аройнсул-абкор» маснавийси «Махзанул-асрор» вазнида бўлиб, маънолар шоҳидини юзлаб рангда лафзлар нардасида жилвага киргизди. «Қасоиди ҳадис» иборатларидан завқ аҳли қулоғига шавқ таржимасини бағишлади. Шерозининг газалсари булбуллари гулбонгидан умидсиз наволар тузиб, тўрт анҳор равони рубоийларидан шеърни ят денгизи соф таъъларини тўрт муча кемаларда ҳайратда қолдирди. Эрон мулкидан Ҳиндистон мулкига юз бурди. Жалолиддин Акбар мажлисларида бўлди. Мўътабар шоирлардан Шайх Файзий, Шайх Абулфазал, Хожа Ҳусайн Санойи ва бошқалар билан мушоиралар уюштирди. Фозиллар унинг таъбидан эҳсонлар топдилар. Ғоят узоқ юртда эҳтиром ва риоятда умр кечирди. Аммо ул зотнинг кимдандир кўнгли ранжиб, подшоҳи Жам жоҳ суҳбатидан ўзини тортиб юрди. Қанча таклиф қилинмасин, охирида Мавлоно учун бир пора олтин жўнатилди. Ул зот болохонасида ўлтирганча подшоҳ эҳсонини қанчалик зоҳир қилинмасин, истиқбол этмади. Бу рубоийни у бадеҳа тарзида ёзди. Рубоий:

Урфии мо дили хеш дигаргун накунад,  
Дарюза ба жуз дарун пурхун накунад.  
Сомони биҳишт агар аз ин кўче кашанд,  
Уммеди сар аз дарича берун накунад.

(Мазмуни:

Урфимиз дилни бошқача қилмайдн,  
Ошуфта ичидан бошқа нарсани пурхун этмайдн.  
Тақдир биҳиштни бу кўчадан ўтказса,  
Умид бошини дарчадан ташқари чиқармагай.)

Аммо, унинг фазилатларини фазли ниҳолини камол самарига эга бўлмай туриб, ажал сарсари санаи 998 ҳижрий (милодий 1590) йилида синдирди. Ҳаёти матлаби мамот мақтабига уланди. Улани олдидан ушбу рубоийни ишшо этди. Маъно қолибида руҳ уфурди. Рубоий:

Урфи дами назаъаст ҳамон масти ту,  
Охир ба чи моя бор бар бастн ту.  
Фардостки дўст нақд дид ар ба каф,  
Жўён матоаст тнҳидастни ту.

(Мазмуни:

Урфий жон ҳалқуминга келди, ҳамон мастсан,  
Қандай молнига юкингни тугмоқчисан.  
Нақд дўст эртага кафда нақдни кўрса,  
Бўш қўлинг матоъ қидиришга тушади.)

Унинг табии натижаси ғазаллар девони, «Хусрав ва Ширин» маснавийси, «Махзанул-асрор»га жавобан ёзилган достони, қасидалар, қитъалар ва рубоийлар девонидир. Бу байт унинг «Хусраву Ширин»идандир:

Дил реш, ки вақти коваш нест,  
На аз вай реши беш шавад.  
Реш аз мажмаъул-афкори ўст,  
Гар зот ку ба Ўрфи чанд жоме.  
Май орам сўзу з-ў номин,  
Ки чун лаби журъасанж шоир ояд.  
Фигони нўш аз ғам барояд,  
Калиди ганжи маъни деҳ ба дастам,  
Ва гар на, мастам инки дар шикастам.

(Мазмуни:

Дил ярадор, текшириш вақти эмас,  
Бундан эмас яранинг кўпайиши.



Яра унинг мажмаъул-афкоридандир,  
Урфийга бир неча жом аталган бўлса.  
Май келтирурман ундан куяжак ном,  
Журъа ўлчовчи лаб шоирга дерлар:  
Фигон тортиб: ич-ич ғамдан фориг бўлурсан,  
Маъно ганжининг қалидин бер қўлимга.  
Йўқ эса, мастман, уни синдирурман.)

Бу рубоий ҳам уникидир:

Урфий гила сар макун, жойи гила нест,  
Тавфиқни рафиқ ҳартанг ҳавсала нест.  
Ҳар жо, ки чоҳест Юсуфи маст дар ў,  
Аҳли назаре лек дар ин қобила нест.

(Мазмуни:

Урфий гилангни бошлама, ўрни эмасдир,  
Рафиқ тавфиқи ҳавсала ҳартанги эмас.  
Қаерда чоҳ бўлса маст Юсуф унда,  
Бир аҳли назар бу гуруҳда йўқдир.)

## ХОЖА ҲУСАЙН САНОИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Хожа Ҳусайн Санойӣ асли Машҳадн муқаддас вилоятидандир. Табъининг тўтиси Ҳиндистон шакархоси майлида қанот ёзди. Уша жойда пашъу намо топиб, сафо таъсир хотирн оннаси жилоли меҳр, балки ақл жавҳаридек аъло даражага етди. Синеҳржойгоҳ, анжуменипоҳ шаҳаншоҳ Акбар подшоҳ ҳузурнда зўр эътибор ва чекеиз иззат топди. Аксар биҳиштойини суҳбатида кўнгли яқинлик тонардн. Бу фаний дунё яшаш ва моуман жойи бўлмаганидан санаи 999 ҳижрий (милодий 1590/91) йилда эъмом китобининг туғроси охириги саҳифасига етди. Унинг мазори Ҳиндистон мулкидадир. Ғазаллари ва қасидалар девони халқ орасида шухрат топган. Ушбу сана 999 ҳижрий (милодий 1590/91) йилда Соҳибқирон Абдулла Баҳодирхон салтанати замонида халқ орасида вабо тарқалиб, қорамоллардан бирон бош ҳам тирик қолмади. Магар ер остидаги ҳўкиз ё осмон сури қақашон ўтлоғида бу вабодан омон қолгандир. Бу ҳодиса тарихини Ҳожн Муҳаммад Юсуф Самарқандийки

замон фозилларидан эрди, муносиб тарзда ёзгандир.  
Тарих:

Соли вафоти гов на бешу на кам,  
Говро бишмор се қисм баробар кун рақам.  
Назди муҳандисони доно равшанаст,  
Ки гов ба ҳисоби ҳамал бисту ҳафт аст.

Ҳар гоҳ уч рақамни ёнма-ён қўйилса, уч тўққиз бўлади. Уч тўққизни ҳисобу қонда бўйича уч рақамга қўшилса, хоналар тартиби: бирлик, ўнлик ва юзлик бўйича 999 га айланади, бу мақсаддаги тарихдир.

### ҲАЗРАТИ МАВЛОНО СОДИҚ ВАФОТИ ТАРИХИ

Олижаноб, шарнатмаоб, мажмаъи ҳақойиқ, мустабати дақойиқ, маллозул-халқ вал-халойиқ, рукнуш-шариат ват-тариқат вад-дин Охунд Қози Муҳаммад Содиқнинг туғилган жойи Самарқанд вилоятидир. Суратий ва маънавий камолотни ўша ерда ҳосил қилди. Ул фазлу ҳунар дурларининг деңгизи илм зилоли талабгорлари, бодия ташналаблари комига Мовароуннаҳрда илм ирмоқларини очиб қўйди. Сўнг Самарқанд вилоятидан Байтул-ҳарам сари бормоқ ниятида Ҳиндистон тарафга жўнадилар. Он ҳазратнинг ходимларини Кобул вилоятида аёлатпаноҳ, ҳукуматдастгоҳ Муҳаммад Ҳаким подшоҳ ибн Ҳумоюн Мирзо ибн Бобур Мирзо ибн Умаршайх Мирзо, ибн Султон Абу Саид Мирзо ибн Султон Муҳаммад Мирзо ибн Мироншоҳ Мирзо ибн Амир Темур кўрагон таклиф қилиб, бир неча вақт Ҳазрати Охунд мулозаматида бўлдилар. Баъзи китобларни бу саодатли зот ҳузурнда тасҳиҳ қилдилар. Сўнг бир неча муддат рияти бениҳоятда яшаб ҳарамаини шарифайни зодан Аллоҳ шарафан зиёратини ирода этиб, ихлос қўнғирогини азимат туюсининг оёғига боғладилар. Шавқ оҳанги ҳаддини Ҳижоздан ўтказиб, ҳаж шарафига мушарраф бўлдилар. Бир неча мартабалик ҳаждан ва умрадан сўнг Расули Акрам яшаган Мадина тавофига бордилар. Имомлар шафоатига етишдилар. Бир неча вақт Мушкот саҳиҳи тасҳиҳига муқайяд бўлиб, у ердан сапан 994 ҳижрий (милодий 1586) йилда ўз ватанлари Самарқанд вилоятига қайтиб келдилар. Ул зотнинг келишлари тарихини хайрли қадам ҳисоблаганлари айтиб ўтилди. Соҳибқирон Абдуллахоннинг но-

иби ушбу вилоят қозилигини мазкурнинг иқтисоси билан эмас, балки Ҳазрати Охунд илтимосига кўра берди.

Бир неча вақт қозилик қилгач, шариатнинг тўғри йўлидан бир қадам ҳам чиқмасдан, қазойи ҳаёт ҳукми етишганда қозил ҳожот ҳукми билан санаи 1006 ҳижрий (милодий 1598) йилда жонларини ҳаққа топширдилар. Ул фан нодирасиннинг дафн жойлари фирдавсмонанд Самарқанд вилоятида бўлиб, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Абдий файзосор мазорларидадир. Қасирул баракот мусаннифотлари кўпдир. Жумладан, «Ҳошияи тафсири қози», «Ҳошияи шарҳи Мулло» ва бир неча бошқа ҳошиялар. Ҳазаллар ва қасидалар девони халқ орасида бениҳоя шухрат топган. Мавлоно Мутрибийки Самарқанд вилоятининг мўътабар шоири ва муқаррар зарифларидандир, ул зот вафоти тарихини шундай битганлар. Тарих:

Эй дил ҳазор ҳайр, ки андар басити хок,  
Он кас, ки буд ҳотами афзалро нигини мо.  
Дониш, ки бувад жомеъи мажмуан камол,  
Бар маснади Расули худо бувад жонишини.  
Соли вафоти ў бижустан зи Мутриби,  
Дар гирия гашту гуфт, ки: «ку фахри аҳли дин?»  
(1006).

(Мазмуни:

Эй дил, минг ҳайф, ки тупроқ остида,  
Фозиллар ҳотамлигида бизнинг негинимиз эди.  
Донишда камолот мажмуи эрур,  
Тангри расулининг ўрнида саналур.  
Мутрибийдан вафоти йилини сўрасам,  
Йиғлаганча деди: «дин аҳлининг фахри қани?»)

## АБДУЛЛА БАҲОДИРХОН ВАФОТИ ТАРИХИ

Абдулла Баҳодирхон ибн Искандархон ибн Жониҳон ибн Хожа Муҳаммад Султон ибн Абулхайрхон, хони Соҳибқирон санайи 900 (?) йили йўқлик мулки жаҳлобидин вужуд майдони Шаҳристонига қадам қўйди. 38 йил ўтгач ҳамида хислатли шаҳаншоҳ иқбол тожини иззу жалол билан бошига қўйди ва саодатли тахтга ўлтириш бахтига муяссар бўлди. Саодат юлдузли хон жу-

лусининг тарихини «Бурҳон гашт» деб топганларки, бу 978 ҳижрий (милодий 1570; 987/1580 йилда бўлса керак) йилдир. Хонлик тахтида саккиз йил ўлтирди. Рух тан унсурни чаҳорболиши (тахт)дан жой олгач, Мовароуннаҳр вилоятида ва Хуросон шаҳарлари аксарини ўзининг ҳашамат ливоси ва давлат туғининг «Насрунминаллоҳу фатҳу қарибан» безаги билан музайян этди. Зафар ва салтанати айёмида нусрат ва давлат шодурвонини Қайвон (Сатурн) айвони қуббасигача етказди. Фармонраволик муддатида 1001 та жамоат биносини, мисли мадраса, хонақоҳ, работ, сардоба ва бошқаларни дунё харобободни охираат манзили шарафига бино қилдирди. Саноқсиз уламо ва фузало унинг чексиз рнояси соясида сақланди. Раният оммаси қўйлар подасидек ҳаводис бўрнисдан ҳимояда ва маҳфуз эдилар. Хуллас, 66 йил тириклар тўдаси қаторида бўлиб, Орийат саройи яшаш ва донмий қароргоҳи истиқоматгоҳи бўлмагани сабабидан биз-зарурат кетмоқ керак. Ражаб ойининг иккинчиси шанба куни намози шом айни санайи 1006 ҳижрий (милодий 1598 йил 8 февраль куни) иззату жалол байроғини тушириб, бандалик яловини Ҳазрати зулжалол даргоҳи сари кўтардилар. Байт:

Дар ин фаҳ хоҳ султон, хоҳи дарвеш,  
Дар охир ақаба марг аст дар пеш.

(Мазмуни:

Бу йўлда хоҳ султон, хоҳ дарвеш бўлсин,  
Охир оқибатда ўлмдир эрта.)

Саодатли хон замонида эътибор топган фасоҳатшиор фозиллар ва балоғат осор шоирларнинг аксари дурри шахвордек фикр баҳридан изҳор соҳилига чиқариб, марсия ва тарихлар ёздилар. Уларнинг баъзилари қуйидагилардир. Тарих:

Соли ҳангоми фавти шоҳ талаб,  
Шоми шанба дуввўм зи моҳи ражаб.

(Мазмуни:

Шоҳ вафоти вақти, йилини сўра,  
Шанба шоми ражаб ойн иккинчисида.)

Закыйтабъ мусоҳибларга маълумдирки, байтнинг

иккинчи мисрасида ой купи вақтини сон қилиб кўрсатган. Бу мисра ҳарфлари сони хони соҳибқирон вафоти сана-си тарихига айланади. Зарифлардан яна бири шундай ёзган:

Сулаймони замон хоқони аъзам,  
Ба жаннат бурд роҳати истиқомат.  
Нишоне аз қиёмат мотами ўст,  
Ба пеши дидаи аҳли саломат.  
Чу пурсидам зи фавти ў, хирад гуфт,  
Ҳама гуфтанд қойим шуд қиёмат (1002).

(Мазмуни:

Замон Сулаймони, хоқони аъзам,  
Яшаш кўчини жаннат сари кўтарди.  
Унинг мотами қиёматдан нишон бўлди,  
Соғлом аҳоли кўзи олдида.  
Унинг вафотидан сўрасам, ақл деди:  
Барча дейди: қиёмат қойим бўлди.)

Яна бири хон вафоти тарихини шундай ёзди:

Мамлакат султони, аср хони Абдулла,  
Ба мулки боқи аз ин дори пургурур бирафт.  
Гирифт киевати нилӣй сипеҳр аз ин мотам,  
Зи аҳли сур баякбор кайпарвар бирафт.  
Ҳузурӣ халқ чу вай ба зоти ў гардид.  
Ҳисоби соли вафоташ «сари ҳузур бирафт».

(Мазмуни:

Мамлакат султони, аср хони Абдулла,  
Бу ғурур тўла уйдан боқий дунёга кетди.  
Олам нилӣй тўн кийди унинг мотамда,  
Сўз аҳлидан бир йўла кайпарвар кетди.  
Ҳақ ҳузурда унинг зотига айланди,  
Вафоти ҳисоби: «Сари ҳузур бирафт».)

Ҳар гоҳ таъминя юзасидан ҳузурдан қайтиш жойи абжад ҳисоби билан сақкиздир. Санаи 1006 қолдиқ қолади — бу мақсаддир. Бошқа бир сарфий таъбардан бири ҳукм мамлакатининг ва наққодлар ҳукмдори маоний нақдларини сўзнинг бегаши зарин бўлган дирамларин ба-

ёнининг зарб уйида иқбол тангаларига айлантириб, ша-  
ханшоҳлик тарихи нақдларини тафаккур кўрасидан  
шундай чиқардилар. Тарих:

Тарихи вафоти шоҳи покизагуҳар,  
Бар тангай сию сею нои бингар.

(Мазмуни:

Покиза гавҳар шоҳ вафоти тарихи,  
Уттиз уч тангагаю нойга қара).

Маъно нақдлари иши соҳиблари қошида мусоҳиба  
ҳисоб илмлари ва рақамлар кайфиятининг таҳвили улар  
табъларига боғлиқ. Зоҳиру ҳувайдо, равшану пойдор-  
дурки, агар олий шаън хон тангаси гарав мўҳрига на-  
зар ташлашдан иборат бўлса, айта оламизки, Абдулла  
Баҳодирхон ҳумоюн исмлари биландир. Агар ҳисоб юза-  
сидан «Абдулла Баҳодирхон» ҳарфларининг ҳар бирини  
ҳисобласак, мақсад бўлган бир мингу олти тарихини  
чиқариш мумкин.

### **ҲАЗРАТИ ПИРИМ ШАЙХ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Ҳазрати Пирим Шайх ибн қутбул-ақтоб ҳазрати  
Қубуршайх, қуддиса сирруҳу, Бурҳонул-восилин, сана-  
дул-муқаррибин Ҳазрати Қосим Шайх Азизон, қуддиса  
сирруҳу пок этагига иродат қўлларини уриб, камол мар-  
табасига етдилар. Он ҳазрат вафотидан кейин иршод  
маснадига етишдилар. Ҳазрати Шайх қуддиса сирруҳу  
хизматларида бир жамоат ихлос ва эътиқод юзасидан  
автод табиъинга етишдилар. Ул зот муридларидан ҳар  
бирининг мартабаси шу даражага етдики, тўрт тасбеҳ  
такбир тиги билан нафс ва гафлат шайтонини пора қи-  
либ, зикр арраси билан ҳавонинг бесамар ниҳолини ке-  
сиб ташлай оладиган бўлдилар.

Ҳазрати Азизон, қуддиса сирруҳу, узоқ умр кўрди-  
лар. Фоний сарой иқомат макони бўлмаганидан санаи  
1006 ҳижрий (милодий 1598) йилда охират олами хона-  
қоҳи хилватгузини бўлдилар. Ул аброрлар сарасининг  
қабрлари Сайди Оҳу қарясида бўлиб, у Самарқанд ви-  
лояти қаряларидандир. Фасоҳатбаён фозиллардан бири

Ҳазрати Азизон вафоти тарихини шундай битганлар.  
Тарих:

Муршиди роҳи тариқат шайхи олам қутби дин,  
Буд Пирим шайх фоний шуд баҳукми сарнавишт.  
Бутпарастон гаштаанд аз суҳбати пур файзи ӯ,  
Ҳар яке дар маснади иршод сокин дар куништ.  
Аз камолн ҳиммати оли дар ин дайри фано,  
Ҳар чи жуз гар худо буд аз замири худ биҳишт.  
Офарин бар ҳиммати он орифи асрори ҳақ,  
Ғайри тухми маърифат дар мазраъи дилҳо накишт.  
Буд мақсудаш ҳамин пайвастаги бо он жаҳон,  
Риштаи жони варо чархи қазо рӯзе, ки зишт.  
Қутни шайх бар он шоҳи валоят хатм буд,  
Бод жо фирдавси аъло аз мақомоти биҳишт.  
Бар камолн ҳатм бар вуфқи ҳадиси Мустафо,  
Гар беҳро аз ҳаё беҳ гар пакарда будишт.  
Ман кужову инчунин тарих гуфтан аз кужо,  
Буд ин ботини он муршиди некӯ сришт.  
Чунки хатми ғавс тарихи вафоти ӯ навишт.

(Мазмуни:

Тариқат йўлининг муршиди, олам шайхи, дин қутби,  
У Пирим шайх эди, сар навишт ҳукми билан фоний  
бўлди.

Унинг файзли суҳбатларидан кўпгина бутпарастлар,  
Ҳар бири исломни қабул қилиб, у кишига мурид  
бўлди.

Бу ўткинчи дунё майхонасида унинг олий ҳиммат-  
ларидан.

Худо инояти билан ҳар дақиқа жаннатосо пурфайз  
эди.

Ҳақ сирларидан огоҳ бўлган ул ориф ҳимматига  
офарин,

Қалб шудгорларига маърифат уруғидан ўзга нарса  
экмади.

Унинг мақсади ҳаминша у дунё билан боғлиқ бўлиш  
эди,

Унинг жони риштасини қазо куни кесишганда (бунга  
эришди).

Шайхнинг вужуди олам шоҳининг ўзи билан бир эди,  
Унинг ўрни жаннатдаги Фирдавси аълода бўлсин.  
Пайғамбар ҳадислари билан йўғрилган ул зот шариф,  
Бу оламда ҳаё билан яшаб, яхшилик тарқатиб кетди.  
Мен қаерда-ю у ҳақда тарих ёза олмоқ қаерда,  
Ул зоти яхшилик бўлган одамнинг вужуди шундай  
эди.

Унинг вафоти тарихи «хатми ғавс тарихдан»  
топилади.)

Ҳар гоҳ «ғавс» лафзи хотимасиз бўлса, икки ҳарф  
қолади. Мақсаддаги тарих шулардан ҳосил бўлади.

### ҚОЗИ ПОЯНДА ЗОМИНИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Фазлу фазилатлар жамеъи соҳибил-улум, ало сабил  
ил-истикмол, рукнуш-шарнат Қозӣ Поянда Зомин мав-  
зенда туғилганлар, ул Самарқанд вилояти музофотлари-  
дандир. Таҳсил илм этиб, камол ҳосил қилиш мақса-  
дида онла қуриб, марҳум наввоб Абдол Султон замоми-  
да Зомин музофоти қозисен эди. Ул зотнинг рисоласи  
мавжуд бўлиб, аруз, қофия ва шеър сифати бобида «Та-  
қайийд уд-дур» китобининг ёзиллиги тарихи шу исмдан  
келиб чиқади. Бунда у суҳанворлик додини берди. Бош-  
қа бир неча рисола ҳам ёзган, улар ҳам машҳурдир.  
Бир неча муддат Абдулмўминхон суҳбатида бўлди. Хон  
вафотидан сўнг Балх вилоятига кетиб мадинатур-рижол  
Термизининг бир қасабасида 1008 ҳижрий (милодий 1600)  
йилли ҳаёт мамот тавқен билан муашшаҳ этилди. Ўша  
вилоятда дафн этилгандир. Умдатул мулк Амир Қул-  
бобо мадҳида бир қасида ёзган бўлиб, бе нуқтадир. Бу  
қасидада суҳанворлик додини берган. Бу бир неча байт  
ўша қасидадандир:

Ҳокими дил малики мулки карам,  
Довари довуда кулли умам.  
Адли ў дар ҳама олами довар,  
Дорову дарди умам дар ҳама дам.  
Даргоҳи ў дар доруссалом,  
Дар сари ў ҳаваси роҳи ҳарам.  
Солиҳи мулки давом омода,  
Олими расми русуми олам.  
Дода дар роҳи гадо ҳосили кўҳ,



Ҳориси даргоҳи ӯ гоҳ қарам,  
Дарову дар ҳама дам дарси илм,  
Қор омада ҳам дарки ҳукам.  
Толеъи мағлаъи ӯ меҳри қамол,  
Довари мавриди ӯ мулки ҳумам.  
Сари ӯ роҳи қарамро солиқ,  
Илми ӯ олами ҳаворо маҳрам.  
Солиқи маслақи арвоҳи мудом,  
Ҳама дам маҳрами асрори ҳарам.  
Ҳаваси даргоҳи ӯ дори мулк,  
Дар муроди дили ӯ қори умам.  
Дода марсуми русуми мардум,  
Қарда ислоҳи умори олам.  
Ҳокими сарвари қилли умаро,  
Омили олами асрори ҳукам.  
Дарди ӯ дар алами дил дорад,  
Меҳри ӯ дар дили мо муҳри дирам.  
Доли ӯ ҳукми расулро маҳкум,  
Саҳми ӯ дар дили аъдо маҳкам.  
Дарки ҳамлаи ӯ ар дарад,  
Руҳи аъдо ҳама дар роҳи адам.  
Расми доди қарам қомили ӯ,  
Ҳар ду дар қори адув омада сам.  
Дил ду сар саморо ҳамроҳ,  
Дами ӯ руҳи малиқро ҳамдам.  
Матлаъе дар ҳама қори ҳама қас,  
Дода доди ҳама қас дар ҳама дам.

(Мазмуни:

Дил ҳокими, қарам мулкининг султони,  
Барча халқларнинг қозиси.  
Унинг адли олами тутган,  
Барчанинг дарди унда доимо.  
Унинг даргоҳи тинчлик уйда,  
Барчанинг дарди унда доимо.  
Унинг даргоҳи тинчлик уйда,  
Ҳарам сари йӯл унинг ҳавоси.  
У шоҳликнинг давомлилиги тарафдори,  
Олам расм русумлари омили.

Гадолар йўлида тоғдек ҳосил берди,  
 Карам қасри унинг ҳимоя даргоҳи.  
 Доимо илм дарси унда мавжуд,  
 Хакимлар алқаш унинг ишидир.  
 Камол меҳри унинг тожи,  
 Ҳиммат мулки унинг Қозилик йўриғи.  
 Боши карам сари йўл бошловчиси,  
 Мақтанчоқлар олами учун маҳрам.  
 Руҳлар йўли мудом йўловчиси,  
 Ҳарам сирларига у донм маҳрам.  
 Султонлар унинг даргоҳи ҳавосида,  
 Халқлар ишнинг дили муродидир.  
 Халқ расм-русмига асос солди,  
 Олам ишларига ислоҳ киритувчи.  
 Барча амирлар сарварининг ҳокими,  
 Хакимлар сирлар оламининг олими.  
 Дил аламидадир унинг дарди,  
 Дилимизда дирам муҳридир меҳри.  
 Ҳукмларига расул ҳукмидир маҳкум,  
 Ганилар дилида унинг ўқи маҳкам.  
 Ҳамла фикри ёргудек бўлса,  
 Ганим руҳи йўқлик йўлида бўлур.  
 Карам қилиш унинг қонил йўриғи,  
 Иккаласи ҳам ганимлар ишида оғудир.  
 Дили икки томирла самога ҳамроҳ,  
 Дами султон руҳига ҳамдам.  
 Барча унинг ишни тутсам дейди,  
 Доимо барчанинг додига етарди.)

## ҲАЗРАТИ МАВЛОНО ИСМАТУЛЛОҲ ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИҲИ

Мубтадойи аълам маҳдуми аъзам салаф аҳлининг машҳури, барча халафлар устоди, халқ фозилларининг қибласи, ислом олимлари қудваси, фуруъ ва усул, манқул ва маъқул қондалар эътиқодчиси, оллоҳ мақбули, Аллоҳ аҳлининг маҳбуби, оллоҳ маърифати тариқининг солиқи, шариаат ва тариқат вад-дин руҳи Мавлоно Исматуллоҳ, қуддиса сирруҳу, ҳазрати Мавлоно Маҳмуд ибн Мавлоно Неъматуллоҳнинг тўнғич фарзанди

аржмандидир. Ул зот андак восита билан Ҳазрати Султонул-орифин Хожа Орифи Ревгарий Бухорий, қуддиса сирруҳуга туташадилар. Ул махдум оналари тарафдан Ҳазрати Қутбул-ақтоб Ҳазрати Шайх Ходим, қуддиса сирруҳуга бориб етадилар ва фарзанддек яқиндилар. Ҳазрати бузруквор шайхнинг мазорлари Самарқанд ноҳиясидадир. Аммо, Ҳазрати Охунд Султони Саъд ибн Султон Абу Саид ибн Қўчқинчixon тахтга чиқишлари санасида мазкур вилоятда қарам қадамларини йўқлик шабистонидан вужуд илми майдони фазосига қўйдилар. Борлиқлари қуши йўқлик зулумотидан мукаввиног олами ҳавосида изҳори парвоз қилди. Дорул-илм Самарқанд вилоятида суратий ва маънавий фазилатларни даражама-даража касб этиб, «валлазийна ав ту-ул илм» мақомоти даражасига етказди. Риёзат калиди билан мушкот ва мушқилот муаллиқотининг эшиклари возеҳ ва очиқ бўлди. Мақсадлар ва одоблари дастасига эришиб, тараққий топди. Зоти комил жавоҳири тиббий илмларга муосир ва ҳукмий фаилари фохир, назаридан урфон чирогни мутажалли; бадан илми судур чирогнда ва қалб парчасини ёритиб, ҳар фан мушқулотлари рамзлари хазинаси; ботни хазинасида ёритиш захираси сабаби. Асрнинг Афлотун таъъларини риёзий илмларда ўрганган. Соҳибқирон Абдуллоҳ Баҳодирхон салтанати замонида Самарқанд вилоятининг аъламул уламосини дин имомлари уларнинг қабул тавқенга ёздилар. Қунлар, вақт ва соатлар зот такмили, ахлоқий сифатлардан ўзга нарса учун ўтмасди. Қўп вақт халлоқи оламу афлотдорлари фазилатлар касб этиш учун сарфланарди.

Қутбул-ақтоб Ҳазрати Қосим Шайх, алайҳурраҳма вар-ризвона, Мавлоно Исматуллоҳ валийдирлар ва ладуний илмлар соҳибидирлар, деб таъкидлаганлар.

Нақл қиладиларки, баҳор айёмида Ҳазрати мавлонони саҳро сайрига таклиф қилдилар. Ул зотнинг қабули насимдан ёронлар муроди гунчаси барг ёзди. Ихлос қилувчилар маърузи ул зот мақбули бўлди. Таваққуф қилмай ва тақаллуф изҳорисиз йўлга тушиб, талабалар саодатли рикобларида шитоб билан борардилар. Улар орасида бир ўспирин бор эдики, унинг орази шамсиясидан рамз ва фасоҳат суҳандонлар тасаввур ва тасдиқ юзасидан шарҳлар ёздилар ва унинг узори сафҳаси саводи матлаъи ҳошиясидан тулуъ қи-

лувчилар равшанлашдилар. Қошлари сатрларидан мут-тасил мушкилоти ишорат тушунардилар. Унинг қўзлари қорачиғидан назар баҳсидан румузлар эшитардилар. Тили ҳадисларидан тамоми илми калом ўрганардилар. Хуллас, ул жавон сарви равондек ноз этагини бар уриб, бўстон саҳнида бир тўда дўстлари билан хиром этарди ва қадами қутлугидан сабзаларга Хизр ҳаётини бахш этарди. Ногоҳ оёғи кафи гул баргидан тилинди. Уткир тикан тили беадаблик билан ундан бўса олди. Лолага ўхшаш сўхтажон ошиқлар боғ сайлидан доғ ва ғунчадек дилтанг бўлдилар. Ҳазрати Охунд ул гуландомни оёғида тикан кўриб дарҳол қалам дастёрлигида таъълари зодасидан бир байт рақам қилдиларки ул гульузор тикан захмига малҳам қўйилди. Уша байт ушбудир:

Ба мижгон чун барорам гар биё хоре расад ўро,  
Сари мўе намехоҳам, ки озори расад ўро.

(Мазмуни:

Тикан кирса киприк билан олай, кел,  
Унинг бир тукига ҳам озор етишини истамайман.)

Ул илмнинг пурсамар шажараси қарийб юз йил ҳаёт томирини дунё заминида маҳкам тутди. Халқ бошига фазилат соясини солиб, оқибатда санан 1009 ҳижрий (милодий 1600/1601) йили ғурури бемадор дунё уйидан сурур сарайи ва ҳузур мақоми сари юз бурдилар. Ва жаннатул-маъвони ихтиёр қилдилар. Қасрул-баракот асарлари мавжуд. Халқ орасида машҳурлари «Нажотул-қори дар қавонди Қуръон», «Суол ва жавоби масъалан ғарбия», «Рисолаи раъсия», «Рисолаи ҳусния», «Дар одаби таҳорат», «Рисола дар таҳқиқи силсилаи жаҳрия», «Ҳошия бар шарҳи Мулло» то феъл баҳсигача, «Ҳошия бар шарҳи Ақойид», «Аз азоби қабр то охир». Ҳечмадон ушбу сатрлар Роқими янги тугилган чақалоқдек унинг замири лавҳи баёзи бўстанида сода ҳунар таҳрир ва фозил рақамидан оташ барқтозлари олдида маоний майдони жиловини гўдакдек найсавор пиёда ақл муаллими ёридан яширин ва пинҳон, балки ақл либосидан холи яланғоч бир неча воситадан сўнг фарзандлик нисбатидаман. Бунда олий насаби оламиёнга фарзандлик нисбатини бермак камоли беҳирадликдир. Мисраъ:

Каманду зиреҳ кужо, офтоби қаср кужо.

(Мазмуни:

Каманду зиреҳ қайда-ю, офтобий қаср қайда.)

Ул пурсамара шажарадан илм шохчаси ўсди, ундан баҳорнинг насимидин маъюслик ва маҳрумлик фазли уфурмоқда. Хазон совуқ жаҳл шамолидан қуриб, бибарг ўз мақомида қолди. Парда томири ё чексиз баҳри томчиларидан илму ҳунар етмади. Бу йўқлик нисбати балки...

Роқим падарнинг бобоси Ҳазрати Амир Фатҳий ибн Амир Сайид Иброҳим асли Андигон вилоятдан бўлганлар. Тошканд вилояти сайидлигига муносиб топилгач, Тошкандий номи билан машҳур бўлганлар. Ҳазрати Оҳунд вафоти тарихини шундай назм қилишган. Тарих:

Олими илми ладун Исматуллоҳи вали,  
Чун зи олам рафт дар олам дигар Исмат намонд.  
Аз вафоти он фариди аср-он яктои даҳр,  
Олимонро қадр рафт, илмо қиймат намонд.  
Соли тарихи вафоташ Фатҳин мотам зада,  
Нолаҳо кард бигуфто «дар жаҳон Исмат намонд»  
(1008).

(Мазмуни:

Ладуний илми олми Исматулло валий,  
Оламдан ўтиши билан аламда бошқа Исмат  
қолмади.  
Ул аср ягонаси, даҳр яктоси вафотидан,  
Олимлардан қадр кетди, илмда қиймат қолмади.  
Фатҳий мотамзада унинг вафоти тарихини,  
Айтиб нолалар қилди: «жаҳонда Исмат қолмади».)

Қутбул-аброр Ҳазрати Хожа Аҳрор, қуддиси сирруҳу, нурларга тўлиқ, файзосор мазорлари ёнига қўйдилар. Илоҳий китоб сирларига тўлиқ, ҳазрати рисолатпаноҳ ҳадислари саҳифаларидан бўй бериб турувчи жасадлар, жилди тупроқ сандиғига васият бўйича қўйилди.

## Лимуаллифа:

Эй шуда маъзурн жоҳи хароб,  
Чанд ниҳи дидаи ғафлат баҳоб.  
Умри гарон моя сабук ҳамчу бод,  
Рафт ту аз марги наёри баёд.  
Хайри сарапжони сафар соз зуд,  
Даст газидан зи надомат чи суд.  
Нодира табъони дақонқ асос,  
Нуктарабоёни бурун аз қиёс.  
Мажмаъан илм чу авроқи пок,  
Дастн қазо кард ба сандуқи хок.  
Дари фано ҳеч надорад сабот,  
Барқи бақо нест ба наҳли ҳаёт.  
Бо шажаран умр таманно мақун,  
Сарсарн маркаб қунад аз беҳу бун.  
Ранги бақо нест ба олам падида,  
Бӯн вафо дар гули инсон ки дид.  
Дори агар дидан ибрат қушо,  
Чарх қунад жисми туро тўтиё.  
Нутқ дар он кўфта ба коми лаҳад,  
Ҳамчун лаби гўри ҳамуш абад.  
Ҳамсафари хона бадушон шуданд,  
Қофилан шаҳри хомушон шуданд.  
Одати хўн фалаки кийна кўш,  
Сурма қунад хоки ту, яъни ҳамуш.  
Софдилон зерн замин сад ҳазор,  
Монда чу оннан зерн апор.  
Марг шуд журъан рашҳад ҳаёт,  
Нўш қунад заҳр зи қаъси мамот.  
Қунжи лаҳад ҳамнафаси мору мўр,  
То дами мўҳлат ки явмул нушур,  
Мекашад аз жозибан гуҳар бор,  
Шуд нафасн гўр дами аждаҳо.  
Гар бихўрад мўр қасон бок нест,  
Хоки кам аз афъин Заҳҳок нест.  
Хуни қасонро пай ҳам рўзу шаб,  
Пок хўрад хок бимонад ба лаб.  
Роқим аз ин ажаб рўбоҳнок бош,  
Пештар аз хок шудан хок бош.  
Қард сарафроз ба озодаш,

Ҳоксифат бош ба уфтодаги.  
Еди азизони ту бикӯш ҳар нафас,  
Токи зи баъди ту кунад ёд кас.

(Мазмуни:

Эй хароб мансаб маъзури бўлган,  
Ғафлат кўзини қачонгача уйқуга тутасан.  
Қимматга тушувчи умр шамолдек енгил,  
Улимдан кетдинг — ёдга олмайсан.  
Сафар анжомини хайрли тузат,  
Кейин бармоқ тишлашдан не фойда.  
Дақиқ асосли табъи нодирлар,  
Утганлардан қиёс қилиб нукта овловчилар.  
Илм оқ-тоза вараққа ўхшайди,  
Уни қазо қўли тупроқ сандиғига тикиди.  
Фано уйининг саботи йўқ,  
Ҳаёт ниҳолида бақо йўқ.  
Умринг шажаридан мағрурланма,  
Совуқ шамол суворийси томирдан суғуради.  
Олам бақосини ҳеч ким кўрмаган,  
Ипсон гулида вафо ҳидини ким кўрган?  
Ибрат кўзи мудом очиқ бўлса,  
Чарх сенинг жисмиңгни тўтнә қилади.  
Унда лаҳад комнда нутқ йўқ,  
Гўр лабидек абад хомушдир.  
Хона ҳамсафарларни ортидан эргашди,  
Хомушлар шаҳри карвонига ўхшаб.  
Қийначи фалак одати шуки,  
Хамушлар хокини сурма қилади.  
Ер остида софдиллар юз минглаб,  
Анор остидаги оннадек қолди.  
Улим ҳаёт томчиларидан бир қултум бўлди,  
Мамот қўлидан заҳар ичгандек.  
Лаҳад кунжи мору мўрга ҳамнафас,  
Қиёмат кунигача шундай бўлади.  
Ғавҳар тортувчидек сени тартади,  
Гўр нафаси аждаҳо дамидек.  
Мўр еса одамларни ажаб мас,  
Тупроқ Заҳҳок илонидан кам эмас.  
Кеча-кундуз одамлар қонини излайди,  
Тозалаб ейди, лабида туроқ қолгунча.  
Роқим, бундан ажаб тортма, пок бўл,

Тупроқ бўлишдан олдинроқ тупроқ бўл.  
Озодалиқда сени сарафроз этди,  
Ётганингда эса тупроқ каби бўлгил.  
Азизлар ёднин қил ҳар нафас,  
Токи сендан кейингилар сенга эргашиш.)

### **ҲАЗРАТИ ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ВА ҲАЗРАТИ МАВЛОНО ПОЯНДА, ҚУДДИСАҲУМО ВАФОТЛАРИ ТАРИХИ**

Ҳазрати Мавлоно Пояндан Ахсиги қуддиса сирруҳу ва Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ ибн Мавлоно Хожаги қуддиса сирруҳуларнинг ҳар бири ҳидоят фалагининг қутби ва валийлик осмонининг ойн эрдилар. Иршод нури билан ибодни залолат зулмидан олиб чиққан ва эътиқод шоҳроҳига етказган эдилар. Ҳидоят шамъи рӯшнолиги билан сулук аҳлини аввали бидоятда ниҳояти ботинлигидан ўтказганлар. Аммо, ажали мавъуд етишгач ояти каримаи «Изо жаъба ажалухум лаюстахруна соатан ва ла ястақудумун» мазмунига биноан санаи 1010 ҳижрий (милодий 1601) йилда «ана Аллаҳи ва ана илайҳи рожеъун» азамат паноҳига ўзларини олдилар. Бу икки бузург вафоти тарихи ҳам Мавлоно Боқийнинг бадоеъ рақам, ёхудшиям қалами билан рости таъминя либосида изҳор этилди. Тарих:

Ду муршид аз жаҳон рафтанд, бурданд,  
Қарору сабр аз дилҳо саросар.  
Бар вай синаҳо аз баҳри тарих,  
Рақам карданд: «Оҳ дили мукаррар».

(Мазмуни:

Жаҳондан икки муршид ўтиб,  
Сабру қарорни дилдан олиб кетдилар,  
Сийналар тарихини излаб унга,  
Рақам қилдилар: «Оҳ, дили мукаррар».)

Улувул-боб қолмади. «Оҳи дил»дан мурод оҳнинг қалбидир. Қалб оҳининг сурати, яъни оҳнинг акси ҳандаса илми бўйича 1010 дир. Бу бир мингу ўннинг шакли мукаррар рақам қилинса, мақсуд тарихи ҳосил бўлади. Қутбул-ақтоб Ҳазрати Поянда, қуддиса сирру-



ҳунинг саодатли, нурга тўлиқ мазори Фахирайн Бухоро вилоятидадир. Ҳозир Файзулобод номи билан машҳур. Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ, қуддиса сирруҳу файзли мунаввар марқадн Самарқанд вилоятининг Даҳбед қаряси, бузруквор боболари мазори ёнидадир.

### **ҲАЗРАТИ МОВЛОНО ХОЖАГИ АМКНАГИЙ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Ҳазрати қутбул-ақтоб мавлоно Хожаги Амканаги, қуддиса сирруҳу, Ҳазрати Мавлоно Дарвеш, қуддиса сирруҳунинг тўнғич ўғиллари ва фарзанди аржумандларидир. Ул зот ўз соҳибн ҳоллари Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Зоҳид халифа, продат қўлларини қутбул-ақтоб, зубдатул авлиё, хулосатул атқиё, қудватул-аброр, усватул-ахёр Ҳазрати Хожа Аҳрор, қуддиса сирруҳу, пок этақларига урган ва асҳоби киром, хулофойн ҳумомларига айланган, камол мартабасига эришган эдилар. Ҳазрати Мавлоно Хожаги, қуддиса сирруҳунинг муридлари кўпдир. Ҳар бири комил бўлиб, мамлакат вилоятининг валийсн эдилар. Ул зот авлодидан бири хайрият маросимли Ҳазрати Хожа Абулқосимдиларки қалб махзанул-асрорини ҳидоят лаъллари нурига кўмади; дил хилватхонасини Оллоҳ маърифати чароғи билан ёритади. Бул затдан ҳам фарзандлар қолган. Улар шу кунгача обо ва аждоди чироғини офтоб партавидек равшан тутиб келмоқдалар.

Санаи 1010 йили Ҳазрати Мавлононинг пурфутуҳ руҳи муборак тан савмиъасидан олий олам хонақасига олиб кетилди. Мунаввар қабрлари Шаҳрисабз вилоятининг Амкона қарясидадир. Мирзо Муъмин муншики бир неча вақт хилофатнишон Абдулла Баҳодирхон китобдори ва ишонаввоби мансабнда муазиз эди ва бир неча вақт яна маъдалатнишон Боқимухаммад Баҳодирхон хизматида мушрифлик ва девондорлик мансабнда бўлди. Унинг вафотидан кейин маъдалат макон хоқон Вали Муҳаммад Баҳодирхон Моваруннаҳрни истило қилгач, шавкатли аркони давлат амирлари қаторидан жой олди. Мақтовли фазилатларга эга эди. Ул олий мартабали зот вафоти тарихини шундай битди. Тарих:

Қутби олийқадр мулло Хожаги кони сафо,  
 Он ки тухми некӯи жуз дар дили мардум нақишт.  
 Рафт аз олам жавон ғаввоси баҳри маърифат,  
 Жумла зарроти жисмон ба оби наю биҳишт.  
 Баски буд он қутби олами некхоҳи мардумон,  
 Ҳақ таоло дод ўро жой дар мулки биҳишт.  
 Шайхи аҳли дин чу буд он муқтадон рўзгор,  
 «Шайхи аҳли дин» қазо тарихи фавти ў навишт.

(Мазмуни:

Олийқадр қутб мулло Хожагии сафо кониқир,  
 Одамлар дилига яхшиликдан ўзга нарас экмади.  
 Ул маърифат баҳри ғаввоси, оламдан ёш кетди,  
 Жисмидаги барча заррани наю биҳишт сувиға.  
 У олам қутби, одамлар некхоҳи эди,  
 Ҳақ таоло унга биҳиштан жой берди.  
 Дин аҳли шайхи замон муқтадоси эди,  
 Қазо унинг вафоти тарихини «Шайхи аҳли дин»  
 (1010) деб ёзди.)

### **ФАЗИЛАТШИОР МУЛЛО НАЗИРИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ**

У машҳадлик бўлиб, фазилат касбини ўша ерда олди. Машҳадни муқаддаси Разавия вилояти фатҳида Абдулмўминхон комёб наввоби бандалари қўлига тушганди. Мовароуннаҳрга келтиришлар. Бу ортиқча риоят топиб, матин шоирдир, гуфтори ширини ашъори матладан то мақтаъигача бадосъус-саносъ уфуриб турарди. Гуфтори бошдан охиригача муосир наводирлар билан мавзун. Ҳамиша суҳансоз табъи балоғатгустар асарлар нозими ва саҳифа пардоз қалами фасоҳатпарвар рақам роқимидир. Абдулмуминхон наввоблигидан сўнг Ҳинд сари жунади. У ерда бир неча муддат туриб, қасидалар ва тўрт минг байтдан иборат «Иброҳим ва Адҳам» номли маснавий ёзди ва у кўп шуҳрат топди. Санаи 1015 ҳижрий (милодий 1606) йилда ҳаёти қасидаси посбон томонидан тугатилди. Ушбу бир неча байт унинг қаламига мансуб:

Шаби зидд ҳамчу ялдо ял ба рангаш,  
 Зи торики навид дида дангаш.

Сиеҳи бас дар он ҳам рафта чун қир,  
Шикасти кард рӯза хости тир.  
Маҳи ошиқнавоз аз хоб бар хост,  
Жамоли ишва аз зебнавозаст.  
Ҳиромон жилвагар шуд жонниби жўй,  
Ки шўяд аз ғуборн хоби шаб рўй.  
Гуле будаш ба даст офат надида,  
Ба сад уммед аз гулзор чида.

(Мазмуни:

Кеча зидди бирдек қора рангида,  
Қоронғуликдан кўз кўрмасди.  
Қоралик қийрдек кетади,  
Қундалик исталган ўқ уни спидирди.  
Ошиқни эркаловчи ой уйқудан турди,  
Безанганидан жамоли ишвали.  
Жилва билан анҳор сари юрди,  
Кеча уйқуси ғуборини юмоқ учуи.  
Қўлида офат кўрмаган гул,  
Юз умидлар билан гулзордан узганди.)

**САЕДАТМАОБ, МУРТАЗАВИЙ ИНТИСОБ,  
ҚУДВАТУЛ-УЛАМО, ЗУБДАТУЛ-ФУЗАЛО  
ҲАЗРАТИ АМИР ФАТҲИЙ, ҚУДДИСА СИРРУҲУ,  
ИБН АМИР САИД ИБРОҲИМ ВАФОТИ ТАРИХИ**

Тошканд вилоятининг касирул-баракот сайидларидан эдилар. Бул зот Роқим отасининг бобосидир. Сеҳрофарин табъи ва саодатқарин фаҳми ёрдамида ладуния илми таҳсилини олганлар. Сабқат ғўйини яқинларидан тортиб олиб, кўп нарсага эришдилар. Фариду бемонанд бўлдилар. Толиблар унинг фазилатлар дастурхонидан хушҳол ва талаб водийси ташналарини ўзининг фазли чашмаларидан сероб ва молломол этдилар. Имомқули Баҳодирхон замоннда Самарқанд вилоятининг аъламул-уламоси мансабига сарафроз ва мумтоз бўлганлар. Хуллас, бул фазилатлар баҳри муҳити, ҳикмат ва қамол манбаининг тасниф ва таълифлари жуда кўп. Жумладан, «Қитоби жомеъул — маъқул вал-манқул», «Қитоби-зодилохират» — икки жилда. Бириичи жилди «Қисас анбиё», иккинчиси «Салот ир-Раҳмон»дир. Бу Роқим хонасидадир. Бошқа асарлари

ҳам кўн. Шунча фазилатларга қарамай гоҳида шеърга  
ҳам майллари бор эди. Улардан ушбу рубой:

Пайдо чу шавад қиёмати растохез,  
Не раъи гурез аст, на орои ситез.  
Сад сур дамад малак, нагардам зинда,  
То дўст нагуядам, ки: «Фатҳий бар хез».

(Мазмуни:

Қиёмат куни растохези пайдо бўлса,  
Не қочишга раъйинг, на қаҳрга оройинг.  
Юз сурнай чалса малак тирилмадим,  
То дўст демаса ки: «Тургил Фатҳий!».)

Ажал вақти яқинлашганда ҳаёт кунлари тугайди.  
Дақойиқ асос, ҳақойиқшинос руҳи пурфутуҳи санан  
1045 ҳижрий (милодий 1635) йилда жаннатул-матвога  
риҳлат қилди. Фозиллардан бири ул зотнинг вафоти  
тарихини шундай ёзади. Тарих:

Зиёи дин жаноб Мир Фатҳи сайинди олам,  
Дариғо гашт он хуршид дар зери замин пинҳон.  
Адимулмисл дар ҳар фан чунон буд якка дар аҳдаш,  
Ба тақво аз ҳама аввал, ба фатво соини Нўъмон.  
Ба сад андуҳ соли риҳлат аз пури хирад жустам,  
Жавобаш дод бо дарду алам: «ғамҳои бепоён».

(Мазмуни:

Дин зиёси жаноб Мир Фатҳий олам сайинди,  
Дариғо, хуршиддек ер остига пинҳон бўлиб кетди.  
Ҳар фанда мислсиз, замонаси ягонаси,  
Тақвода ҳаммадан аввал, фатвода Нўъмондан кейин  
иккипчи.  
Юз ғам билан ақлдан вафоти йилни сўрадим,  
Жавоб берди дарду алам билан: «ғамҳои бепоён».)

Махфий қолмагайки, «ғамҳойи бепоён» лафзи бўйи-  
ча исқот амали қўлланади. Сўнг мақсад санаси келиб  
чиқади.

## ЗУБДАТУЛ-МУҲАҚҚИҚИН, УМДАТУЛ- МУДАҚҚИҚИН МАВЛОНО ЮСУФ ҚАРОБОҒИЙ ВАФОТИ ТАРИХИ

Қорабоғ Ироқ вилоятининг бир қарясидир. Фазилати кабани шу ерда қилди. Камол мартабасига ўша ерда етди. Илму фазл дорулмулкни ул зотга мусаллам бўлди. «Ма садақа аламл-нисона ва маалам яъламу» фитрати бўйича донишворлик саҳифалари ва фазоғустарлик жаридалари «Инно аъламу малатааламуна» нақшлари билан безатилди.

Аъламул уламо, қудватул фузало Мулло Мирзажонки «Мулло Нав» номи билан машҳурдир, хизматида кўп китобларни тасниҳ қилган. Фанлар ва илмларда моҳир бўлиб, хусусан, ҳикмат ва ҳайъат илмида давр ва замон яғонасига айланди. Ироқ вилоятидан устози Муллои Нав ҳузуридан Мовароуннаҳрга кўчиб келади. Толибларга фойда ва истифода етказдилар. Аввал Самарқанд вилоятида яшаб, масжидда дарс бердилар. Бағоят озода ва дарвешваш эдилар. Шайхларга қубровия тарикатига эътиқод қўйишига, дарвешларга ул тарикани ўргатар эдилар. Ул зот мақбули Илоҳ Ҳазрати Шайх Холилуллоҳ, қуддуса сирруҳу, пок этакларига иродат қўлини урган эдилар. Бул зот Ҳазрати қутбулақтоб Шайх Ҳусайн Хоразмийга мурид эдилар. Ул зот шеър фанида олий таъбага, юксак фитратга эга эдилар. Матлаъидан мақтангача санъат бадийалари билан безатилган, ибтидодан интаҳогача таъсирли наво билан мавзун бўларди. Бу ул зотнинг гуҳарбор таъбидандирки улардан дард бўйи жигари хасталар машомига, ёндирувчи нашъа ворасталар жонига етиб, йўқлик кўчаси фақр ва фано оламида гамни роҳат, аламни истироҳатдан афзал кўрадилар. Байт:

Қавме, ки журъа аз майи ваҳдат чашиндаанд,  
Дастн талаб зи нақди ду олам кашиндаанд.

(Мазмуни:

Ваҳдат майидан бир қултум ичган қавм,  
Икки олам хазинасидан қўл тортурлар.)

Турли илмларга доир асарлари халқ орасида шуҳ-

рат топган. Санаи 1056 ҳижрий (милодий 1646) йилда дунё золимлари жоҳидан чиқиб охиратнинг Юсуфи Мисрийси бўлдилар. Ул саодатманднинг аржуманд фарзанди Хожа Яъқуб муносиб тарих ёзганлар. Тарих:

Гуфт дар соли рихлаташ хотиф,  
Рафт Юсуф зи дидан Яъқуб.

(Мазмуни:

Хотиф вафот этган йили:  
«Юсуф Яъқуб назаридан кетди»да.)

Фатоат арбоби замирига яширин қолмагайки, 888 санасида Ҳазрати Махдумий Жомий биқрий фикри мунир замирлари ҳижласидан суръат қалами дастёрлигида тахрир саҳифаси соҳасига қиссан «Юсуф ва Зулайхо»ни хиром эттирган эди. Ширин маоний шоҳидларнинг ҳар биридан Зулайховор парданишини лафзлар чиқдики, бу ноёб тарихни китоб хотимасида рақам қилди. Тарих:

Қалам нассожни ин жинси фохир,  
Расонида ба охир соли охир.  
Ки бошад баъд аз ин соли мужадад,  
Нўҳум сол аз нўҳум ушр аз нўҳум сад.

Ҳазрати Махдумийдан сўрадилар: «Юсуф ва Зулайхо» китоби қайси тарихда тамом этилган? Дарҳол жавоб бердиларки, «шаши муҳаррам». Иккинчи бор лаб очиб тарих кайфиятидан сўрадилар. Он ҳазрат бир бадиха илтифот қилдилар. «Шаши муҳаррам.» Учинчи мартаба сўрадиларки, «шаши муҳаррам» қайси санага тўғри келади? Жавоб бердиларки: адади хайр. Шаши муҳаррам адади «адади хайр» амри билан 888 га баробардир. Бу икки тарихнинг ҳар иккиси, бири шаши муҳаррам, яна адади хайр. Булар олти ҳарфдир. Шаш ҳарф лафзи ҳам 888 га баробар. Бундай фикр фавқуллода тафаккур мажмун бўлиб, махсус Ҳазрати Махдуми Жомийга тегишлидир. Қалоллоҳу аълам бисса-воб. Тамматул китоб. Оллоҳума иғфирли валволидайя валиман каъна ҳаққо Алийина фи тарих 1191/1777.

Ба авин молликул ваҳҳоб фи яди аҳқарул Ибод Шоҳ Кучак ибн Мулло Шоҳ Осиф Тошкандий. Гофурун зунубухума.

## ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР

- Асфиё бурҳони** — афзаллик шаҳодати  
**Асҳоб** — суҳбатдошлар, дўстлар  
**Аҳфод** — авлод  
**Баруманд** — баҳраманд, мевали  
**Басират** — кўриш, кўрувчанлик; зийраклик, сезгирлик, идрок, ўткир зехн  
**Бебок** — қўрқмас, ҳайиқмас; ҳаёсиз, парвосиз; бевош  
**Бода** — май, ичимлик, шароб  
**Вадига** — омонат, қўйилган парсалар  
**Васф** — таърифлаш, макташ  
**Вақф** — масжид, мадраса ва шу кабилар таъминоти учун белгилаб қўйилган даромадли ер, дўкоп, сарой, тегирмон ва ҳоказо мол-мулклар, хазина  
**Вақф** — турини, тўхташ (ўқини, сўзлашда); аруз қондаларидан бири  
**Ғўйу чавгон** — тўн ва учин эгри узун таёқ. Чавгон ўйинида ўртага қўйиб, от устида учин эгри узун таёқ билан ўйналадиган кичкина ёғоч тўн  
**Дайр** — зардўштиғиллар ибодатхонаси, майхона  
**Зав** — ҳарфлар қиймати 807  
**Зузанаб** — қуйруқлик юлдузи. Зузаноб  
**Иби** — ўғил  
**Изу жоҳ** — баланд мартаба, иззат ва мартаба  
**Изииво** — жамиятдан чекинмиш; хилватда ўлтириши; зовияда яшамок  
**Иршод** — тўғри йўл кўрсатини  
**Исқот** — тарих санъатида сўздан бир ҳарфни атайлаб, нем топини мақсадида олиб танилаш  
**Игроқ** — ақлга сиғадиган тарзда муболага қилмоқ  
**«Канпақши фи ҳажара»** — тошга ўйилган нақиндек  
**«Кулли нафисин зонқатул мавти»** — ҳар бир тирик жон ўлим мазасини тотиб кўрувчидир  
**Ладунний** — уринмасдан, худо томошидан берилган илоҳий илмлар  
**Ложувард** — тўқ кўк тусли тош; кўк тус  
**Лўзлўғи мақини** — яширилган, яхши сақлангандур  
**Мафун** — дафни қилинган; кўмилган  
**Малжоҳ** — наана жойи, палох  
**Малоҳ** — эътиборли кишилар гуруҳи  
**Мамот** — ўлим, вафот  
**Маржаъ** — қайтиб бориладиган жой; мурожаат этиладиган киши  
**Масжиди Ақсо** — Қуддус шаҳрида Муҳаммад даврида қурилган  
**Маскук** — зарб қилинган олтин, кумуш ва чақа пул устига  
**Матлаъ** — чиқадиган жой, қўшнинг чиқини жойи, газалнинг биричи байти  
**Маъво** — бошчана, турар жой, мақоф

**Маъман** — омонлик жойи, тишч жой  
**Мафиҳо** — ичиндан, уйдаги  
**Мақтаъ** — газалининг сўинги байти  
**Маҳзар** — ҳозир бўлини, ҳозир бўлиш жойи  
**Мосуаллоҳ** — тағридан бошқа  
**Мунҳазам** — бузилган, тарқалган  
**Мустаграқ** — гарқ бўлган, чўмган  
**Мужоҳада** — саъй, таърат  
     — тамга урилиши  
**Мубҳам** — яширин, яширин маъно, ноаниқ, чғал  
**Муваззаҳ** — изоҳланган, равшан айтилган  
**Мутаҳҳар** — тозаланган, покланган, тоза  
     катта масжид  
**Муллаҳас** — хулосаланган, хулосаси олинган; бошқа нарсадан  
     пок ва холис бўлган  
**Муставфий** — етарли даражада; дафтардор, ҳисоб-китобчи  
**Мунҳазим** — бузилган, тарқалган, тум-тарақай бўлган  
**Мустаҳҳад** — далил, талаб этилган гувоҳ, бирор кишининг гап  
     ёки асаридан келтирилган кўчирма, истишҳод  
**Муқарнае** — бинонинг қатма-қат ўймали, қабарикли шакллар бе-  
     риб ишланган, гўзал қубба шаклидаги нақилари  
**Муфассир** — Қуръон оятларини изоҳловчи  
**Муроқиб** — кўз тутувчи, умидвор, нигоҳбон  
**Муждил** — баҳслашувчи, тортирувчи, талашувчи  
**Муқотала** — жанг, уруш, қирғин  
**Муҳаққиқ** — аниқловчи, тақиқловчи  
**Нажобат** — улуслик, олижаноблик  
**Насрун мишалаҳи ва фатҳун қарибун** — Тағри томонидан ёр-  
     дам ва яқинида муваффақият тавфиқ бўлади  
**Наҳобат** — гаратгарлик  
**Нозир** — назорат қилувчи, қаровчи, кўз солувчи  
**Носир** — бу ерда: маҳв этувчи, таслим этувчи маъносида  
**Нофа** — мушк беzi  
**Нурбахш** — мунавварлар  
**Нўён** — мўғул қабила бошлиғи, қўшин қўмондони  
**Отифат** — шафқат, мурувват  
**Порсо** — художўй, сақланувчи, ёмон ишлардан ўзини тийувчи  
**Садруш шариа** — шарият садри, садри аъзамининг лақаби  
**Садду баът** — қадду қомат  
**Саккок** — тагга зарб этувчи ҳунар эгаси, ничоқчи  
**Саманий** — ҳайвоний одатлардан пок, ҳиммати баланд инсон,  
     ўзини тийувчи  
**Саҳо** — саҳийлик, қўли очиклик, жўмардик  
**Сидк** — қатор, тизим, иш (марварид каби тошлар ўтказилади-  
     ган)  
**Синехр** — осмон, осмон гумбази; фалак  
**Сувайдо** — юрак ўртасидаги қора нуқта  
**Сурий** — суратга хос, суратга машуб  
**Табдил** — алмаштириш, ўзгартириш, тарих санъатида тасҳиф-  
     амали ёрдамида баъзи ҳарфларни бошқаларига алмаштириш.  
     Баъзан сўзининг маълум қисми ўзгартирилади  
**Тавқиъ** — шохнинг ёрлиқ, буйруқ ва фармонларига қўйилган  
     махсус белги. Шундай белги қўйилган буйруқ, фармон, ёрлиқ  
**Такмил** — камолга етказиш, мукаммаллаш  
**Тамсил** — мисол келтириш, ўхшатиш



- Таржиъбанд** — шеърда банднинг такрорлашishi. Булда шoir вазни бир, қофияси турлича бўлган бир неча банд шеърнинг ҳар банди орасида маълум бир байтни такрорлаб боради; такрорлашган байт ҳар банд охиридаги байт билан боғланиб бoриши шарт
- Таркиб** — сўзнинг шеърдa маъноси мураккаб бўлса, унинг муаммоли маъноси ёлғиз олинади. Асосий мақсад маънога қаратилади
- Тасмия** — ном қўйиш, аташ. Тарих айтиши санъатида вазмда беркитилган номни топишда ҳарфлардан бирининг номини айтиши. Шу ном топилиши лозим номнинг бир қисмини ташкил қилган ёки номга ишора қилган
- Таъмия** — беркитиш; муаммо ҳолига келтириши
- Татрих** — шеърда ҳарфларнинг сон қийматидан фойдаланиб тарихий шахсларнинг таваллуди, вафоти, бинийи хайрлар бунёди йилини сўзлар ёрдамида ифодалани санъати
- Устухонбанди** — тузмоқ, таркиб бермоқ
- Уқбо** — парини дунё, охира
- Фатрок (қажжирга)** — юк боғлаш учун эгарининг кетги икки томонига ўрнатилган тасма
- Фахира** — фахрларини боис бўлган, шонли, ҳанаматли, гўзал, порлоқ
- Фитрат** — яратилиши; табиат, тугма табиат
- Хайруламом** — халқнинг яхиниси
- Худ** — лашкарбоши киядиган узун учли қалпоқ
- Хулди барин** — жаннат боғи
- Хуеуф** — ой тутилиши
- Шабакa** — пажжара
- Шарафа** — кўнгира, муқарнас
- Шероза** — китобининг муқовага ёнишган икки учини жузвлар сочилимаси учун ишак билан бежаб тикиши
- Шодурвои** — соябош, чодир
- Шуқда** — байроқнинг бошига боғланадиган парча латта
- Қавен кузаҳ** — ўқ-ёй, камалак (баҳор чоғларида осмонда рангбаранг бўлиб, ёй шаклида кўринадиган шуъла)
- Қаррабо** — май шинаси
- Қатли жидол** — қирғи жанг
- Қол бидоён** — сўз аввали
- Қуддеса сирруҳу** — тағри унинг сирини муқаддас тутсин
- Қуре** — тўгарак парса
- Қутбул ақтоб** — қутблар қутби, авлиёлар лақаби
- Ғавс** — мадад, мададкор
- Ғавсул ақтоб** — қутблар мададкори
- Ҳабола** — ил, рипта
- Ҳасира** — ўраб олинган муқаддас жой
- Ҳижоб** — парда, оралиқни тўсиб турадиган парса, тўсиқ; уят, уялини
- Ҳижланиши** — чимилдириқда ўлтирувчи

## М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима ўрпиди . . . . .	3
Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим! . . . . .	6
Ҳазрати Шайх Аловуддин, қуддиса сирруҳу тарихи зикрида . . . . .	6
Ибн Яъмини Қитъағуӣ вафоти тарихи . . . . .	8
Садр уш-шариа Абдулла ибн Масъуд ибн тож уш-шариа вафоти тарихи . . . . .	9
Ҳожа Салмон вафоти тарихи . . . . .	10
Ҳазрати Саййид Алии Ҳамадоний, қуддиса сирруҳу вафотининг тарихи . . . . .	10
Мавлоно Лутфуллоҳ Нишопурӣи вафоти тарихи . . . . .	12
Ҳожа Ҳалолуддин Туроншоҳ вафоти (тарихи) . . . . .	12
Ҳазрати Хожайи Бузург Ҳожа Баҳовуддин Шоҳи Нақшбанд, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи зикрида . . . . .	13
Ҳожа Ҳофиз Шерозӣи, қуддиса сирруҳу вафоти зикрида . . . . .	15
Ҳожа Камол Хўжақидӣи, қуддиса сирруҳу вафоти зикрида . . . . .	17
Алломайи Тафтазонӣи, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	19
Соҳибқирон Амир Темур Қўрагоннинг молики Қомгор ҳукми билан Ўтрор қасабасида вафот тарихи . . . . .	22
Ҳазрат Амир Саййид Шариф, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	26
Ҳазрати Хожайи Муҳаммад Порсо, қуддиса сирруҳу вафоти зикрида . . . . .	29
Ҳазрати Шоҳ Қосим Анвор, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	30
Мавлоно Ҳасан Қубравӣи вафоти тарихи . . . . .	32
Паҳлавон Қотибӣи вафоти тарихи . . . . .	33
Улугбек Мирзо зикри, «Мадрасайи Олий» бипоси тарихи ҳамда вафотигача бўлган воқеалар тасвири . . . . .	35
Амир Шоҳӣи Сабзаворӣи вафоти тарихи . . . . .	40
Мавлоно Шарафуддин Али Яздӣи вафоти тарихи . . . . .	42
Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Қошғарӣи вафоти тарихи . . . . .	43
Шайх Озарӣи, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	43
Ҳожа Абу Наср Порсо вафоти тарихи . . . . .	44
Ҳожа Аҳрор, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	45
Халқлар сараси Ҳазрати Мавлоноӣи Ҳом таваллуди тарихи зикри ва ул хайрулапом вафоти тарихи . . . . .	51
Мавлоно Шамсиддин вафоти тарихи . . . . .	57
Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Рухӣи, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	58
Амири Кабир Мир Алишер тарихи . . . . .	61
Мавлоно Ҳалолиддин Давронӣи вафоти тарихи . . . . .	64
Мавлоно Муиниддин Фароҳӣи вафоти тарихи . . . . .	65
Мавлоно Ҳусайн вафоти тарихи . . . . .	67
Мавлоно Абдуғафур вафоти тарихи . . . . .	69
Мавлоно Фасиҳиддин вафоти тарихи . . . . .	70

Мавлоно Риёзӣй вафоти тарихи . . . . .	70
Мавлоно Биноӣй вафоти тарихи . . . . .	71
Ҳожа Абдулла Марварид вафоти тарихи . . . . .	72
Ҳожа Осафӣй вафоти тарихи . . . . .	74
Умид шоирнинг вафоти тарихи . . . . .	74
Мавлоно Фигонӣй вафоти тарихи . . . . .	76
Ҳожа Абдулла Ҳотифӣй вафоти тарихи . . . . .	77
Мавлоно Абтарӣй вафоти тарихи . . . . .	81
Ҳазрати Шайх Худойод, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи	85
Ҷоҳираи Бухородаги Мир Араб Мадрасаси биносининг қурилиши тарихи . . . . .	87
Мавлоно Аҳлӣй Шерозӣй вафоти тарихи . . . . .	89
Ҳазрати Мавлоно Асомуддин алайҳирраҳма вафоти тарихи	90
Убайдуллоҳхон Ибн Маҳмуд Султон вафоти тарихи . . . . .	91
Абдуллоҳхон Ибн Қучкиничхон вафоти тарихи . . . . .	93
Ҳазрати Қутбул-Ақтоб Маҳдумӣй Аъзам, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	93
Мавлоно Мирали Қотиб вафоти тарихи . . . . .	96
Абдулазизхон Ибн Убайдуллоҳхон вафоти тарихи . . . . .	97
Бароқхон Тошкандӣй вафоти тарихи . . . . .	99
Қутбул-ақтобӣй Ҳазрати Ҳожаи Қалон Ҳожа Йқуборӣй, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	100
Шоҳ Таҳмос вафоти тарихи . . . . .	102
Ҳожаи Хованд вафоти тарихи . . . . .	111
Ҳазрати Қосимшайхӣй Азизон, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	114
Бадахшон фатҳи тарихи . . . . .	117
Мавлоно Зайнуддин Абубақр Тойбодӣй, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи баённда . . . . .	120
Мулло Мунифқӣй шоир вафоти тарихи . . . . .	125
Мавлоно Урфӣй Шерозӣй вафоти тарихи . . . . .	127
Ҳожа Ҳусайн Сапонӣй вафоти тарихи . . . . .	129
Ҳазрати Мавлоно Содӣқ вафоти тарихи . . . . .	130
Абдулла Баҳодирхон вафоти тарихи . . . . .	131
Ҳазрати Пирим Шайх, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи	134
Қози Поянда Зоминӣй вафоти тарихи . . . . .	136
Ҳазрати Мавлоно Нематуллоҳ, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	138
Ҳазрати Ҳожа Абдулхалиқ ва Ҳазрати Мавлоно Поянда, қуддисаҳумо вафотлари тарихи . . . . .	144
Ҳазрати Мавлоно Ҳожаги Амканатгӣй, қуддиса сирруҳу вафоти тарихи . . . . .	145
Ҷазилатшиор Мулло Назирӣй вафоти тарихи . . . . .	146
Саёдатмаоб, муртазавӣй интисоб, қудватул-уламо, зубдатул-фузало Ҳазрати Амир Фатҳӣй, қуддиса сирруҳу, Ибн Амир Сайид Иброҳим вафоти тарихи . . . . .	147
Зубдатул-муҳаққиқин, умдатул-мудаққиқин Мавлоно Юсуф Қаробогӣй вафоти тарихи . . . . .	149
Лугат ва изоҳлар . . . . .	151

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛА  
ҚЎМИТАСИ  
РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ»  
ЖАМОАТЧИЛИҚ МАРКАЗИ  
МАХШИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА  
ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ ИНСТИТУТИ

Шарафуддин РОҚИМИЙ

ТАРИХИ ТОММ

Муҳаррир *Ибодулла Шаймардонов*  
Рассомлар *Зайниддин Фахриддинов*  
*Икром Шоабдуллаев*  
Мусаҳҳиҳа *П. Бобобекова*

Теришга берилди 21.10. 1997 й. Босишга рухсат этилди 18.02. 1998 й. Бичими 84x108<sub>1/32</sub>. Газета қоғози. Шартли босма табоғи 10.8. Нашр босма табоғи 11,75. Адади 7000. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 193.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-уй.  
Махшират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти,  
Тошкент, Отатурк кўчаси, 24-уй.

Тошкент китоб-журнал фабрикасида матн теришиб чоп этилди.  
Биринчи Тошкент босмахонасида рангли расмлар чоп этилиб китоб муқоваланди.  
Тошкент китоб-журнал фабрикаси. 700194, Тошкент шаҳри, Юнус-обод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.  
Биринчи Тошкент босмахонаси. 700002, Тошкент шаҳри, Соғбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.